

35
Н 69

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият курилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофикалаштириш қўмитаси

35/081

Т.Н. НИШОНБОЕВ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАКОМИЛИДА
“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИ
уқув-услубий қўлланма



“Akademiya”
Тошкент — 2011



2033442

УДК:35:004(575.1) (045.8)

ББК 63.3

Н69

Государств.
управление

Н69 Туйгун Нишонбоев.

Давлат бошқаруви токомида “Электрон ҳукумат тизими”. Ўқув-услубий қўлланма. ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси./ ЎзР Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. -Т.: Akademiya, 2011.

ISBN 978-9943-300-97-2

УДК: 35:004(575.1)

ББК 63.3

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ИГД 17-041 “Давлат органларининг бошқарув маҳоратларини ахборот технологиялари асосида токомиллаштириш муаммолари” мавзуидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Қўлланмада “Электрон ҳукумат” тизими, унинг таркиби модуллари, тизимнинг асосий хизмат турлари ва уларни тақдим этиш йўллари, давлат органлари бошқарувида қўлланнаётган хориж тажрибаси, ўтиш давридаги давлатларнинг бошқарувига “Электрон ҳукумат” тизими усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар келтирилади ҳамда электрон ҳужжат айланиши тизими, давлат мусассасининг ушбу тизим асосидаги иш юритиш технологияси, электрон рақамли имзо ва уни амалиётда қўллашга оид масалалар ёритилади.

Қўлланма давлат бошқаруви йўналишидаги тингловчилар, стажёр-тадқиқотчилар, ўқитувчилар ҳамда ушбу соҳа билан қизикувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-300-97-2

© Akademiya, Тошкент, 2011.

Кириш

Ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш, жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳолининг ахборотга тобора ошиб бораётган эҳтиёжини тӯлароқ қондириш, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига чиқишлиларини такомиллаштириш Республикализнинг устувор йўналишларидан бири хисобланади.

Охиригина йилларда Республикализ ҳаётининг турли соҳалида ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ) ни кенг жорий этиш ва ривожлантириш ҳамда ахборот жамияти сари ҳаракатни фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тұғрисида” ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида” ги Қарори, 2003-2004 йилларда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тұғрисида” ги Қонуннинг янги таҳрири, “Электрон ракамли имзо тұғрисида” ги, “Электрон ҳужжатлар айланиши тұғрисида” ги, “Электрон тижорат тұғрисида” ги, “Электрон тұловлар тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур ҳуқуқлы-меъерий ҳужжатларда фуқароларнинг ахборотлаштириш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг принципиал масалалари ўз ечимини топган булиб, улар айни пайтда амалиётта жорий этилмокда. Жумладан, қабул қилинган ҳужжатлар асосида Республикада 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқылди ва амалга оширилмокда.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини ахборот технологиялари имкониятлари асосида такомиллаштириш масалалари тобора стратегик аҳамият касб этиб бормоқда. Бошқарувни номарказлаштириш ва демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар фикримизнинг далилидир.

Давлат бошқарувида юз берәётган маъмурий ислоҳотлар натижасида хукумат идораларининг тузилмалари қайта кўрилиб, штатлар сони тобора камайиб бораяпти. Иккинчи тарафдан эса, давлат идораларининг фаолият доираси тобора кенгайиб, жойлардан келаётган ахборотларнинг ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда. Уларни оператив қайта ишлаб, аниқ якуний ахборотларни шакллантириш жараёнларини идоралардаги мавжуд штат бирликлари томонидан оддий услугуда амалга ошириш учун жуда катта вакт ва масъулият талаб қилинади, аксарият ҳолларда керакли маълумотларни ўз вақтида шакллантиришнинг иложи бўлмай қолмоқда. Қоғозда битилган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаб умумлашган маълумотларни шакллантириш, уларни керакли манзилларга узатиш, сақлаш, маълумотларда кўзда тутилган топшириклар бажарилашини назорат қилиш каби жараёнларни амалга оширишда мураккабликлар юзага келаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида давлат бошқарув органлари фаолиятини ахборот технологиялари имкониятлари асосида такомиллаштириш тўғрисида билдирилган фикрнинг ута муҳимлигига ортиқча изоҳнинг кераги бўлмайди.

Айрим давлат идораларида маълумотлар билан ишлаш жараёнлари маълум даражада автоматлаштирилган бўлса-да, лекин ҳар бир давлат идораси аксарият ҳолларда ўз фаолиятини имкониятидан келиб чиқиб автоном равишда автоматлаштиради. Оқибатда идораларда ҳар хил техник восита ва дастурлар асосида яратилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий этилади. Бундай услугуда яратилган ахборот тизимларининг кейинчалик бир-бири билан боғланиб, ўзаро ҳамкорликда олиб бора-

диган муносабатларида катта муаммолар юзага келиши табиийдир. Ушбу муаммолар давлат идораларини ахолига хизмат кўрсатиш жараёнлари ҳамда бизнес ташкилотлари билан олиб борадиган муносабатларида ҳам кўзга ташланади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва давлат бошқарувини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш мақсадида республикамизда 2004 йилдан бошлаб, “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш буйича дастлабки ишлар амалга оширила бошланди. Унда давлат бошқарув идораларининг ягона ахборот ҳудудини ташкил этиш ва уларнинг ўзаро фаолияти, ахоли ва бизнес тузилмалари билан бўладиган муносабатларини ушбу ахборот ҳудуди асосида амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур услугубий қўлланманинг мавзуси айнан ана шу муаммога бағишлиланган бўлиб, у давлат идораларидаги бошқарув жараёнларини электрон ҳукумат услубларини қўллаш асосида такомиллаштириш йўналишидаги дастлабки адабиётлардан ҳисобланади.

I боб. Ахборот технологиялари ва тизимлари. Давлат органларининг ахборот тизимлари

1.1.Ахборот, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари

Сунгти 10 йиллик ичида дунё ҳамжамияти «индустрисал жамиятдан» «ахборот жамиятига» ўтиш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Ишлаб чиқариш усуллари, одамларнинг дунёқараши, давлатлараро муносабатларда катта ўзгаришлар рўй бериши оқибатидага инсонлар кундалик хаётда «ахборот», «ахборотлаштириш», «ахборот технологиялари» каби ибораларни кундан-кунга кўпроқ ишлатиб келмоқдалар.

Инсонлар дунёқарашининг шаклланиб бориши, жамоматчилик-сиёсий ҳаракатлар ва ижтимоий барқарорлик ахборот маконининг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб бормоқда. Ривожланган давлатларда (АҚШ, Англия, Япония ва б.) ахборот ресурсларини яратиш ва жамиятни ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ масалалар асосий масала деб белгиланган.

Бутун дунёда, жумладан, республикамиизда ҳам ахборотлаштириш жараёнининг асосий вазифаси барча соҳаларда жамиятнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган.

Хар бир идора ва муассаса фаолиятининг самараси унинг ахборот ресурсларига боғлиқ. Агарда муассасанинг бошқарув тизими тулиқ ва аниқ бўлмаган ёки кечикиб келган ахборотлар асосида бошқарув таъсир ахборотларини шакллантириб бошқариладиган тизимга узатиб юборса, улар асосида ташкил этилган жараён, албатта, кутилган натижаларни бермайди.

Бугунги тобора шаклланиб бораётган ахборотлашган жамиятда ҳеч бир идора ўз фаолиятини ахборотсиз амалга ошира олмайди. Раҳбардан тортиб, то оддий ходимгача турли хилдаги ахборотларга асосланиб иш юритади.

Умуман, ахборот деганда ноаниқлик даражасини камайтирадиган ташки мұхит тұғрисидаги хабар ва маълумотлар (объектлар, ҳодисалар, таъсирлар ва ҳ. к.) тушунилади.

Алоқида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай маълумот ва хабарлар ҳам ахборот ҳисобланавермайди. Маълумотлар ташки ва ички манбалардан келган, тартибга солингмаган, таҳлил этилмаган ва умумлаштирилмаган турли факт, хабар ва рақамларни билдирадиган бұлса, ахборот – қайта ишланған, тартибга солинган ва таҳлил қилинған маълумотлардан ташкил топади ва у үзининг таркибида янги, мавжуд бұлган ноаниқликни камайтирадиган билимларни мужассам этади. Шунинг учун ҳам бутунда ривожланған Интернет тармоғидаги маълумотларнинг аксариятини ахборот даражасида қабул қилиб бўлмайди.

Идора фаолиятига электрон шаклдаги ахборотлар билан ишлап жараёнларининг жорий этилиши “қөгоз” шаклидаги ҳужжатлар билан ишлашда юзага келадиган қийинчиликларни, яъни вакт йўқотилиши ҳамда ҳужжатни қидириш, янгилаш, қайта ишлап, тарқатиш, чоп этиш, сақлаш ва бошқа жараёнларда вужудга келадиган “огир” вазиятларнинг олдини олади.

Ахборотнинг сифати, яъни унинг қиммати, мазмуни ва фойдалилиги куйидаги учта параметр асосида баҳоланади:

1. Ахборот мазмуни (content) – аниқлиги, мұхимлиги, тұлиқлығы, асосланғанлығы, қисқа ва равонлиғи билан белгиланади.

Электрон шаклда яратилған маълумотни қабул қилған ходим уни бир марта ўқиб мазмунини тұлғы тушуниб етиши ва унга асосланған ҳолда маълум бир муносабатни билдириши керак. Шу сабабли, электрон шаклда баён этилаёттан ахборот бир тарафдан аниқ, қисқа, равон бўлиши ва иккинчи тарафдан, ўзида баён этилаёттан мавзуни тулиқ ёритиши керак.

Бундай тартибда яратилған электрон шаклдаги маълумотлар компьютер хотирасида сақланыётганда нисбатан

кичик ҳажмдаги хотирани талаб қиласи ҳамда бир нұқтадан иккінчи нұқтага узатилаёттанда алоқа каналларидаги ахборот оқими ҳажмлиниң күпайыб кетишінинг олдини олади.

2. Ахборот шакли – тушунарлы, аник ва равшанлығы, тартибга солинганлығы билан белгиланади.

Маълумоттарнинг маълум бир шрифт ва андозалар асосида яратилиши ҳам катта аҳамиятта эга. Бугунги кунда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб иш юритаётган аксарият муассасалар ўз маълумоттарини одатда алоқа тармоғи имкониятлари ёрдамида файл куринишида бир нұқтадан иккінчи нұқтага узатышади. Жойлардан қабул қилинган маълумотлар компьютерда қайта ишланиб умумлаштирилади. Бундай хатоликларга йўл қўйилиши натижасида вақтдан “ютқазилиши” мумкин. Жойларда маълумотларни олдиндан тасдиқланган маълум бир андозалар шаклида тузилиши оқибатида тарқоқ ҳолдаги маълумотлар базасини яратишга ва маҳсус дастурлар ёрдамида уларда акс этган маълумотларни умумийлаштириш жараёнларини автоматик равища оператив амалга оширишга имкон яратилади.

3. Ахборотнинг келиб тушиш вақти – пайдо бўлиш тезлиги ва ўз вақтида келиб тушиши билан белгиланади.

Ахборот турли хил ташувчилар (электр сигналлари, радио тўлқинлари ва ҳ.к.) ёрдамида бир нұқтадан иккінчи нұқтага узатилади. (бунда улар рус тилида «сообщение» ёки «данные, компьютерные данные» деб аталади).

Муассаса фаолияти натижасида яратилган ва маълум ташувчилар асосида сақланыётган ахбороттарнинг ҳажми унинг ахборот ресурслари ҳисобланади.


Муассасанинг ахборот ресурслари ахборот қаерда пайдо бўлганлигига кўра, ташки ва ички мухит ахборотларидан ташкил топади (1-чизма).

Ички мухит ахборотлари муассаса департаментлари, бўлимлари молиявий ва хўжалик фаолиятини тўлиқ ва аник акс эттиради.

Муассасанинг ахборот ресурслари унинг ахборот тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича тузилаётган лойиҳанинг асосий параметри ҳисобланади.

Ахборот технологиялари – ахборотларни йигиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, тақдим этиш ва фойдаланиш жараёнларини амалга оширишни таъминлаб берувчи компьютер техникаси, унинг системавий дастурлари, телекоммуникация воситалари, алоқа каналлари ва бошқа замонавий техника курилмаларининг тұпламидири.

Ахборот технологиялари турли хил “нуқта”ларда тұпланған маълумот ва ахборотларни йигиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш жараёнларини автоматик равишида бажариш билан бир қаторда, улар асосида қарор қабул қилиш учун зарур ахборотларни шакллантириб, керакли манзилларга етказиб беришни таъминлайды.



1-чизма. Муассасанинг ахборот ресурслари.

Ахборот технологияларининг давлат бошқарувига жорий этилиши жамиятни давлат бошқарув органлари фоалияти тұғрисидаги ахборотлар билан таъминланиши жиҳатдан көнг күламли қайта үзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлителгини ошириш, давлатнинг умуман жамият билан ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан үзаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради.

Умуман олганда, бошқарув тұғрисидаги, шу жумладан, инсоният жамиятини бошқариш ҳақидаги фан дастлаб сиёсий ва ҳуқуқий назариялар сифатида ривожла-

ниб, ўтган XX асрнинг ўртасида кутилмаганда математикларнинг мулкига айланди. Бунга кўп жиҳатдан бошқарув – бу, энг аввало, ахборот жараёни эканлигини тушуниб етиш сабаб бўлди.

Бошқарув алоқа ва ахборотни қайта ишлаш тўғрисидаги кибернетика фани, биринчи электрон ҳисоблаш машина (ЭҲМ)ларининг пайдо бўлиши муносабати билан келиб чиққанлиги ҳам эътиборлидир. ЭҲМнинг дастлабки босқичида кибернетикада тадқиқотларнинг асосий предметларидан бири бошқарув фани бўлгани ҳолда, жуда катта тезлиқда инсоният жамиятининг турли соҳаларида бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун асосий инструментал базага айланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ахборот технологиялари соҳасидаги янги гоялар ва техник воситаларнинг имкониятлари уларни амалга оширувчилар учун кенг фойдаланиш йўлини очиб берди. Масалан, йигирманчи асрнинг охирларида хусусий бизнес вакиллари самарали менежмент услубларини қўллаб иш юритиш ва «электрон бошқарув» гояларини жорий этишга эҳтиёж сездилар. Ушбу гояларни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари асосий воситага айланди. Бугунги кунга келиб тегишли ташкилот ва муассасалар “Электрон ҳукумат”, “Электрон тижорат”, “Интернет-банкинг” ва бошқа кўплаб тизимлар асосида самарали фаолият олиб бораётганлиги кувончлидир.

Муассасанинг бошқарув фаолиятида содир бўладиган жараёнларни (яъни маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, саклаш, узатиш) амалга ошириш учун қўлланувчи ахборот технологиялари воситалари, унинг тузилмалари фаолиятини автоматлаштириш мақсадида тузилган маҳсус дастурларни амалга оширадиган ходимлар биргаликда муассасанинг ахборот тизими (АТ)ни ташкил қиласиди.

Ахборот тизимининг вазифаси муассаса ихтиёридаги барча ресурсларни самарали бошқариш учун зарур бўладиган ҳар хил типдаги ахборотларни ишлаб чиқишдан иборат.

Муассасанинг ахборот тизими унинг ҳар бир тузилмасида ечиладиган махсус функционал масала (ФМ)лар мажмуасидан ташкил топган булади. Улар муассасанинг бир ёки бир нечта бошқарув фаолиятини автоматлаштирадиган махсус ахборот-дастур таъминотидан иборат.

Идора вазифаларининг типик функционал масалалари куйидагиларни ташкил этади:

«Кадрлар» - кадрлар бўйича масалаларни ечишга мўлжалланган. Кадр ахборот базасининг атрибутлари сифатида ходимнинг анкетасида кўрсатилган параметрлар кўрсатилади;

«Иш юритиш» (ёки «Котибият») - идора фаолиятини қоғозсиз иш юритиш технологияси асосида олиб борилишини таъминлайди;

«Назорат» («Мониторинг») - ҳужжатларнинг яратилиши, адресатларга юборилиши, кўрсатилган вазифаларни бажарилиш даражасини мониторинг қиласи - ҳужжатнинг ҳаёт циклини назорат қиласи.

«Мухосиб ва ойлик иш ҳаки» - ушбу функционал масала идоранинг молиявий фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган.


«Ахборот ресурслари» - идорада электрон асарлар фондини шакллантиради.

«Хисоб-китоб ва таъминот» - идора ички фаолиятида ҳужалик ишларини автоматлаштиришга мўлжалланган

Идора фаолиятининг типик (муаммовий) функционал масалалари: «Мажбурий тартиб (Норма) ва хукуқ», «Оммавий ахборот воситалари», «Хатлар», «Тематик функциявий масалалар», «Кўмакчи (вспомогательный) ФМ» ва бошқалар.

Ахборотларнинг бир қисми идорага юклатилган масалалар ечимиши, қолган қисми – давлат бошқарувидаги бошқа идоралар билан ахборот алмашувини ташкил этади.

«Мажбурий тартиб (Норма) ва хукуқ» - ушбу ФМ фойдаланувчиларни конкрет хизмат доирасидаги тартиб-хукуқ мавзусидаги ахборотлар билан таъминлайди (2-чизма).



2-чиизма. Идора ахборот тизимида ечиладиган функционал масалалар

«Оммавий ахборот воситалари» - ушбу идорага тааллукли алоқа каналлари ва оммавий воситалардан келаётган ахборотларни оператив равишда йиғади ва таҳлил қиласи

«Хатлар» - юқори эшелондаги раҳбар ходимларга жамиятда бўлаётган ўзгаришларга оператив равишда ўз муносабатларини билдиришларига имкон яратиб беради. Хатлар асосида аниқланган долзарб муаммолар учун оптималь ечимларни топишга шароит яратади.

«Тематик функциявиий масалалар» - идора йўналиши ҳакидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва уларга фойдаланувчиларнинг киришига имконият яратиб беради.

«Күмакчи (Ёрдамчи, «вспомогательный») ФМ» - идоранинг кўп қиррали ички ва ташки фаолияти бўйича ахборот базалари, архив маълумот базалари бўйича қидирув жараёнларини амалга оширади ва б.

Бажарадиган вазифалари бўйича ахборот тизимлари (АТ) бир неча турларга ажратилади (1-жадвал).

1-жадвал

№	АТ тури	Асосий вазифаси
1	Маъмурий АТ лари	Жорий факт ва воеа (транзакция)лар ҳакида маълумотларни қайд этадилар, муассаса маълумотлар базасидаги тезкор ахборотларни янгилийдилар ва керак бўлган жорий ҳисобларни бажарадилар
2	Офис АТ лари	Муассасада қоғозсиз иш юритиш, ҳужжатларни қайта ишлаш, чоп этиш ва кўпайтириш, иш режа, график ва жадвалларни тузиш, турли топшириқларни тайёрлаш ва узатиш вазифаларини бажаради. Электрон телемажлислар ўтказиши, топшириқлар бажарилишини тезкор равишида назорат килиш ва идора фаолиятини бошқариш вазифаларини ижро этади. Офис хизматчиларига менеджерларнинг деярли барча сўров ва талабларини бажара олиш имкониятини яратади.
3	Бошқарувни қўллаб-кувватлаш АТ лари	Ўзгармас, статик структурали ва ўзгармайдиган усууда амалга ошириладиган доимий, тез-тез қайтариладиган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган. Тизим доимий-дэврий равишида ташкилот фаолиятининг турли қирралари тўғрисидаги структураланган ва кисқача кўринишга келтирилган ҳисоботларни тайёрлайди. У ҳал қитадиган масалалар қаторига турли амалларни бажариш эмас, балки уларни баҳолаш ва баҳолаш асосида ҳисоботлар тайёрлаш киради. Одатда тизим молиявий тизимлар тайёрлаган маълумотлар билан ишлайди. Фойдаланувчи бошқаришини қўллаб-кувватлаш тизимига бирон-бир хабарни шакллантириш бўйича сўровнома юборади. У, ўз навбатида, молиявий АТ маълумотларини структуралаштириб, қулай шароитта келтириб қайта ишлайди ва ҳисоботни тайёрлайди. Ҳисоботлар монитор экранидаги ёки қоғозда олинини мумкин.

	<p>4.</p> <p>Қарорлар кабул қилишни күллаб-куватлаш (ҚҚҚҚҚТ) АТ лари</p>	<p>Қарорларни тайёрлаш үшін қабул қилиш учун керак бўлган тавсия, график, жадвал, диаграмма ва рўйхат кўринишида умумлаштирилган ҳамда тартибга солинган аҳборотларни тайёрлаб бериш учун мўлжалланган. Ишлаш жараёнида тизим мураккаб моделларни яратиши ва улар асосида муаммоларни ҳал қилишининг бъзи мүқобил вариантиларини тақлиф қилиши мумкин. Унга молиявий ва бошқариш тизимларининг маълумотлари, шунингдек, бошқа манбалардан олинган маълумотлар киритилади. Тизим улар асосида модел яратади. Фойдаланувчи тизим дастури билан бевосита мулокотда бўлади - унга қўшимча маълумотлар ва илгари киритилган маълумотларга тузатишлар киритади. Дастур иши натижасида муаммони ҳал қилиш йўллари ёритилган матнлар, маълум структурага эта хисоботлар ёки жадваллар яратилиши мумкин. Бу тизимларда маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиши вақтида бошқариладиган жараёнларнинг математик моделлари, мантикий ва эвристик усуллар ишлатилади.</p>
5	<p>Юқори погона менежерлари фаолиятини күллаб-куватлаш (ЮПМФҚҚ) АТ лари</p>	<p>Бундай АТларда маълумотлар юқори даражада структуралаштирилган ва ихчамлаштирилган кўринишга келтирилди ва сақланади. Таркибида графикилари ҳам бўлиши мумкин бўлган стандарт шакллардаги хисоботлар тайёрланади. Энг катта имкониятларга эта бўлган ЮПМФҚҚ тизимлари, одатда, энг юқори ва худудий давлат бошқарувчи органларида (Президент Маҳкамаси, вазирликлар, вилоят ҳокимликлари) ҳамда йирик ташкилотларнинг бошқарувчи органларида (корпорацияларнинг директорлар кенгаши ва х.к.) йирик комплекс дастурларни тайёрлаш ва режалаштириш давомида дастурларга турли сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий чора-тадбирларни киритиш ва дастурнинг якуний мақсадга эришишига уларнинг таъсиридан келиб чиқсан холда мавжуд ресурсларни таксимлаш масалаларини ечишда қўлланади. Бундай тизимлар жамоавий равиша ишлатилади ва уларнинг маълумот ва билимлар базалари турли соҳа мутахассисларидан ташкил топган бир қатор эксперктлар томонидан яратилади</p>



6	Бошқарув АТлари	Асосий вазифалари құйидагилардан иборат; -дастлабки маълумотларни йигиши ва қайд этиши; -маълумотларни қайта ишлеш: ўзгартыриш, тахрирлаш, саралаш, таққослаш, хисоблаш, якунлаш; -шакл ва мазмунита құйилған талабларга мувофиқ ахборотларни шакллантириш ва ифодалаш; маълумот ва ахборотларни сақлаш; -АТ таркибидаги тизим ва ташкилот түзилмаларига ахборотларни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш учун таксимлаш ва узатиш; -қарорлар бажарылыш жараёнларини назорат ва тахжил қилиш; -тулдирілган ва аниқланған дастлабки маълумот ва якуний ахборотлар асосида қабул қылтынған қарорларни түргиляш ва ҳ.к.
7	Эксперт тизимлари	Сунъий интеллект (тафаккур)нинг амалий тизимлар синфины ташкил этади. Улар аник маълумотлар ва тажрибали мутакассис (эксперт)ларнинг билимларига асосланиб, қарорларни қабул қилиш учун тегишли тавсия ва маслаҳатларни ишләп чиқади. Улар ахборотлар базаси, билимлар базаси ва қарор қабул қилиш тизимостларидан таркиб топған. Бу тизимларда компьютер-үкитүччи, фойдаланувчи-ўкувчи вазифасын утайды. Фойдаланувчи тизимга дастлабки маълумотны киритади, тизим ахборот базасидан дастлабки маълумоттағы мос муаммоли маълумотни шакллантиради, қарор қилиш тизими зса муаммоли маълумот асосида билимлар базасидан тегишли ечимни қиришиб топади ва фойдаланувчига такдим этади.

Бошқарув ахборот тизими ахборот ва бошқарув тизим (АТ, БТ) ларидан таркиб топған бўлиб (3-чизма), бошқарув вазифаларини бажарадиган құйидаги функционал қисмларни ўз ичита олади:

- маълумотлар манбай;
- дастлабки маълумотларни йиғиши ва түплеш (МЙТ);
- маълумот ва ахборот базаси (МАБ);
- якуний ахборотни тайёрлаш ва шакллантириш (ЯАШ);
- ахборотни назорат ва таҳжил қилиш (АНТ);
- қарорни қабул қилиш ва бошқариш (ҚҚҚБ);
- қарорнинг бажарылышини назорат ва таҳжил қилиш (ҚБНТ);

- бошқарув обьекти (ташкилот).

Замонавий АТ да маълумотлар турли типдаги компьютерларда қайта ишланади. Қайта ишланган маълумотлар – таҳлил қилиш ва қарорларни қабул қилиш ҳамда бошқариш учун яроқли бўлган якуний ахборотлар сифатида шаклланади (ЯАН).


Ахборотларни қайд этиш учун принтер (алфавит – рақамили чоп этувчи мослама), плоттер (график ва чизикларни чиқарувчи мослама), дисплей, магнит диск ҳамда лазер компакт-дисклар, яъни ахборотни ёзадиган мосламалар ишлатилади.

Маълумотларни сақлаш учун магнит диск-винчестер ва лазер дисклар ишлатилади. Тартибга солинган, умумлаштирилган маълумот ва ахборотлар – ахборот тизимининг махсус базаси (МАБ)да сақланади.

Ахборот тизимига дастлабки маълумотлар ташқи (бошқа ташкилотлар) ва ички (ташкилотнинг турли бўлинмалари) манбалардан келиб тушади. Бунда ташкилот фаолиятига «ҳалақит берадиган» ҳар хил маълумотлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Маълумотлар турли тарқатувчилар ва алоқа каналлари орқали келиши мумкин. Улар транспорт (оддий почта), телефон, факс, телекоммуникация (электрон почтаси, модем алоқаси), радио, телевидение ва спутник (сунъий йўлдош) каналлари орқали узатилади ёки қофоз, фотоплёнка ва дисклар, лазер компакт-дисклар ва бошқа воситалар ёрдамида тарқатилади (3-чизма).

Маълумотлар компьютер хотирасига алфавит – рақамили клавиатура, сканер, дисклар, электр датчиклар (қабул қилувчи ва узатувчи курилмалар ҳамда телефон, радио ва спутник алоқа каналлари) каби воситалар ёрдамида киритилади.

АТ таркибидағи ахборотни назорат ва таҳлил қилиш (АНТ) блоки тескари алоқа вазифасини бажаради. Шаклланган ахборотни назорат ва таҳлил қилиш натижасида дастлабки маълумотларни тўлдириш, янгилаш ва тўгрилаш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларни қўшимча равишда қайта ишлаш операциялари амалга оширилади.



- 1 - маълумот манбалари
 2 - маълумот туплаш ва йиғиш
 3 - ахборотни назорат ва таҳлил қилиш
 4 - маълумотларни қайта ишлаш (ЭҲМ)
 5 - маълумот ва ахборотлар базаси
 6 - якуний ахборотни шакллантириш
 7 - қарорни қабул қилиш ва бошқариш
 8 - қарор бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш
 9 - натижага

З-чизма. Бошқарув ахборот тизимиning функционал схемаси.

Маълумотлар компьютер хотирасига алфавит – ракамли клавиатура, сканер, дисклар, электр датчиклар (қабул қилувчи ва узатувчи қурилмалар ҳамда телефон, радио ва спутник алоқа каналлари) каби воситалар ёрдамида киритилади.

АТ таркибидағи ахборотни назорат ва таҳлил қилиш (АНТ) блоки тескари алоқа вазифасини бажаради. Шаклланган ахборотни назорат ва таҳлил қилиш натижасида дастлабки маълумотларни түлдириш, янгилаш ва тұғрилаш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларни қўшимча равишда қайта ишлаш операциялари амалга оширилади.

Якуний ахборот қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш ваколатларига эга бўлган шахсларга ёки ташкилот бўлинмасига етказилади, яъни БАТнинг қарорларни қабул қилиш ва бошқариш (КҚҚБ) қисмига узатилади.

Бошқарув тизими (БТ)га ахборотлар маҳаллий компьютер тармоги асосидаги Интранет тизими, Интернетдаги сайт ёки портал, ёки электрон почта орқали етказилади.

ҚҚҚБ блоки олинган ахборотни таҳлил қиласидиган ҳамда қарорларни қабул қилиш учун тавсияларни тайёрлайдиган ва қарорларни қабул қилиб, уларни жорий этадиган (яъни бошқарадиган) ходимлар ва тегишли ахборот-телеқоммуникацион воситалар мажмуудан иборат.

Бошқарув тизими таркибида ҳам қарорларнинг бажарилишини назорат ва таҳлил қиласидиган тескари алоқа мавжуд (ҚБНТ блоки). Агар амалга ошириладиган бошқарув қарори қониқарсиз бўлиб қолса, у ҳолда бу қарорлар тўғриланади. Бунинг учун АТдан қўшимча ахборотлар олиниши мумкин.

Ахборотни қайта ишлаш турлари хилма-хил булиши мумкин. Бу – математик масалаларни ечиш, график, тасвир, матн ва жадвалларни қайта ишлаш ва тайёрлаш, турли ҳисоботларни тайёрлаб бериш, реал вактда келган маълумотларни қайта ишлаб бошқарув ахборотларини шакллантириш, турли масалаларни ечиш учун мулжалланган маълумот базасини шакллантириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, замонавий бошқарув ахборот тизимлари ахборот технологиялари ёрдамида ташкилий ва бошқарув ечимларини ишлаб чиқадиган компьютер, телекоммуникация, дастурий воситалар ва улар фаолиятини бошқарадиган ходимлар мажмуусидан иборат.

Бошқарув ахборот тизимларининг имкониятларини амалга ошириш натижасида ташкилотда:

- маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш вақти қисқаради, уларни чукур таҳлил қилиш, катта ҳажмдаги дастлабки маълумотлар ва якуний ахборотларни сақлаш имконияти пайдо бўлади, ахборотларни тайёрлаш, ифодалаш, тақсимлаш ва етказиш тезлити ошади. Бу эса ахборотлар ва қабул қилинадиган қарорлар сифатининг ошишига олиб келади;

- катта ҳажмли марказлаштирилган маълумотлар базаси ва компьютер тармоги барпо этиш имконияти ташкилотнинг кўп ходимлари фаолияти ва топширикларнинг бажарилишини оператив равишда назорат этишга имкон беради. Натижада, ташкилот тузилмасида бошқарув дарражалари ва ходимлар сони камаяди, тузилма соддалашади, марказлаштириш даражаси ошади;

- назорат жараёнлари тезкорлигининг оширилиши қабул қилинган қарорларга зарурат бўлса, керакли ўзгаришларни тезлик билан киритишга имкон беради. Ўзгартирилган қарорлар тезлик билан компьютер тармоғи орқали бевосита бажарувчи шахсларга етказилади ва натижада, уларнинг оператив равишда бажарилишига имконият туғдирилади;

- ахборотларни қайта ишлаш, шакллантириш ва тайёрлаш, қарорлар қабул қилиш, улар бажарилишини назорат этишининг янги усулларини жорий этилиши, шубҳасиз, ташкилотни иш юритиш стандартлари ва ҳужжат алмашиш технологияларига ўзгаришлар киритишга олиб келади;

- ахборот тизими ташки мухитдаги алоқаларни кенгайтириш, алоқадор ташкилотлар сонини кўпайтириш, стратегик ва тактик масалаларни режалашибдириш мақсадида кўпроқ турли ахборотларни олиш имкониятларини яратиб беради;

- ва ниҳоят, ахборот тизими ва технологиясининг жорий этилиши ташкилот ва ходимларнинг ишлаш маданийтини оширади (4-чизма).

Сифат. Тезкорлик. Назорат. Стандарт
процедуralар. Технология. Тузилма
Ходимлар. Ташки мухит. Маданият.

Бошқарув
ахборот
тизими

ТАШКИЛОТ

Тузилма. Вазифалар.
Функциялар. Масалалар.
Техник воситалар. Дастурий
воситалар Ишлаш тартиби.

**4-чизма. БАТ жорий этилиши натижасида ташкилот фаолият
кўрсаткичларининг ўзгариши**

Умумий кўринишида, ташкилот тўрт асосий параметрлар – масалалари, тузилмаси, фаолият кўрсатиш технологияси ва ходимлари билан ифодаланади (5-чизма). Улар бир-бiri билан боғланган бўлиб, бирининг ўзгариши қолганларини ҳам тегишли ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун ҳам, ташкилот фаолиятига АТ томонидан тегишли ўзгаришлар киритилиши табиийдир.


Ташкилотнинг вазифалари, уларни амалга ошириш усуллари, БАТ нинг тузилмаси, тури, ечиладиган масалалари ни белгилайди.

Ўз навбатида, маълумот ва ахборотларнинг ҳажми, ечиладиган масалалар тури ва уларни ечиш усуллари – БАТнинг комп’ютер, телекоммуникация, дастурий ва ахборот воситалар турларини таънлаб олишига асос бўлади.

Ташкилот БАТнинг ишлаш режимига, унинг тузилмасига ва бошқарув ходимларига ўзининг таъсирини кўрсатади, яъни БАТ ушбу курсаткичларни хисобга олган ҳолда яратилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, демак бошқарув ахборот тизими билан ташкилот ўртасида ўзаро алоқалар ва «таъсирлар» мавжуд экан.

БАТнинг ташкилотга кўрсатадиган таъсири – қабул қилинадиган қарорлар ҳамда назорат сифати ва тезкорлигининг ошиши, ҳужжат алмашиш ва қарорларни тайёрлаш технологияларининг такомиллашиши, ходимлар сонининг камайиши, ташки муҳитдаги алоқаларнинг кенгайлишида ҳамда иш фаолияти умумий маданиятининг юксалишида намоён бўлади.



5-чизма. Ташкилотнинг умумлаштирилган вазифалари.

Ташкилотнинг БАТга кўрсатадиган таъсири эса, БАТ-нинг тури ва тузилмасини танлашда, ечиладиган масалалар тури ва вазифаларни аниқлашда ҳамда компьютер, телекоммуникация ускуналари, тизимли ва амалий дастурий воситалар турлари ва ишлаш тартибининг белгиланишида намоён бўлади.

1.2. Интернет тизими ва унинг имкониятлари

Ҳозирги вақтда кундалик ҳаётда кўдичилик «Интернет», «глобал компьютер тармоғи» тушунчалари билан тўқнашади. Интернет пайдо бўлиши билан исталган ахборотни замон ва маконига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиш имконияти яратилди. Бундай имконият унинг жуда юкори тезликда (темпларда) ривожланишига сабаб бўлди. Интернет компюненталарининг жаҳон бўйича номарказлашуви натижасида бугунги вақтда унинг кўламини аниқ тасаввур қилиш қўйин. Интернет хизматидан фойдаланадиган компьютерларнинг сони 1999 йилнинг бошларида 150 миллиондан ошиб кетганлиги қайд этилган, 2005 йилгача уларнинг сони 500 миллиондан ошиб кетиши башпорат қилинаётган эди. Ушбу ракам 2003 йил бошида қайд этилди ва 2005 йилга келиб у 800 миллиондан ошиб кетди. Бугунги кунга келиб Интернет фойдаланувчилари сони миллиарддан ошиб кетди. Вакт ўтиши билан Интернет ва унинг хизматлари радио, телефон ва телевидение каби содда ахборот узатиш воситаларига айланаб бормоқда. Айни пайтда, Интернет ресурсларига кириш имкониятига эга бўлган ҳар бир фойдаланувчи Интернет хизмати унинг кундалик иш фаолиятида қанчалик ёрдам беришини тўла тасаввур ҳам қила олмайди.

1.2.1. Интернет тармогининг тавсифи ва унинг ривожланиш тарихи

ИНТЕРНЕТ - жаҳон бўйича компьютерлар тармоқлаидан тузилган яхлит тармоқ бўлиб, у ахборот алмашувининг ягона тил-андоза-қоидалар мажмуюи асосида ишлайди. Интернет тармоғи ахборотни дунёнинг исталган нуқтасидан олиш имкониятини яратиб беради.

Компьютерлар пайдо бўлгандан сўнг, улар орасида ахборот алмасиш зарурияти туғилди. Аввалига бу иш ахборот ташиш воситаларига ёзиб олиниб, сўнг бошка компьютерга кучириш йўли билан бажарилди. Бунда ахборот ташиш воситалари сифатида магнит ленталари ёки перфокарталардан фойдаланилди. 60-йилларнинг охириларига келиб АҚШ ҳукумати компьютер технологияларининг таълим тизими ва ҳарбий соҳа тадқиқотларидағи роли муҳимлигини тушунган ҳолда экспериментал (тажриба) компьютер тармоғини яратиш учун пул ажратишга қарор қылди. Бундай шароит, албатта, ҳар хил масофада жойлашган илмий марказларда тадқиқотлар олиб бориш ва ахборот алмасиш амалиётига имкон берар эди. Мазкур тармоқка ARPANET номи берилди. У турли хил компьютерларни ўзаро боғлаши билан бирга, кам харажат қилган ҳолда тугун нуқталарни олиб ташлаш ёки янгилирни кўшиш имкониятини яратди. ARPANET тармоғининг муҳим ютуқдаридан бири, TCP/IP (Transmission Control Protocol/Internet Protocol - ўзатишни бошқариш протоколи - Интернет протоколи) протоколи (андозалари) нинг яратилишидир¹. Бошқача қилиб айтганда, тармоқка уланган компьютерларни бирбири билан ўзаро мулоқот қилиш “тили”нинг яратилишидир. 70-йиллардан бошлаб TCP/IP протоколи Интернет компьютер тармоғи учун ягона стандарт ҳисобланади.

IP протоколи тармоқ бўйича ўзатиладиган маълумотлар пакетининг форматини (шаклини) тавсифловчи қоидаларни белгилаб беради. Бирон-бир жойга юборилиши керак бўлган ахборотлар компьютер тармоғида «пакет»ларга (ахборот фрагментлари) бўлинади. Пакет тизими маълумотлар учун “бир йўналишда бир нечта автомобилнинг бир қаторда ҳаракатлана оладиган автомагистралини” куриш имконини яратади. Ҳар бир пакетда ҳаракат жадвалининг харитаси белгиланган бўлиб, уни исталган манзилга жўнатиши мумкин. “Охирги етиш нуқтасида” барча пакетлар йиғилиб, бирламчи ахборот шаклига келтири-

¹ Протокол – тармоқдаги компьютерларнинг аппарат ва программа таъминотини мослаштиришни таъминловчи қоидалар мажмуидир.

лади ва компьютер фойдаланувчиси ишлата оладиган ҳолга келтирилади. Битта манзилга юбориладиган ахборотнинг пакетларга бўлиб узатилиши, бир вактнинг ўзида битта алоқа канали орқали бир нечта ахборот пакетлари ни узатиш имконини беради.

TCP протоколи ахборотларнинг узатилиши ва уларнинг бутунлигини назорат қиласди. Агар одам телефондаги ўзининг сұхбатдоши сұзини яхши англамаса, у бу сұзни қайтаришни илтимос қиласди. TCP протоколи ҳам компьютер тармоқларида айнан шу вазифани бажаради (умумийлаштириб тушунтирилганда).

Компьютерлар IP протоколи асосида пакетлар билан алмашиб, уларнинг узатилишини TCP протоколи бўйича назорат қиласди ва глобал тармоққа бирлашиб, Интернетни ташкил этади.

Интернет тармоғи аввалига масофадаги компьютерлар орасида файлларни узатиш ва уларнинг ҳисоблаш ресурсларидан фойдаланиш мақсадида яратилган эди.

Хозирги вактда Интернетнинг асосий «маҳсулоти» сервер компьютерларда файл кўринишида сақланадиган ва турли шаклда кўрилиши мумкин бўлган ахборотлардир. Маълумотларнинг шакли фойдаланувчининг компьютерига ўрнатилган тармоқ хизматига боғлиқ бўлади TCP/IP протоколида ишлаши мумкин бўлган исталган компьютер сервер-компьютер (ахборот ресурсларига, яъни ахборот база ва банкларига эга бўлган компьютер) ўрнида қўлла-ниши мумкин.


Интернет тузилмаси ва ташкил этувчилирини NFSnet (National Science Foundation Net – миллий илмий фондлар тармоғи) ташкил этади (6-чизма).

Бу тармоқ АҚШ худуди бўйлаб жойлашган 10 дан ортиқ алоқа тугунларини (узели) кабеллар ёрдамида ўзаро бирлаштирилиши натижасида яратилган бўлиб, Интернетнинг таянч тармоғини ташкил этади. Тармоқдаги тугунларга компьютерлар уланади. Бошқа мамлакатлардаги алоқа тугунлари таянч тугунларига тўғридан-тўғри уланади, ўз навбатида, у тугунларга бошқа тугунлар уланиб

тармоқ дарахтсимон тузилмадаги баргларга үхшаб күпайб боради. Шу тариқа жағон компьютер тармоғи – Интернет шаклланиб тараққий этмоқда.

Таянч тармоққа бевосита ёки билвосита уланган бошқа тармоқлар, Интернетнинг асосий хизматларини үзида мужассамлаштирган бўлиб, улар Интернет қисмларини ташкил этувчилар ҳисобланади. Агар исталган мамлакатдаги бирор компьютер таянч тармоққа боғланган компьютерга уланган бўлса, бу мамлакат Интернетта уланган ҳисобланади.

Интернет тузилмаси ва ташкил этувчилари



6-чизма. Интернет таянч тармоғининг тузилмаси.


1.2.2. Жаҳон ўргимчак тўри: World Wide Web

1993-94 йилнинг ўрталаригача кенг фойдаланувчилар оммаси томонидан Интернетта қизиқиш йўқ эди, чунки унга уланиш ва унда ишлаш технологияси оддий фойдаланувчилар учун қулай эмас эди. Web технологиясининг юзага келиши Интернетнинг кенг тарқалишига олиб келди.

World Wide Web (WWW, таржимаси - «жаҳон ўргимчак тўри») Интернетнинг асосий хизматларидан булиб, у матн, график ахборот ва товушли фрагментлардан ташкил топган ҳужжатлар билан ишлаш имкониятини яратиб беради.

WWW тизими фойдаланувчига Интернетнинг исталган қисмида жойлашган сервердаги ҳужжатни топиб ўқиши таъминлайди. Бундай имконият ҳужжатларнинг ишоратлар («ссылка»лар) ёрдамида яратилиши натижасида амалга оширилади (7-чизма).

Агар матнда бошқа ҳужжатларга ишорат бўлса, бундай ҳужжат Гиперматн дейилади. Гиперматн ҳужжатида матнни ўқиш жараёнида шу матн билан ўзининг маъносига кура мантиқан боғлиқ бўлган бошқа матнларга ўтиш жараёни енгил ва тез амалга оширилади. Бунинг учун сичқон кўрсаткичини гиперматндаги керакли ишоратта келтириб босиш кифоя.



7-чизма. WWW (жаҳон ўргимчак тўри) ни тасвирлайдиган диаграмма

Ишоратлар билан боғланган матнлар шу ҳужжатнинг ўзида, ушбу компьютерда сақланаётган алоҳида ҳужжат кўринишида ёки Интернет тармоғига уланган дунёнинг бошқа жойидаги хост-компьютерларда сақланаётган ҳужжатларда бўлиши мумкин.

Гиперматн шароитидаги ишоратлар масалан, «Сиз бу ахборотни 2-бетдан топасиз» каби оддий ишоратлардан фарқ қилиб, улар ҳужжатлар орасида «жонли» боғла-нишни таъминлайди. Яъни бундай ишорат танланганда экранга шу ишоратга мос ҳужжат чиқади.

Матндан ташқари ўз ичида график тасвир, товуш ва видеофрагментлар каби бошқа ахборотларни сақловчи ҳужжатлар Гипермедиа ҳужжатлари деб аталади.

Амалда WWW тизимида барча ҳужжатлар гиперматн кўринишида бўлиб, кўпчилиги гипермедиа ҳужжатлар, яъни график тасвир, товуш маълумотлари ва видеофрагментларни ўз ичига олади.

Исталган ҳужжат бошқа ҳужжатларга утиш учун ишоратларни маълум кўринишида сақлаши мумкин. Мурожаати кўрсатилган ҳужжат жорий ҳужжат турган компьютерда (WWW-сервер) ёки Интернетнинг бошқа компьютерларида ҳам бўлиши мумкин. Ҳужжатнинг ишорат кўринишидаги соҳаси сифатида сўз, сўзлар кетма-кетлиги, график тасвир ёки товушли фрагмент ишлатилиши мумкин.

Ахборот ресурсларининг манзиллари Интернетдан ахборот олиш “калити” ҳисобланади. Фойдаланувчи керакли жойга электрон почта орқали хабар юбориши лозим бўлса, шу жойнинг манзилини кўрсатиши даркор. Шунга ўхшаш керакли ахборот файлини олиш учун хост-компьютерга уланиш адреси (host names) кўрсатилиши лозим. Шу сабабли, Интернетнинг барча хост-компьютерлари ўзининг ягона домен номи (domain name) билан аниқланади.

Масалан, www.gov.uz домен номи нуқталар ёрдамида ажратилган бир нечта қисмдан иборат. Уларнинг ҳар бири аниқ хост-компьютерни ва доменлар иерархиясини аниқлайди. Келтирилган мисолдаги, унг тарафда турувчи ҳарфлар юқори сатҳдаги номни аниқлайди: uz - ушбу адрес

Ўзбекистон Республикасидаги ташкилотларга берилган доменда қайд қилинганини билдиради; www – хост – компьютердаги хужжат гиперматн шаклида эканлигини билдиради; gov – эса шу компьютер давлат ташкилотига қарашли эканлигини билдиради.

1.2.3. Интернет тармогининг имкониятлари ва улардан давлат бошқарувида фойдаланиш

Интернет ресурсларини ҳар хил кўринишдаги ахборотлар ташкил этади. Улардан фойдаланиш Интернетнинг турли хил хизматлари ёрдамида амалга оширилади. Мавжуд хизматларни билиш, конкрет хизматларга мурожаат қила билиш ва қўйилган масалани ечиш усулларини тўғри танлаш тармоқда ишлаш самарасини белгилайди.

Интернетнинг кенг миёсда фойдаланадиган жизматларини қуидагилар ташкил этади:

- ахборот узатиш тармоқ тизимлари (FTP, Gopher);
- ахборот қидириш тизимлари (Yahoo, Yandex, Google, Rambler ва бошқалар);
- коммуникацион хизмат, телеконференциялар (E-mail, UseNet, Netmeeting ва бошқалар);
- интерактив хизмат, блоглар;
- мультимедиа ва информацион тизимлар (World Wide Web).

FTP (File Transfer Protocol) файлларни узатиш протоколига асосланган ахборот хизмати интернетда биринчи яратилган тизимлардан ҳисобланади. Бу хизмат компьютердаги мос FTP -дастуридан фойдаланган ҳолда масофадаги компьютерга уланиб, кириш мумкин бўлган файллар рўйхати билан танишади ҳамда улардан ўз компьютерига нусха қўчиради. FTP тармоқ бўйича исталган шаклдаги (матн, тасвир, бажарилувчи дастур, товуш ёзилган в.х.к.) файлларни юбориши (жўнатиши) мумкин.

Интернетда турли хилдаги қидириш тизимлари яратилган бўлиб, бу тизимларнинг асосий мақсади керакли ахборотларни осон ва қулай усуlda топиб беришdir.

Электрон қути (почта) аниқ компьютер адреси бүйича бир-биридан турли хил масофада бўлган фойдаланувчилар орасида тез уланиш ва катта ҳажмдаги ахборотлар билан алмашиш имкониятини беради.

Интернетдаги “Телеконференция” тарқоқ ҳолда жойлашган кўп фойдаланувчиларни ўзаро узлуксиз «мулоқот» қилиши учун мўлжалланган тизимдир.

Бугунги кунда аҳолининг давлат бошқарувида янада фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очик-ошкоралиги даражасини ошириш мақсадида Интернет тармоғида турли кўринишдаги интерактив хизматлар жорий этилмоқда.

Масалан, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш шакллари қуйидагиларни кўзда тутади:

- умумий фойдаланилайдиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) – тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни амалга ошириш;

- электрон шаклдаги хужжатларнинг хар хил формуларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

- икки томонлама ахборот айирбошлиш механизмларини жорий этиш, яъни сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил ва жавоб юборишини ўз ичига оладиган идора хизматларини тақдим этиш (буортмалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш, натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш) ва ҳ.к.

Интернет тармоғида фойдаланувчи ўз блогини яратishi ва унинг асосида ўзи қизиқтирган мавзу бўйича музокаралар олиб бориши мумкин.

Бугунги кунда Интернетда аксарият давлат раҳбарларининг блоглари мавжуд бўлиб, уларда оддий фуқаролар иштирок этишлари, келтирилган маълумотлар билан яқиндан танишишлари ҳамда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирда Интернет тармоғи асосида электрон ҳукумат, электрон тижорат каби корпоратив ахборот тизимлари кенг ривожланмоқда. Ху-

сусан, халқаро иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилмоқда, электрон бизнес жараёнлари амалга оширилмоқда.

Бундай тизимларнинг яратилишида Интернет тармоғи маълумотларни транспортировка килиш вазифасини ўтайди. Интернет андозаларига асосланиб, ташкилотларнинг (компания ва корпорацияларнинг) ҳар хил куринишдаги порталлари яратилади. Уларнинг бош саҳифаси ташкилотга тегишли идораларнинг Web сайтлари билан боғланади. Фойдаланувчи Бош саҳифага кириб, у орқали тегишли сайтлар билан танишиши, маҳсус пароллар ёрдамида ўзига тегишли маълумотларга чиқиши мумкин ва ҳ.к.

Банднинг якунида WWW услуби асосида яратилган Интернет ресурслари билан танишиш тартибининг тавсифи келтирилади.

Интернет ресурслари билан танишиш маҳсус вароқловчи дастурлар (браузерлар) ёрдамида амалга оширилади.

WWW тизими билан ишлаш учун фойдаланувчи комп’ютерига WWW-браузер (WWW- browser) деб номланувчи дастур ўрнатилиши лозим. WWW-браузер WWW тизимида ишлайдиган дастур бўлиб, талаб килинган ҳужжатни топиб, унинг мазмунини экранга чиқаради. Ҳозирги вақтда «Microsoft Internet Explorer», «Mozilla Firefox», «Opera» кенг тарқалган браузерлардан хисобланади.

Браузерлар фойдаланувчига Интернет тармоғидаги катта ҳажмдаги маълумот омборларидан ахборотлар олиш имконини яратиб беради¹.

Савол ва топшириқлар

1. Ахборот деганда нимани тушунасиз?
2. Ахборотнинг сифати қандай баҳоланади?
3. Ташкилотингизда айланадиган ташқи ва ички муҳит ахборотларини тавсифлаб беринг.

¹ Т.Н. Нишонбоев. Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 137б.

4. Ахборот технологияларининг вазифалари нимадан иборат?
5. Ахборот тизимлари ва уларнинг турлари. Эксперт тизимлар.
6. Бошқарув ахборот тизими компоненталарининг вазифаларини тушунтириб беринг.
7. Ташкилотингиздаги мавжуд ахборот тизимининг тузилмасини тавсифланг.
8. Жаҳон Интернет тармоғи WWW деганда нимани тушунасиз.
9. Интернет тармоғи имкониятларидан бошқарув жараёнларида қандай фойдалана сиз?

II боб. Давлат органининг бошқарув ахборот тизими

2.1. Ташкилотнинг бошқарув пирамидаси ва унда айланадиган ахборот турлари

Ташкилотнинг бошқарув тизими кўзланган натижаларга эришиш мақсадида аниқ масалалар ечимига йўналтирилган ахборотларни ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида ўз таркибидаги ходимлари ва иқтисодий объектларининг ҳаракатларини маълум томонга йўналтириш учун таъсир этишни назарда тутади.

Ташкилот ўз фаолият доирасида махсулот ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариб боради. Натижада, унда бошқарадиган қисм ва бошқариладиган жараён вужудга келади. Ташкилотнинг фаолияти шу икки қисм ўртасидаги ахборот алмашинувига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ташкилот фаолиятининг самараси унинг ахборот ре-сурсларига боғлиқ. Агарда бошқарувчи тизим тўлиқ ва аниқ бўлмаган ёки кечикиб келган ахборотлар асосида бошқарув таъсир ахборотларини шакллантириб, иккинчи қисмга узатиб юборса, улар асосида ташкил этилган жараён кутилган натижаларни бермаслиги шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, буйруққа асосланган режалаштириш шароитида ахборот тизимлари ташкилотнинг тезкор бошқаруви учун ҳам, концептуал бошқаруви учун ҳам зарур ахборотни тақдим этиш вазифаларини бажармаган. У факат бухгалтерлик ҳисоб-китоби талаблари, режани бажариш назорати ва марказлашган статистикага жавобан ўтган ҳодисаларни қайд қилиш ҳамда таҳлил этиши масалаларининг ечимига йўналтирилган.

Аниқроғи, марказлашган режалаштириш шароитида яратилган ахборот тизимлари воситаларида ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш имкониятлари яратилган, аммо ташкилотни кескин ривожлантириш учун зарур ахборотни шакллантириб тақдим этиши имкониятлари бўлма-

тан. Масалан, уларда нарх тайинлаш ва нархлар ўзгариши сабабларини, инновацион жараёнларни таҳлил қилиш дастурлари яратилмаган, чунки бундай ахборотни шакллантириш мөхнатта кетадиган катта ҳаражатлар билан боғлиқ бўлган, уларни қайта ишлаш мураккаб ва чуқур таҳлилни талаб қиласан. Ахборот тизимлари асосида олинган ахборотларнинг аниқлик даражаси етарли бўлмаганилиги сабабли, уларнинг сифати кафолатланмаган¹.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юз берётган ўзгаришлар бошқарув тизимларини такомиллаштириш, асосий эътиборни тезкор бошқарувдан, келажакка йўналтирилган, стратегик бошқарувга кўчириш заруриятини келтириб чиқарди.

Бундай ҳолатда ташкилотнинг бошқарадиган ва бошқариладиган жараёнлари ўртасидаги ахборот алмашинувини жойларда шаклланиб бораётган ахборотларнинг пирамида шаклида пастдан юқорига ва тескари йўналишлардаги ҳаракатлари кўринишида талқин этилиши мақсадга мувофик бўлади.

Шундай қилиб, ташкилотнинг бошқарувини пирамида шаклида тасаввур қилиб, бажариладиган вазифаларни маълум бир погоналарга бўлиб амалга ошириш мумкин²:

- стратегик қарорларни қабул қилиш погонаси, яъни стратегик бошқарув;
- тактик бошқарув;
- оператив (тезкор) бошқарув;
- пастки погона, яъни бошқариладиган жараён (8-чизма).

Стратегик бошқарув погонасида ташкилот фаолият жараёнларининг таърифи, ташкилий тузилма яратиш ва фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилади, куйи погонадан тақдим этилган ҳисоботлар кўринишидаги самарадорлик кўрсаткичларининг кий-

¹ Маълумот қўйидаги Интернет манзилидан олинган: <http://www.vestco.ru/libr/press/1834/>.

² Маълумот қўйидаги Интернет манзилидан олинган: <http://www.vestco.ru/libr/press/1834/>.

мати таҳлил қилинади ҳамда мазкур таҳлил асосида фаолиятни ривожлантириш борасида стратегик қарорлар қабул қилинади, фаолият-жараёнлари такомиллаштирилади ва корхона тузилмаси оптималлаштирилади.



8-чизма. Ташкилотнинг бошқарув пирамидаси.

Кейинги погонада ташкилот фаолиятининг турли соҳалари учун тактик қарорлар қабул қилинади (молия, логистика, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.). Мазкур погонада юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари олдида турган вазифалар, яъни жараёнларни расмийлаштириш, йўриқномалар ишлаб чиқиш, режалаштириш ва бюджетлаш вазифалари бажарилади. Бу погонада ташкилот раҳбаријатининг стратегик қарорлари ҳужжатларга, режаларга, йўриқномаларга ва ривожлантириш дастурларига айлантирилади.

Тезкор бошқарув погонаси бажараладиган амаллар тўпламишининг кўплиги ва ҳар хиллиги билан ажralиб турди. Мазкур погонада амал қилаётган шахсларнинг (ишлаб чиқариш менежерлари, бўлим бошлиқлари, мижоз бўйича менежерлар ва ҳ.к.) функциялари ташкилотнинг тақдим этувчи аниқ маҳсулоти ёки хизматига йуналтирилган. Бундан ташқари, мазкур погонада фаолиятни оптималлаштириш жараёни ва тақдим этилаётган маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш вазифалари амалга оширилади, ташкилотнинг асосий фонdlари бошқарилади.

Охиригүй күйи погона ишлаб чиқариш ташкилоти учун хос погона ҳисобланади. Бу погонада маъсулот ишлаб чиқариш цехларидан маълумотлар йигилади, ишлов берилади ва умумлаштирилади, ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари бошқарилади. Ташкилотнинг асосий фондларини бошқариш йўсинида мазкур погона ишлаб чиқариш билан шугуулланмайдиган ташкилотларда ҳам мавжуддир (уларда электр, сув, газ, Internet трафигига кетган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар айнан шу погонада жамланади).

Ҳар бир погонада бошқарув фаолияти маҳсус ахборотларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Ундаги ахборотнинг мазмуни бошқарув бўғинларида шаклланадиган ва ушбу погона учун керак бўладиган маҳсус ташки муҳит ахборотлари ҳамда юқори погоналарда ишлаб чиқиладиган бошқарув қарорларининг эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ташкилот бошқарув тизими турли погоналарининг аниқ ахборотга бўлган эҳтиёжини кўрсатувчи ахборот пирамидасининг схемаси 9-чизмада келтирилган. Унда кўрсатилганидек, ҳар бир погона ўзидан күйи погонада шаклланган ахборотлар ва маҳсус ташки муҳит маълумот, ахборот ва сўровлари асосида ўз даражасида ечиладиган масалалар юзасидан ечимларни тайёрлайди ва тегишли манзилларга узатади.

Бундай АТларда маълумотлар юқори даражада структуралаштирилган ва ихчамлаштирилган кўринишга келтирилади ва сакланади. Таркибида графиклари ҳам булиши мумкин бўлган стандарт шакллардаги хисоботлар тайёрланади.

ЮПМФҚ тизимлари юқорида кўриб чиқилганлар орасида энг ёши ҳисбланиб, улар ҳозирги кунгача кенг тарқалмаган (бундай ҳолат, асосан, юқори погона менеджерларининг компьютер технологиялари соҳасида саёз билимга эга эканликлари сабабли юзага келган).

Умуман олганда, ЮПМФҚ ахборот тизимлари АТларнинг ядрои сифатида марказга жойлаштирилиши мумкин. Бундай холларда менеджернинг ишчи компюте-

рига сўровларни яратувчи (генерация қилувчи) ва жа-
вобларни қабул қилувчи дастурлар ўрнатилади.

Демак, юқорида келтирилганидек, ташкилот бошқарув
пирамидасининг погоналарида амалга ошириладиган вазифа-
лар бир-биридан фарқ қиласди, шу билан бирга, бошқарув
функцияларининг амалга оширилишида ишлатиладиган ап-
парат-дастурий воситалар ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Шу сабабли, ахборот тизимлари ва уларнинг турлари
ҳам оператив, тактик ва стратегик погоналарда ҳал қили-
надиган масалаларни амалга ошира оладиган қилиб тан-
ланади ва яратилади (10-чизма).

Юқори стратегик погонада ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар
тизими билан ишлаш, сифат бошқарувини стандартлашти-
риш ва фаолиятига оид жараёнларни оптималлашти-
риш имконини берувчи тизим ишлаши керак. Мазкур по-
гонада тизимларнинг маълум синфи ажратиб берилмайди.



9-чизма. Бошқарув пирамидаси погоналарининг махсус
ахборотларга бўлган эҳтиёжини кўрсатувчи схема

Юқори бўғин раҳбарлар фаолиятига ёрдам курсатиш учун “Юқори погона менежерлари фаолиятини қўллаб-куватлаш” ахборот тизим (АТ) лари яратилади.

ЮПМФҚҚ тизимлари учун вақт омили, яъни сўровни қайта ишлашга кетган вақт ва тайёрланаётган жавоб ҳисоботларининг аниқлиги асосий, ҳал қилувчи хусусиятлар ҳисобланади.

Энг катта имкониятларга эга бўлган ЮПМФҚҚ тизимлари, одатда, энг юқори ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда йирик ташкилотларнинг бошқарув органлари (корпорацияларнинг директорлар кенгashi ва ҳ.к.) йирик комплекс дастурларни тайёрлаш ва режалаштириш давомида дастурларга турли сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий чора-тадбирларни киритиш ва дастурнинг якунний мақсадга эришишига уларнинг таъсиридан келиб чиққан ҳолда мавжуд ресурсларни тақсимлаш каби масалаларни ечишда қўлланилади. Бундай тизимлар жамоавий равишда ишлатилади ва уларнинг маълумот ва билимлар базалари турли соҳа мутахассисларидан ташкил топган бир қатор эксперtlар томонидан яратилади.

Тактик бошқарув масалаларини ҳал қилиш учун бошқарувни қўллаб-куватлаш ва қарорлар қабул қилишини қўллаб-куватлаш мақсадида ахборот тизимлари (ҚҚҚҚҚТ) ишлатилади. Улар ташкилотнинг ўрта бўғин раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес раҳбарлари томонидан ишлатилади ҳамда оператив бошқарув ва тизимли таҳлилнинг тез-тез қайтариладиган масалаларини ҳал қилишда ташкилотнинг ҳар бир мутахассисига алоҳида мослаштирилиб, унинг индивидуал равишда фойдаланишига имкон яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бошқарув ахборот тизимлари ўз ривожланиш даврида маълум тараққиётга эришиди ва уларнинг бутунти кундаги энг юқори погонасини ЮПМФҚҚ тизимлари сифатида эксперт тизимлари эгаллади. Ушбу тизимлар компьютерлаштирилган ахборот тизимлари бўлиб, бир ёки ундан ортиқ экспертнинг билимига асосланган ҳолда қарорлар қабул қилишини таъминлайди.



10-чизма.

Банднинг якунида кўп ҳолларда, стратегик бошқарув учун масъул дастурий маҳсулот ERP (Enterprise Resource Planning) тизимлари тұғрисида маълумот көлтирилди¹.

ERP тизимлари асосан маҳсус тузилган дастурлардан таркиб топтан бўлиб, ташкилотнинг барча ҳисоб-китоб, режалаштириш ва назорат жарайёнларини автоматлаштиради. Дастурлар ташкилот бошқарувининг уникал андозасига мос қилиб тузилган. Фирма, корхона ва йирик компаниялар ERP - тизимини самарали қўллаб, ҳар хил бошқарув технологиясини жорий этадилар. Германияда ушбу тизим “Контроллинг” номи билан юритилади, Буюк Британияда “Техник менеджмент”, Америка Кўшима Штатларида “Бошқариладиган ҳисобкитоб” (Управлеченческий учет) деб номланади.

ERP тизими ташкилотга қандай имконият яратиб беради, деган савол табиий, албатта.

Умуман олганда, тизим ишлаб чиқариш жараёни билан мунтазам боғланмаган бўлиб, улар технологик жараёnlар-

¹ Д.В. Карпов. Опыт применения информационных технологий управления на предприятиях России и за рубежом. Академия управления «Тисби». <http://www.tisbi.ru/science/vestnik/2004/issue3/informat1.html>

нинг автоматик бошқарувини таъминламайди, технологик жараёнларнинг моделлари билан боғланиб иш юритади. Тизим йирик компания, ташкилот, корхона ёки оддий фирманинг фаолиятини яхшилашга йўналтирилган булиб, у иш жойларида киритиладиган ахборотларга таяниб, корхонадаги моддий ва молиявий ахборот оқимларини оптималлаштириб беради. Тизимда корхонанинг режалаштириш ҳамда хом ашёни харид қилиб олишдан бошлаб, тайёр маҳсулотни харидорга етказиб бериш жараёнларидаги барча фаолиятлари қамраб олинган. Ахборот қаерда, яъни кайси бўлимда пайдо бўлган бўлса, шу ерда у тизимга бир марта киритилади ва бир жойда сақланади. Киритилган ахборотдан бир вактнинг ўзида бир неча бўлимлар қайта-қайта тизимга мурожаат қилиб, фойдаланишлари мумкин.

Сўнгги йилларда Интернет тармоги асосида янги иқтисодий муносабатлар шаклланиб бормоқда. Бизнес жараёнларни Интернет ечимлар асосида ташкил этишда ҳам ERP тизимлар эластик (керак томонга ўзгара оладиган) бошқарувни таъминлаб беради.

Жаҳонга танилган «Oracle», «Informix», «IBM», «Cisco» каби йирик компаниялар ўзларининг кўп қиррали бошқарип фаолиятларини юқорида қайд этилган тизим асосида ташкил этганлар.

2.2. Давлат бошқарув органлари тизимиning инфратузилмаси (вилоят ҳокимияти мисолида)

Бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотларнинг пировард натижалари, уларни амалга ошириш обьектидан қатъий назар мужассамлашган ҳолда ҳудудий бирликлар (вилоят, шаҳар, туман) даражасида намоён бўлади. Ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодий ривожланишида кўпроқ эркинликка эга бўлиш, ишлаб чиқариш натижаларидан аввало шу ҳудуд аҳолисининг манфаатдорлигини оширишни қўзда тутади. Бундай ҳолат, биринчи навбатда, хўжалик юритишни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга қаратилган усуслар асосида ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Янги шароитда улкан вазифаларни чуқур масъулият-

ни ҳис этган ҳолда тезкорлик билан ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган ва ўз ҳаракатига ўзи жавоб беришга қодир давлат бошқарув органлари талаб қилинади.

Давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Олий Мажлисининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш», «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш» бўйича ва бошқа қарорлари ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Мазкур хужжатлар маҳаллий-худудий бошқарув фаолиятини тубдан ўзгартириш, туман ва шаҳарлардаги иқтисодий ислоҳотларни замонавий усуслар асосида бошқариш ва таҳлил қилишга қаратилган.

Уларнинг туб моҳияти, энг аввало, бошқаришнинг тармоқ тизимиidan функционал тизимига ўтишни жорий этиш, маҳаллий ҳокимиятларнинг ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш билан боғлиқ фаолиятлари самарадорлигини янада оширишни назарда тутади. Бошқаришнинг тармоқ тизимиidan функционал тизимга ўтиши маҳаллий давлат органларининг мавқеи ва самарадорлигини янада ошириш кераклигини, уларни коллегиал органдан вакилликка асосланган органларга, яъни яккабошчилик тамойили асосида ташкил этилган органлар - ҳокимликларнинг бўлишини тақозо этди. Натижада, мамлакатимизда олдин амал қилиб келган уч бўғинли маҳаллий бошқариш органлари тизими: «юқори бўғин (вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари кенгаши), ўрта бўғин (туман, шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашлари), қуий бўғин (қишлоқ, посёлка, овул ҳалқ депутатлари кенгашлари)» нинг ўрнига икки бўғинли тизим: «юқори бўғин (вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари кенгаши) қуий бўғин (туман, шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашлари)» вуҷудга келди. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳалқ депутатлари кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига айлантирилди.

1992 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тұғрисида»ги Қонун асосида Республикасында маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган — ҳокимлик ва ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига ҳам бошчиллик қилиши белгилаб қуийлди.

Мазкур қонунда биринчи марта қонун мөттіләрі даражасида маҳаллий давлат органлари вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимиятига бүлиниши мустахкамланди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси булиб, айни бир вақтда, тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқариши кўзда тутилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ижро ҳокимияти-нинг (амалга оширувчи орган) коллегиал органдан якка-бошчиллик асосида иш юритувчи органга айлантирилиши маҳаллий бошқарув тизимини давлат бошқарув фаолиятида қўлланилаётган бўлиниш тамойилларининг талабларига мувофиқ ташкил этишга асос бўлди.

Ижро ҳокимияти органи фаолиятида яккабошчиллик-нинг тикланишини ўзбек давлатчилигига миллий анъаналарининг тикланиши десак муболага бўлмайди. Чунки ўзбек давлатчилиги тарихида айрим ҳудудлар, шаҳарлар доимо ҳокимлар (беклар) томонидан бошқарилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 100-моддасига биноан маҳаллий ҳокимият органлари қуидаги вазифалар билан шуғулланишлари белгилаб қуилган:

- қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил этиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишини таъминлаш;

— меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бозор ислоҳотларининг биринчи босқичида марказий бошқарув органларининг мавқеи юқори бўлади, иккинчи босқичда ислоҳотларнинг асосий юки маҳаллий бошқарув органлари зиммасига тушади. Чунки бозор иқтисоди инфраструктурасининг шаклланиши ва бозор муносабатларининг тұлақонли фаолияти жараёнларида горизонтал хўжалик алоқалари кенгайиб боради ва бу ҳолат марказий бошқарув органлари ваколатларининг камайишига олиб келади. Натижада, тармоқ, вазирликлар бошқарув тизимининг мавқеи бирмунча пасайиб, маҳаллий ҳудудий бошқарув тизимининг аҳамияти ортиб боради. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва улардан кутилган амалий натижаларга эришуви кўп жиҳатдан кичик ҳудудий бирликлар ва ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ, бўлади.

Сақланиб қолган тармоқ бошқарув органлари мамлакатимизнинг стратегик иқтисодий сиёсати ва жамият талабларидан келиб чиқкан ҳолда тармоқ ривожланишининг умумий йуналишларини аниqlаш, илмий-техникавий сиёсатни белгилаш, чет эл инвестицияларини олиб келиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби масалалар билан шуғулланади. Макроиқтисодий ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи вазирликларнинг аҳамияти ортади.

Ҳудудий бошқаришни такомиллаштиришдан асосий мақсад маҳаллий - ҳудудий ўзини-ўзи бошқарув тизими ни давлат бошқаруви билан уйғун ва мувофиқ равишда олиб бориш, бошқача қилиб айтганда, маҳаллий бошқарув органларининг мустақиллигини кучайтирган ҳолда улар фаолиятини марказий давлат бошқарув органлари томонидан билвосита назорат қилишдир.

Ҳокимликлар зиммасига иқтисодий-табиий салоҳиятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, улардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда вазирликлар, марказий бошқарув органлари билан келишилган ҳолда социал-иқтисо-

дий ривожлантириши режалаштириш, шу мақсадда дастурлар мажмунин ишлаб чиқиши вазифалари юклатилади.

Мухим масалалардан бири — бу ҳокимликларга улар худудида жойлашган вазирликлар, республика ташкилотларининг худудий бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш хуқуқларининг берилганлигидир.

Демак, ҳокимликлар ушбу худудда жойлашган барча хўжалик ва корхоналар фаолиятини маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда мувофиқлаштирадилар. Бу — худудлар ижтимоий ҳолатини яхшилашга, энг аввало, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддасида куйидагилар таъкидланади:

— вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради;

— вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади;

— туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади;

— шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, Конституциясининг 104-моддасида «ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли худуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласи» деб кўрсатилган.

Ҳокимларнинг аниқ ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конуннинг 25-моддасида батафсил келтирилган. Унда:

«Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

– қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

– жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

– вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йуналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий курсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдигига тақдим этади;

– ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари кенгаши тасдигига тақдим этади;

– ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

– куйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимининг қарорларига зид бўлса бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига куйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

– раҳбарларни тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

– халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилған ва чиқарған ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш түргисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

– давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

– республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш күради;

– аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг имкониятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади», деб таъкидланган.

Булардан ташқари, ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ ҳужалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл ҳўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини социал ҳимоя қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳаларида ҳам қонун ҳужжатлари асосида иш юритади.

Куйида вилоят ҳокимлиги бошқаруви мисолида давлат органларида ахборотлар билан ишлаш жараёнларининг тавсифи келтирилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, унинг тузилмасини аниқлаб оламиз.

Маълумки, ҳокимлик доирасида режалаштирилган вазифаларни, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини бошқариш мақсадида унинг ташкилий тузилмасига вақт ўтиши билан маълум ўзгариштиришлар киритиб борилиши мумкин. Шунинг учун куйида вилоят ҳокимлитининг гипотетик тузилмаси асосида ахборотлар билан ишлаш жараёнларининг тавсифи келтирилади (11- чизма).

Вилоят ҳокимлиги ижроия аппаратидаги ҳар бир контибиият, гурӯҳ ва бўлим белгиланган вилоят бошқармалари билан ишлаш билан бир қаторда, вилоятнинг барча

шахар ва туманлари билан фаолият юритади ҳамда доимий равишда ижтиомий-иктисодий ривожланиш ислоҳотларининг изчил амалга оширилишини, бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокими қарорларининг ҳаётга татбиқ этилишини мувофикалаштириш билан бир қаторда, улар бажарилишини танқидий таҳдил қиласиди, тегишли комиссия ва мажмууларнинг фаолиятини амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги ижроия аппарати тузилмасидаги котибият, гурӯҳ, бўлимлар қўйидаги масалалар билан бевосита шугулланадилар.

Капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари котибияти - капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш мажмую вазифаларини мувофикалаштиради. Соҳага дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади.

Капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, саноат ишлаб чиқариш соҳаси ислоҳотларини чукурлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ташқи иктисодий алоқалар борасидаги фаолиятни кенгайтиришга, инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратади.

Худудда ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлайди ҳамда инвестиция дастурларига мувофиқ қурилишлар рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди, бюджет маблаглари ҳисобига барпо этилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши юзасидан назоратни амалга оширади, ер ва шаҳарсозлик давлат кадастрларини шакллантириш ва юритиш бўйича ташкилий-ҳукуқий чора-тадбирларни амалга оширади, транспорт

ва алоқа соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш чоратадбирларини амалга оширади, транспорт ва коммуникация комплексларининг инфратузилмасини шакллантиришда, ташкилот ва корхона тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимини жорий этишда кўмак беради.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, лойиҳалашнинг замонавий услубларини жорий этиш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади, давлат аҳамиятига эга бўлган қурилишларнинг боришини назорат қиласида ва ҳ.к.

Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти – қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, қишлоқ сектори масалалари билан шуғулланувчи бошқарма ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қишлоқ жойларида шахсий мулкчиликни, қишлоқ инфраструктураси, мелиорация тизими, қишлоқ ва сув хўжалиги қурилишини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

Қишлоқ хўжалигига фан-техника янгиликлари, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш қишлоқ хўжалигига ишловчи раҳбар кадрлар малакасини ошириш, уларни ўқитиш ва ўзаро тажриба алмашишларини ташкил этишга раҳбарлик қиласи.

Қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш дараҷасини оширишга йўналтирилган тадбиркорлик жараёнларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, қишлоқларни ободонлаштириш ва бошқа вазифалар билан шуғулланади.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти – вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этади ва унинг ижросини таъминлаш чораларини кўради, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш, хусусийлаштириш ва давлат тасаруу-фидан чиқариш дастурларининг бажарилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва вилоятнинг экспорт имкониятларини көнгайтириш ишларини ташкил этади. Вилюят давлат бюджети бажарилиши ҳамда пул-кредит, солик сиёсатини амалга ошириш, түлов интизомини мустаҳкамлаш масалалари билан шугулланади. Ҳалқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш, аҳолига савдо, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатишни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштиради, соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чораларини кўради. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва касаначиликни ривожлантириш масалалари билан шугулланади. Маданий қадриятлар ва ёдгорликларни сақлаш, оммавий жисмоний тарбия ва профессионал спортни ривожлантириш чораларини кўради, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда кўмаклашади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилишини ташкил этиш, таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш, таълимни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш, мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мувофиқлаштиради, олий ва урта маҳсус касбхунар таълими тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, илм-фани ривожлантириш чораларини кўради.

Хотин-қизлар масалалари котибияти – ўз фаолиятини Узбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги 3434-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июняғи 299-сонли Қарори вазифаларидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизлар конференциясида тасдиқланган Низом асосида ташкил этади ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратади ва қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан күллаб-күвватлаш, маънавий ва маърифий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни моддий ва маънавий турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий, касбий, жисмоний, ахло-кий жиҳатдан ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий соҳада тутган ўрнини ошириш;

- хотин-қизларнинг яшаш жойлари ва турмуш шароитларини ўрганиш, ишлаб чиқаришда улар билан яқиндан алоқада бўлиш;

- хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини таъминлаш, соғлом оиласи шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, хотин-қизлар ва оиласи спортни ривожлантиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;

- жойларда (оила, маҳаллалар ва иш жойларида) миллий-диний урф-одатларни тұғри тарғиб этиш ва риоя этишга қаратилган самарали фаолиятни ташкил этиш, хотин-қизларни конституцион хуқуқларини ҳимоя қилиш ва татбиқ этиш, уларни турли хил экстремистик, диверсион-террористик фаолиятга аралашыб қолишининг олдини олиш;

- хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига, шунингдек, улар иш фаолиятини яхшилаш, айникса, қишлоқ жойларидаги ташкилотлар, муассаса ва корхоналарда ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва татбиқ этиш.

Ўзига бириктирилган соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш, тарбиялаш ва ўқитиши билан доимий шуғулланиш, уларни жой-жойига қўйиш бўйича вилоят ҳокимлигига тасдиқланган тартибда таҳлилларни бериб боради ва кадрлар заҳирасини яратади. Ваколати доирасида соҳага оид масалалар юзасидан Республика вазирликлари, бошқарув органлари, жамғармалар ва ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боради.

Хотин-қизлар меҳнат қилаётган барча корхона, муассасалар, бошқарма ва идоралар хотин-қизлар кенгаш-

лари билан ҳамкорлик қиласи ва фаолиятига тегишли масалалар буйича умумий раҳбарликни олиб боради.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар буйича ёрдамчиси - вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши ишини ташкил этади, унда қабул қилинган қарорлар ижросини тъминлаш чораларини куради Лавозими буйича вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши раисининг үринбосари ҳисобланади ва вилоятда миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш буйича ишларни ташкил этади, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, идораларининг маънавий-маърифий ишлар буйича фаолиятини мувофиқлаштиради, жумладан:

- вилоятдаги оммавий ахборот воситаларини қўллаб-кувватлаш чораларини кўради, вилоят ҳокими, ҳоким үринбосарлари ва вилоятдаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг матбуот конференциялари ўтказилишини ташкил этади;

- ижро интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан доимий шуғулланади ҳамда уларни лавозимларга тайинлаш буйича таклифлар беради;

- вилоятдаги барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий соҳада олиб бораётган ишларини үзаро мувофиқлаштиради, миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишни тъминлайди;

- вилоятдаги жамоат ташкилотлари ва идораларининг миллий гоя ва маънавий-маърифий соҳага оид фаолиятининг мониторингини олиб боради, уларнинг функционал вазифаси ижросини, иш режалари бажарилиши ва ижро интизомини ўрганади, ҳисботларини эшитади, кадрлар масаласини ҳал этишда мунтазам иштирок этади;

- аҳоли, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгига миллий гоя ва мағқурани, маънавият ва маърифатни сингдиришда зиёлилар, турли соҳа мутахассислари, айниқса, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъат аҳлини тарғибот ишларига жалб этиш, шу тариқа вилоятда тарғибот тизи-

мини яратиш учун жавоб беради. Шу билан бирга, оиласдаги маънавий муҳитни яхшилаш, ёш оилалар мустаҳкамлити, вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида миллий гоя ва маънавий-маърифий соҳага оид ишларнинг мунтазам равища кенг ёритилишини ташкил этади;

- миллий гоя тарғиботига, маънавий-маърифий ишларга алоқадор барча тадбирларнинг мониторингини олиб боради Вилоятда, унинг муайян худудларида аҳоли кайфиятини ҳамда мавжуд ижтимоий ҳолат ва мағфуравий вазиятни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда үрганади;

- ёшлар, хусусан, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари тарбиясига йўналтирилган маънавий-маърифий ва мағфуравий ишлар савиясини ошириш, улар ўртасида кучли тарғибот ишларини йўлга қўйишга, шунингдек, таълим тизимида самарадорликка, ўқувчи ва талабаларнинг дарсларга мунтазам ва тўлиқ қатнашишига эришиш, уларнинг дарсдан ташкари вактларини мазмунли ўтказиш, таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишлар сифатини кучайтириш, уларнинг зарур адабиётлар, даврий матбуот нашрлари билан таъминланиши, мазкур таълим даргоҳларидаги ахборот-ресурс марказлари (кутубхоналар) фаолиятини яхшилашга доир ишларни олиб борища амалий жиҳатдан кўмаклашади.

Вилоятдаги миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга масъул ходимлар, жамоатчи тарғиботчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди, уларнинг вилоят ва марказий ташкилотлардаги ўкувини ташкил этади, мувофиқлаштиради, назорат қиласди.

Ташкилий-назорат гуруҳи - Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳамда вилоят ҳокимлиги раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларни танлаш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва уларга амалдаги ҳамда истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш бўйича гурухнинг фаолиятига раҳбарлик қиласди. Кадрлар захирасининг сифати учун жавоб беради, захи-

рага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориши ташкил этади. Кадрларни тайёрлаб бориши схемаларининг тузилишини таъминлайди ва унинг ижросини назоратга олади.

Худудни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳаллий бошқарув органлари ишини ташкиллаштириш, уларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Вилоят ҳокимлиги раҳбариятига ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларининг олиб бораётган ташкилий ҳамда кадрлар ишлари тўғрисида ахборот беради ва таклифлар киритади.

Ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тавсия этиши ва алмаштириш масалаларини кўриб чиқади ҳамда вилоят ҳокимлиги раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалта оширади.

Вилоят ҳокимига гуруҳ ходимларини, туман ва шаҳар ҳокимликларини, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларини рағбатлантириши ёки ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар киритади.

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир хужжатларни расмийлаштириш ишларини ташкил этади ва б.

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи - вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ ишига умумий раҳбарлик қиласи, гуруҳ аъзолари ва гуруҳ таркибидаги бўлимлар ходимлари ўртасида вазифалар тақсимоти бўйича ишларнинг бажарилиши устидан назорат юритади.

Худудда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маъмурий идораларнинг жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштиради, йўналтиради ва таҳлил этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокими-


нинг қарор ва фармойишларининг жойлардаги ижросини таъминлаш назоратини ташкил этади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ташкил этилган комиссияларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлайди, уларнинг мажлисларига ҳужжатлар тайёрлайди ҳамда комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг назоратини ташкил қиласди.

Вилоят ҳудудида жинояччиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш юзасидан давлат идоралари, нодавлат жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳволини таҳлил қилиш ҳамда бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга курсатма катлар юборади.

Гуруҳ суд, хуқуқни муҳофаза қилиш, ҳарбий ва мудофаа идоралари ишини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ҳамда наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиянинг, хорижий фуқароларга, МДҲ қатнашчилари бўлган давлат фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун рухсатномалар бериш, шунингдек, уларни доимий рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича маҳсус комиссиянинг, вояга етмаганлар ишлари бўйича, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссиянинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Шу билан бирга, гуруҳ вилоят прокуратураси, божхона, ички ишлар, адлия, вилоят прокуратураси ҳузуридаги солик ва валютага оид жиноятлар даромадарини легаллаштиришга қарши курашиш, мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимининг фаолияти ва вилоят ҳокими томонидан биринчирилган шаҳар ва туманлардаги иш фаолиятларни мувофиқлаштиради, биринчирилган шаҳар ва туманларда мавжуд муаммолар бўйича вилоят ҳокимига таклифлар киритади.



11-чизма. Вилоят ҳокимларни аппарати ташкилий тузилмаси

Ахборот-тахнил гуруҳи – ўзига биринтирилган масалалар бўйича материаллар ва ҳужжатлар лойиҳасининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласи, топширикларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди, вилоятдаги барча бошқарма ва ташкилотлар, худудий бирлик (шаҳар ва туман)лар билан доимий мулоқотда бўлади, халқ хўжалигининг барча тармоқлари

бўйича ижтимоий-иктисодий ривожланиш таҳлили масалалари, вилоятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижалари, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ўёки бу масалаларни ҳал қилишдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар бериш билан шуғулланади, тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, уларни мунтазам равишда янгилашиб бориш устидан назоратни амалга оширади.

Гурӯҳ ишлаб чиқилаётган меъёрий хужжатлар, қарорлар ва вилоят ҳокими фармойишлари ҳамда турли дастурларнинг мажбурий экспертизаси ва келишувини таъминлайди.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш, вилоятни, тармоқлар ва ҳудудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, шунингдек, тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилишини ташкил қиласиди ва уларни вилоят ҳокими ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Йиғма департаментига (кураторга) тақдим этади.

Ҳокимлик идорасидаги ҳар бир котибият, бўлим ва гурӯҳ иш жараёнида ўзига бириктирилган ташкилот, бошқарма, ҳудудий бирлик (шахар ва туман)лар билан ҳамда ўзаро доимий равищда ахборот алмашади. Шунингдек, улар ўз хизмат йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис ва бошқа юқори погонадаги ташкилотларнинг турли йўналишдаги топшириқ ҳамда сўровлари бўйича ҳисоботлар ва ахборотлар тайёрлаш билан шуғулланадилар.

Бошқача қилиб айтганда, ҳокимлик идорасидаги ҳар бир котибият, бўлим ва гурӯҳлар ўзларига тегишли масалаларни ҳал этиш жараёнида маълум турдаги ахборотларга асосланади. Ахборотлар тегишли ахборот тизимларида шаклланади. Бошқарув фаолиятининг самараси тузилмалардаги ахборот тизимларининг фаолиятига боғлик. Чунки бозор иктисодиётига асосланган ривожланиш даврида давлат бошқаруви содир бўлаётган янги ижтимоий, иктисол

дий ва технологик үзгаришларга асосланган ва йұналтирилған қолда олиб борилади. Табиийки, бунда бошқарув ва иш юритиш хужжатлари муайян равища ошиб боради, ахборотлар алмашиш ҳажми күпаяди. Ахборотларнинг етишмаслиги ёки жойлардан вактида етиб келмаслиги, давлат ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишида катта қыйынчиликларни вужудда көлтиради.

Хокимлик тузилмалари орасидаги ахборот алмашуvs жараёнлари маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади. Куйида бошқарув цикли жараёнида ахборот алмашуvinи ташкил этиш асослари ёритилади.

Ахборотларнинг кам ҳаражат билан түлиқ ва үз вактида етказилиши бошқарув самарадорлитини оширади.

2.3. Давлат органининг бошқарув цикли жараёнида ахборот алмашинувини ташкил қилиш асослари.

Давлат ахборот ресурслари

Бошқаруз цикли үз таркиби жиҳатидан режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация ва назорат функцияларидан ташкил топади. Бу функциялар, моддий бойликлар яратиш, молиялаштириш, маркетинг ва бошқарув фаолиятининг бошқа барча турларини қамраб олади.

Режалаштириш функцияси, умуман олганда, қарорларни тайёрлаш жараёнини үз ичига олади. Бунда куйидаги режалаштириш этаплари бажарилади:

- мақсаднинг аникланиши;
- бошланғич шароит шартларининг таҳлили;
- мұқобил вариантыларнинг аникланиши;
- әңг яхши вариантын танлаш;
- режани амалга ошириш.

Ташкиллаштириш функцияси раҳбар ва бажарувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратылған. Бу, биринчи навбатда, раҳбар томонидан үз имкониятлари, күл остидаги ишчиларни, уларнинг потенциал имкониятлари, жой-жойига қўйилғанликларини баҳолаш ва ҳ.к Ана

шу ташкилий жараёnlарнинг барчаси ташкилотнинг маълум бир структураси асосида амалга оширилади.

Мотивация. Барча тайёргарлик масалалари амалга оширилгандан сунг раҳбар ишнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Ушбу максадда куйидагилардан фойдаланилади: а) рағбатлантириш, яъни ходимларни актив фаолиятга ташки факторлар ёрдамида ундаш (моддий ва маънавий рағбатлантириш); б) мотивациини амалга ошириш, яъни ходимларда меҳнатга бўлган ички (рухий-психологик) талаб ва интилишларни шакллантириш. Бунда асосий йуналишлар: меҳнатта қизиқиш ва меҳнат қилишга талабнинг, бажарилган ишдан қониқиши хиссининг шаклланиши тушунилади. Раҳбар бу функцияни муваффақиятли бажариши учун инсонлар ўртасидаги ахборот алмашинувининг турли қирраларини яхши билиши, ўзида тегишли фазилатларни шакллантириши ва ривожлантириши зарур.

Назорат функциясининг моҳияти барча жараёnlарнинг мавжуд директив ҳужжатлар ва бошқарувнинг қабул қилинган тамоийилларига мос равишда боришини текшириб борищдан иборат. Назорат - бу мавжуд маълумотларни топширикларга мос келишини текшириш жараёни ҳисобланади.

Бошқарув циклининг доимийлиги. Маълумки, раҳбар доимо бошқарув функцияларини амалга ошириш билан банд бўлади. Раҳбар ўзи бошқараётган идора (муассаса, ташкилот)нинг бутунги куни ва келажагини таъминлаш тўғрисида фикр юритади, у бошқаришнинг барча қирраларига астойдил ёндашиб фаолият кўрсатади. Бу жараён режалаштиришдан бошланади.

Ҳар бир профессионал ходим ўз фаолиятини режалаштиради. Масалан, бошқарувчи қалам ва оддий ўчиргич билан бюджет устида анча вакт сарфлайди, сотувчи харидор билан музокараларни олиб бориш жараёнини хаёлан пишитади, дурадгор ёғочга ишлов беришдан олдин барча ўлчамларни белгилаб чиқади, унинг шиори: «Етти ўлчаб, бир кес» ва ҳ.к.

Режалаштирилган фаолият, албатта, ташкиллаштирилади, ходимлар эса мақсадға йұналтирилган иш учун тайёрланадилар. Ходимлардан аниқ ҳаракат йұналишларини түшуниб, келажақда нималар кутаёттандырылғанын билишлари талаб қылнады. Улар үз хизматларини деталлаштирилған дараражада түшунишга интиладилар, үз ишлаб чықарыш фаолияттарыннан ішгечі назоратини яхши қабул қыладылар. Бундан назоратта бұлған экстремалдык келиб чықады. Унинг таркибиға:

- а) оддий ва түшунарлы фаолият режаси;
- б) назоратнинг самарадор ва оғирлиги түшмайдыған усууллари;
- в) қайта алоқа, яъни ишдеги силжишлар ва үзгаришлар ҳақыдаги ишончли ахборот;
- г) ва ниҳоят тегишли үзгартыришлар кири туви ҳаракатлар киради.

Күп қолларда тегишли үзгартыришлар катта ёки сеңиларлы күчларни талаб қылмайды: ходимга раҳбардан қандайдыр үзига хос үндөвчи гап ёки ҳаттоқи бир сүз ҳам кифоя қылыш мүмкін. Буларнинг барчаси ходимнинг ички психологиялық қолатига таъсир қылады ва унинг жавоби бунда дархол билинади. Тузатиши амалга ошириши ташкилий омылларга боғлиқ қолларда бир мунча қыйинроқ кепчади. Масалан, ходим үз вазифаларини яхши англаған ҳолда ишга киришади, аммо муваффакиятта эриша олмайды. Муаммонинг негизи эса иш ҳажмининг күтилганидан күплигінде булиши мүмкін. Бундай қолларда күчларнинг маълум маънода қайта тақсимланиши ва тегишли ёрдам берилеші лозим булиши мүмкін. Баъзи қолларда бошлангыч режага ҳам үзгартыришлар киритилиши керак булиши мүмкін.

Құриниб турибиди, бошқарувнинг түрттала функцияси (режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация ва назорат) маълум маънода доимий қайтарилиб туради. Улар үзаро узвий боғлиқтады - бу занжирнинг биронта ҳам бүгенини олиб ташлаш мүмкін эмас.

Шу үринде таъқидлаш жоизки, бошқарув жараёнининг барча асосий функциялари раҳбарнинг қарор қабул

қилиш бўйича ҳаракатлари билан таъминланади. Самародор қарорлар – идора, муассаса, ташкилотлар ва жамият ривожланишининг гаровидир. Улар биз юқорида кўриб чиқсан бошқарув функциялари барчасининг асосини ташкил этади.

Бошқарув ахбороти – бу бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўла оладиган ҳамда ташкилотнинг ички ва ташки фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунча ҳосил қилишга имконият берадиган маълумотлар йиғиндиси.

Бошқарув ахбороти бир қатор омилларга кўра турларга бўлинади:

1. Ишлатилиш мақсадига кўра: бир мақсадли – битта алоҳида муаммони ечиш учун керак бўлган ахборот ва кўп мақсадли – бир нечта турли хилдаги муаммоларни ҳал қилишда ишлатиладиган ахборотлар.

2. Сақланиш имкониятига кўра: қайд этиладиган – деярли чексиз муддат бузилмасдан ва ўзгармасдан сақланиши мумкин бўлган ахборот, масалан, энг қадимги тош битиклар ва расмлар ҳамда қайд этилмайдиган ахборот – бундай ахборот олиниши билан ишлатилади, бир муддат сақланиши мумкин, аммо у вақт ўтиши билан астасекин ўзгариб ва ўқолиб боради;

3. Ишлатилишга тайёрлик даражасига кўра: бирламчи – бевосита система штирилмаган манбадан олинган, керагидан ортиқ ишлатилмайдиганлари ҳам бўлган маълумотлар йиғиндиси, оралиқ – бошлангич «тозалаш» ва система штиришдан ўтган ва қандай йўналиш ва мақсадларда ишлатилиши мумкинligини ҳал қилиш имконини берувчи маълумотлар тўплами ва сўнгги – бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берувчи ахборотлар.

4. Тўлалиги бўйича: нотулиқ – тажрибада фақатгина бошқа ахборотлар билан биргаликда қарор қабул қилиш имконини берадиган ва комплекс муаммо ҳақида тўла ва етарли даражадаги маълумотлар тўплами бўлиб, бевосита ҳар қандай қарорлар қабул қилиш имконини берадиган ахборотлар.

5. Ишончлилик даражасига кўра: эҳтимолли ва ишончли ахборотлар.

Ахборотлар, шунингдек, ҳажми, манбалари, ёши (янги, эскирган), узатиш ва тарқатиш усулларига кўра классификацияланиши ҳам мумкин.

Изланишлар шуни курсатадики, замонавий раҳбар ўз вактининг 50 дан 90% гача бўлган қисмини турли мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, сухбатлар, турли хужжатларни тайёрлаш ва ўқиши жараёнида ахборот алмасиша сарфлайди ва бу ҳаётий заруратдир, чунки бугунги кунда ахборотлар ҳар қандай ташкилот ёки жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, техник ва технологик тараққиётининг ҳал қилувчи омилига айланниб бораётганлиги барчага аён ҳақиқатдир. Бундай шароитда ахборотларга эгалик қилиш ҳокимиятга эгалик қилишни таъминлайди. Шу уринда таъкидлаш жоизки, ахборот танқислиги ҳам, унинг керагидан ортиқлиги ҳам раҳбарни чалғитиши мумкин, шунинг учун, доимо, керакли ахборотларни кераксизидан, фойдалисини фойдасизидан ажратишни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ахборотнинг жўнатувчидан қабул қилувчига томон ҳаракати бир нечта босқичдан иборат. Биринчисида ахборот танлови амалга ошади, у мақсадга йўналтирилган ёки эҳтимолий, махсус танланган ёки ёппасига йиғилган, топширик бўйича ёки ташаббускорлик билан йиғилган, ёки маълум омилларга асосланган бўлиши мумкин.

Иккинчи босқичда танланган ахборот олувчига тушунарли шаклга келтирилади, масалан матн, жадвал, график, овоз, махсус белгилар ва ҳ.к. шунга мос равишда узатиш шакли танланади (оғзаки, ёзма, шартли ва сунъий яратилган белгилар). Ута муҳим ахборот берилди бир усул билан чекланмай, маълумотлар бир неча усулда қайтарилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сабаб билан хужжатларнинг кўпайиб кетиши ва натижада «ахборот денгизида чўкишнинг» олдини олиши унутмаслик лозим.

Учинчи босқичда ахборотнинг узатилиши бажарилади. У олувчи томонидан қабул қилинади ва шундан сўнг та-

нишиш, тушуниш жараёнидан сүнг күзланган вазифалар амалга оширилади.

Ахборот жұнатувчи доимо ахборотнинг қандай қабул қилингандылығы ва олинган ахборот бүйірчада үз муносабатларини билдиришлари, яғни қайта алоқа үрнатилишини күттеді. Шундай қилиб, қайта алоқа – ахборот олувчи томонидан жұнатувчига юборилаёттан маълумотлар бўлиб, бу маълумотларда ахборотнинг қабул қилингандылығы ва уни түшүниш (ёки тушунмаслик) даражаси үз аксини топади.

Қайта алоқа англанган ва онгли равища амалга оширилиши лозим бўлганлығы сабабли, олдиндан режалашибтирилган вазиятга мос келувчи оптималь шаклда, қабул қилувчи томонидан (узатувчигагина мос шаклда эмас) тўғри қабул қилиш имкони яратилган шаклда, берилаётган маълумотга дарҳол жавоб берган ҳолда амалга оширилиши лозим. Оғзаки шаклда узатилаётган ахборотларга қайта алоқа белгилари бўлиб айтилганларни аниқлашибтириш, умумлаштириш, маълум маънода үз муносабатларини билдириш бўлиши мумкин. Бундай сигналлар кучсиз бўлишини эътиборга олган ҳолда шерикларнинг биринчи муносабатларига алоҳида эътибор бериш керак.

Ишончли қайта алоқа ахборот алмашинувининг ишончлилигини сезиларли даражада ошириш ахборот маъносини үзгартириб юборувчи йўқотишлар (потери) ва ортиқча шовқинларни (помехи) четлаб ўтиш имконини беради. Шовқин ва йўқотишларнинг келиб чиқиши сабаблари куйидагича бўлиши мумкин:


Биринчи навбатда, стереотиплар, яғни инсонлар ва ҳодисалар тўғрисидаги үрнашиб қолған фикр ва қарашлар киритилади. Стереотипларга үрганиш иккала томоннинг ҳам, яғни ахборот узатувчининг ҳам, қабул қилувчининг ҳам камчилиги бўлиши мумкин, шунинг учун коммуникацияларни амалга ошираётганда иккала иштирокчи томонидан масала можиятининг тўғри тушунилишига ишонч ҳосил қилиниши керак.

Кўп ҳолларда, ахборот жұнатувчи ва қабул қилувчи турли мавқега эга эканлығи, бир-бирига ёки ахборот пред-

метига (ахборот объекти ёки субъектига) стереотипли қараши туфайли бузилади. Албатта, бу усул яхши натижаларга олиб келмайды ва уни қатыйй равищда танқидий нұқтаи назар билан қараб енгіб үтиш керак, аммо хабар унга қызықиши йүқтілгенде өзіннен ақындығынан да жақындастырылады. Буны түшүнтириш учун, қабул қылувчи бу ахборотдан фойдаланиш орқали олинадиган фойда ёки юзага чиқиши мумкин болған йүқтішлар билан таништирилиши лозим болади.

Ахборот алмашинувига «техник носозликлар» ҳам салбий таъсир күрсатыши мумкин. Уларга, биринчи навбатда, турли даражадаги маълумот, мутахассислик, малақа, миллий хусусиятлар ёки тилни яхши билмаслик билан боғлиқ болған ахборотларни узатишида ишлатилаёттан белгиларни турлича тушуниш сабаб булиши мумкин. Күпинча, оддий сүзлар орқали узатилаётган ахборотлар маъноси кераксиз «құшимчалар» туфайли бузилиши мумкин. Бунинг устига бундай құшимчалар турлича тушунилиши ҳам мумкин. Мисол учун Болгарияда бошни олдинга әгіб силкіб құйиши күп мамлакатлардаги тасдиқ маъносини эмас, балки инкор маъносини билдиради.

Ахборотларни қабул қилиш ва узатиши жараёнини учта фильтрдан үтиш жараёни сифатида тавсифлаш мумкин (12-чизма).



- 1 - физик фильтр
- 2 - семантический фильтр
- 3 - прагматический фильтр
- 4 - ишлатилған ахборот

- А - бошланғич маълумотлар
- Б - статистик ахборот, қабул қилинді
- В - семантический ахборот, тушунилди
- Г - прагматический ахборот, бақо берилди

12-чизма. Ахборотларни қабул қилиш ва узатиши жараёнининг диаграммаси

Ахборотнинг бузилиши ёки йўқотилиши физиологик ва психологик сабаблар: чарчок, кучсиз хотира, томонларнинг ялқовлиги ёки фикрни жамлашга халал берувчи ҳаддан ташқари импульсивлиги, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиши, сабрсизлиги кабиларга ҳам боғлик бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси, томонлардан бирининг ўзи эга бўлган ахборотларни тулиқ ҳажмда бермаслиги, иккинчиси эса уни етарли даражада тўгри қабул қиласлиги, охир-оқибатда эса бошқарув томонидан нотугри қарорларнинг қабул қилинишига сабаб бўлади.

Ахборот узатиш жараёнларини унинг шаклидан қатъи назар, қисқа, аниқ ва лўндалиги, мазмуни, узатиш ва қабул қилиш шакли доимий назорат остида бўлиши, оғзаки ахборотларни ёзма ахборотлар билан тасдиқлаш, паралел ва кесишувчи ахборот каналларини қўллаш усуллари орқали маълум маънода енгиллаштириш мумкин.

Банднинг якунида давлат ахборот ресурслари, уларнинг мазмун ва моҳияти тўгрисида маълумотлар келтирилади.

Давлат ахборот ресурслари давлат бошқарув органдарни, давлат ва нодавлат корхоналар, илмий ва ўкув мусассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолият олиб бориши натижасида шаклланади. Бу ресурслар маълумотларни, билимларни ҳамда уларни ифодалаш воситалари (лингвистик воситалар) тўгрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Давлат ахборот ресурслари қўйидагилардан таркиб топади:

- давлат органларининг ахборот ресурслари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурслари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда маҳфий ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлаштирилган ахборотлари¹.

¹ Узбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўгрисида”ги Конуни, 10-модда. 2003 йил декабрь.

Ахборот ресурслари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари эркин фойдаланиши мумкин бўлган ва эркин фойдаланиши мумкин бўлмаган ахборот ресурсларига бўлинади. Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мулжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурслари хисобланади. Улар қаторига:

- давлат ва маҳаллий хокимият органлари, ташкилот, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг ваколатлари ва мавқеининг ҳукуқий асослари ҳамда фуқароларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар;

- аҳоли пунктлари ва ишлаб чиқариш обьектлари ва умуман аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга оид маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар;

- давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига оид, давлат бюджети маблағларининг сарфланиши ва иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар (давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно);

- давлат органларининг кутубхоналари, архивлари ва ахборот тизимлари фондларида жамланган очик ҳолдаги ҳужжатлар киради.

Давлат сирлари тўғрисидаги ва махфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиши жараёнида маълумотларни йифиш, уларга ишлов бериш, саклаш, қидириб топиш ва уларни ахборот қуринишида такдим этиш белгиланган регламент асосида амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ахборот ресурсларини яратиш ва улардан эркин фойдаланиши ташкил этиш жараёнлари фойдаланувчиларнинг ахборотлар олишдаги фаоллигига ҳам боғлиқ. Чунки фойдаланувчи маълумотга

зарурат сезиб, то үзи тушуниб етиб, ҳаракат қилмагунича, яратылган ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш даражаси паст булиб қолаверади.

Фойдаланувчининг фаоллигини ошириш учун аҳолининг ахбротлаштириш, компьютерлаштириш ва умуман үзи учун керакли бўлган ахборотни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш борасидаги билимини турли хил семинар үкишлари ва үқув курслари воситалари асосида ошириш, глобал ахборот тизимларига чикиш жойларини кўпайтириш ва имкониятлар яратиш, телевидение, радио ва матбуотда кенг тарғиб этишини йўлга қўйиш ва бу борадаги адабиётларни кўпайтириш даркор.

2.4. Давлат органининг бошқарув пирамидаси ва ундаги ахборот тизимларининг уйғунлашуви (вилоят ҳокимияти мисолида)

Худудий ижро ҳокимияти органи бўлган вилоят ҳокимилигига ахборот алмашиш пирамидаси вилоят ҳудудида жойлашган барча ташкилот, корхона, бирлашма ва бошқа турдаги муассасалардан олинадиган ахборотлар асосида ташкил топади.

Бундай ахборотлар, асосан, вилоят иктиносидиёт ва статистика бош бошқармасида бирламчи умумлаштириш ва қайта ишланаш асосида яратилади ва маълум бир стандартлаштирилган шаклларда фаолият соҳасига мос равишда вилоят ҳокимлигининг тегишли котибиентларига таркатилади. Улбу типдаги ахборотлар, ахборот алмашиш пирамидасининг энг кўйи — оператив бошқариш ахборотлар поғонасини ташкил этади (13-чизма).

Тегишли котибиентларда қайта ишланган ва бирламчи таҳлил қилинган ахборотлар ахборот алмашиш пирамидасининг иккичи поғона ахборотларини ташкил этади. Улар тактик бошқарув ахборотлари деб юритилади ва тактик бошқариш поғонасига, яъни котибиент ва гурух раҳбарларига узатилади.

Ҳокимликдаги ахборот — таҳлил гурухи барча котибиент ва гурухлар томонидан тайёрланган тактик бошқарув ахборотлари билан ишлайди ва уларни умумлаштиради

Вилоят ҳокимиятининг раҳбарияти

Вилоятнинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва истиқболларига, ЎзРес. Конституциясига мувофиқ, тегишли вазифаларнинг бажарилиши ҳолатига қаратилган ахборотлар тақдим этилади

Стратегик бошқарув номонаси ахборот тизими

Ахборот таҳлил гурӯҳи

(Тактик бошқарувини ахборотлари қайта ишланиши ва умумлаштирилади, яъни вилоятнинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий йўналиш ва истиқболлари ҳақида тегишли қарор қабул қилиш учун старли маълумотлар тайёрланади)

Тактик бошқарув номонаси ахборот тизими

Департамент соҳасига тегишли маълумотлар таҳлил қилинади, соҳанинг вилоятдаги умумий ҳолати, хукумат карорларининг жойлардаги бажарилиши назорати, аниқлавсан мавжуд муаммоларни очиш йўналишлари тўғрисидаги ахборотлар шакллантирилади

1 - Департамент раҳба-рияти

2 - Департамент раҳба-рияти

M - Департамент раҳба-рияти (котибнити)

Ахборотлар маълум бир стандартлаштирилган шаклларда фаoliyitning соҳасига мос равишда тегишли Департамент котибнитлariiga таркитилади

Оператив бошқарув номонаси ахборот тизими

**Вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси
(Бирламчи умумлаштириш ва қайта ишлаш босқичи)**

Худудда жойлашган ташкилот, корхона, бирлашма ва бошқа турдаги муассасаларда шаклланган маълумотлар

1 - туман

2 - туман

N - туман

13-чизма. Вилоят ҳокимлигида ахборот алмасиши пирамидасининг схемаси

Ахборот алмашиш пирамидасининг энг юқори — стратегик бошқарув погонасига ахборотлар учламчи қайта ишланган ва иккиламчи таҳлил қилинган ҳолда тақдим этилади. Лекин учламчи қайта ишлаш ва иккиламчи таҳлил деганда бир хил ишларни икки ёки уч марта қайта бажарилиши тушунилмаслиги керак. Чунки ҳар бир қайта ишлаш ва таҳлил босқычларининг ўзига хос вазифалари турли даражадаги умумлаштириш ва ўзаро қиёслаш ва турли ҳил таҳлил усуллари ва даражаларини ўз ичига олади.

Кўйида мисол тариқасида вилоят ҳокимлигининг бир йўналишида ахборотлар билан ишлаш жараёнларининг тавсифи келтирилади.

Вилоят статистика бошқармаси томонидан тайёрланган вилоятдаги саноат корхоналари фаолияти тўғрисидаги «куруқ статистик» бирламчи маълумотлар вилоят ҳокимлигининг “Капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал ҳўжалик ва ободонлаштириш масалалари” котибиятга берилади. Ушбу котибиятда бу маълумотлар бирламчи таҳлил қилиниб, ушбу йўналишнинг вилоятдаги умумий ҳолати аниқланади ва кейинги ривожланишининг истиқболлари белтиланади, соҳадаги ҳукumat қарорларининг жойлардаги бажарилишини назорат қилиш орқали мавжуд муаммолар аниқланади ва уларни ечиш йўналишлари ишлаб чиқилади.

Бундай бирламчи таҳлил ва иккиламчи қайта ишлашдан сўнг ҳосил бўлган ахборотлар ахборот таҳлил гуруҳига узатилади. Ушбу гурухда олинган маълумотлар бошқа котибиятлардан олинган маълумотлар билан солишибтирилади, улар ўзаро уйгунаштирилади, барча йўналишдаги дастурлар бирлаштирилиб, вилоят ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий йуналиш ва истиқболлари ҳақида тегишли қарор қабул қилиш учун етарли маълумотлар тайёрланади.

Барча соҳалардаги мавжуд муаммолар ўзаро тақъосланиб, вилоятнинг умумий ривожланишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллар аниқланади, давлат ва ҳукumat қарорларининг вилоят ҳудудида тўлиқ ҳажмда ва сўзсиз

бажарилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, бу жараёнда вилоят ҳокимлиги аппаратининг ҳар бир котибияти нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги белгилаб берилади.

Ана шундай учламчи қайта ишлаш ва иккиламчи таҳлил натижасида тайёрланган вилоятнинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланиши, вилоятдаги оператив ҳолат ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ тегишли вазифаларни бажаришга ажратилган маълумотлар вилоят ҳокимига берилади.

Маълумотлар вазиятга мувофиқ равищда ва истиқболдаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилиш учун етарли бўлиши керак.

Савол ва топшириклар

1. Ташкилот бошқарув пирамидасининг погоналари ва уларда ҳал қилинадиган масалаларни тавсифлаб беринг.
2. Бошқарув пирамидасининг ҳар бир погонасида айланадиган ахборот турларини изоҳлаб беринг.
3. Ташкилот бошқарув пирамидасининг погоналарида қандай ахборот тизимлари ишлатилади?
4. Вилоят ҳокимлигининг тузилмаси ва котибиятларининг вазифалари нималардан иборат.
5. Бошқарув циклининг доимийлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Вилоят ҳокимлиги фаолиятини бошқарув пирамидаси кўринишида тасвирланг.
7. Вилоят ҳокимлиги бошқарув пирамидаси ахборот тизимларининг уйғунлашувини тавсифлаб беринг.
8. Ташкилотингизнинг фаолиятини бошқарув пирамидаси шаклида тасвирланг ва бошқарув жараёнларини ахборот тизимлари асосида таҳлил қилиб беринг.

III боб. Ўтиш давридаги давлатлар бошқарувидаги АҚТ. «Электрон хукумат» тизими

3.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги давлатлар бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологиялари

Сунгиги йилларда кўпчилик мамлакатларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат аппарати иши самарадорлигини ошириш, хукумат ишининг очик-ошкоралигини кучайтириш, қарорлар қабул қилишида фуқароларнинг ролини оширишга йўналтирилган.

Бундай шароитда замонавий ахборот технологиялари давлат секторидаги маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимидан демократик хукуқли давлат бошқарувига ўтиш жараёнларида юзага келадиган ва бажариладиган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашадиган воситалардан бири ҳисобланади,

Ахборот технологиялари давлат бошқаруви органлари нинг юқори сифатли хизматларидан фуқароларнинг фойдаланиши имкониятини яратади ва ушбу хизматлар қийматини камайтиради, бошқарув самарадорлигини оширади, ҳокимият органларида қарорлар қабул қилиш жараёнларини ахборот билан таъминлашни юқори даражага кутаради.

Маълумки, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишнинг асосий шартларидан бири давлат аппарати штатлари миқдорини қисқартириш, хукуматни таркибий қайта қуриш ва бозор иқтисодиёти талабларига мувоғиқ янги функцияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бундай вазифаларни ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланмай амалга ошириш жуда қийин.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ)нинг давлат бошқарувига жорий этилиши, олдинги функционал тизимларни умумийлаштириб, хукумат тузилмалари ва уларнинг фаолиятини оптималь ташкил этиш имконини яратади,

бу эса, ўз навбатида, давлат органлари ишининг соддалаштирилишига ва уларнинг таъминотига сарфланадиган жаратларнинг қисқартирилишига олиб келади.

АКТ асосида очик ахборот ресурсларининг ташкил этилиши, давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ва маъмурий ахборотлардан фойдаланишининг кенг йўлга қўйилиши, давлат реестрлари ва маълумотлар базаларининг ташкил этилиши давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайди ҳамда аҳолининг хабардорлигини оширади. Фуқаролар ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш имконига эга бўладилар. Давлат тузилмаларининг ўз фаолиятлари бўйича фуқаролар олдида ҳисобот бериб туриш жараёнлари юзага келади. Оқибатда фуқароларнинг давлат органларига, улар фаолиятини етарлича ошкора эмаслиги ва ҳар хил суиистеъмолларга шарт-шароитлар мавжудлиги натижасида юзага келадиган ишончсизлиги кескин камаяди.

Давлат органларининг ошкоралиги, ўз навбатида, оддий фуқароларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнida иштирок этиш имкониятларининг пайдо бўлиши, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги тури барпо этилишига сабаб бўлади.

Ахборот технологиялари асосида ички идоравий ва идоралараро ҳужжатлар айланишининг электрон шаклга ўtkазилиши давлат аппарати таъминоти харажатларини қисқартириш имконини яратади. Бундан ташқари, фуқаролар Интернет тизими воситалари асосида бевосита (он-лайн-режимида) давлат хизматчисига савол ёки буюртма билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади, оқибатда идорага кўп марталаб қатнаш ва йулакларда кутиш ўрнига ҳукумат раҳбарлари ва ходимлари билан анча тез тартибда ўзаро алоқа қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бозор иктисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар бир мамлакат ўз ривожланишига таъсир курсата-

диган ўзига хос сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммолар ҳамда қадриятларига эга бўлади. Шу сабабли у ривожланган давлатларнинг мудаффакиятли ечимларини ўзининг иқтисодиётига тўғридан-тўғри жорий этиб, улардек юқори натижаларга эришади, деб бўлмайди.

Шу билан бирга, давлат бошқарувини АҚТи имкониятлари асосида ташкил этиш бўйича етакчилик қиладиган мамлакатларнинг кенг тажрибасини ўтиш давридаги мамлакатнинг давлат бошқарувига АҚТ тизимлари ва унинг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий этишда инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатларда давлат бошқарувини АҚТи имкониятлари асосида ташкил этиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган асосий муаммолар ва уларнинг оқибатлари 2-жадвалда келтирилган.

Куйида бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат бошқарувини АҚТи имкониятлари асосида ташкил этишда, биринчи навбатда, қандай йўналишларга аҳамият бериш кераклиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган бўлиб, улар жаҳондаги ривожланган давлатларнинг АҚТ асосидаги фаолият тажрибасига асосланган.

Давлат бошқарувига АҚТ имкониятларини жорий этишдан олдин мавжуд маъмурий тизим фаолиятини чукур ўрганиб чиқиш талаб этилади. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маъмурий тизим янги ислоҳотлар мажмуини ишлаб чиқиш, қатор устувор стратегик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда давлатнинг ташаббускор ролини таъминлашга йўналтирилади Бундай ўта мураккаб вазифани ечиш учун маъмурий тизим аввалиги тоталитар ҳокимиёт воситаларидан воз кечиб янги вазифаларни ҳал этишга мослашиш жараёнларини бошидан кечиради. Яъни давлат органининг фаолияти ва тузилмаси қайта кўриб чиқилади ва тубдан ўзгартирилади. Бундай ислоҳотлар амалга оширилмаса, давлат органининг ўзи ўзгаришларни давом эттириш йўлида бош тўсиклардан бирига айланиши мумкин.

2-жадвал

Муаммолар	Оқибатлари
Мақсадларни аниклаш ва режалаштириш жараёнларининг ўта муракаблиги АКТ асосидаги фаолиятнинг меъёрий-хуқукий қоидалари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги	АКТ тизимларини номукобил лойихалаштириш эҳтимоли кўпаяди, натижада ишлаб чиқилган тизимнинг иқтиисодий самараси юқори бўлмайди
Давлат бошқарувини АКТ асосида ташкил этиш бўйича яратилиши керак бўлган лойихаларнинг қиймати етарлича баҳоланмаслиги ва уларни амалиётда жорий этиши учун керак бўладиган харажатларни қоплаш қийинлиги	Кенг қамровли ва тизимли лойихаларни ўрнига доираси чекланган масалаларни ечиш учун мўлжалланган лойихалар яратилиди, уларни амалиётга татбиқ этиши натижасида янги масалалар, қўшимча ишлар пайдо бўлади, уларни татбиқ этиш учун катта маблағ талаб этилади, <i>кўзотиган мақсадга оғизниш қийинлашади</i>
Техник воситалар ва дастурний таъминотнинг этишмаслиги, турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги	Хар хил дастурларда яратилган тизимларнинг номувофиқлиги ва буюртма асосида яратилган тизимларга ҳаддан ортиқ таяниш холлари юзага келади, давлат бошқаруви ягона тизим асосида фаолият юрита олмайди
Малакали мутахассислар этишмаслиги ва давлат органи ходимларининг АКТга ўқитиш тизимли йўлга қўйилмаганлиги	Замонавий бошқарув ахборот тизимларини яратиш оғир кечади. Яратилган бошқарув ахборот тизимлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди ва натижада давлат бошқарувини ислоҳ этиши жараёнлари режалаштирилганидек амалта оширилмайди

Маъмурий ислоҳотларнинг стратегик вазифалари қуидагиларни ўз ичига олади:

- мавжуд бошқарув тизимини номарказлаштириш (мавжуд бошқарув тизимини номарказлаштириш бошқарувнинг қуи даражаларига қўпроқ ваколат бериш бўйича сиёсий қарорлар қабул қилинишини тақозо этади);
- жойлардаги ҳокимият органлари ходимларининг малакаси ва масъулияти даражасини ошириш;

- давлат бошқаруви органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш;
- барча даражаларда маъмурий тизим фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш.

Маъмурий ислоҳотлардан кутилаётган натижга давлат органларининг ўзаро ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги ягона тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади.

Мустақилликка эришган мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида демократик тамойилларга асосланган давлат бошқарув тизимининг шаклланниши ва ривожланиши бошлангич босқичда бўлиб, у ўзини-ӯзи бошқариш тизимининг самарали механизмларини яратиш ва тартибга солиш билан шугуулланади.

Бундай вазиятда давлат ҳокимиюти ва бошқарув органларининг ортиқча кентайиб кетиши, уларнинг бизнес жараёнларига асоссиз аралашув ҳолатлари юзага келиши мумкин - бир неча идора бир хўжалик субъектини қайта-қайта текшириши, бизнес юритишнинг хужжат юритиш (транзакция) харажатлари кўпайиб кетиши ва бошқа салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Уларнинг олдини олиш учун маъмурий ислоҳот доирасида тўлақонли функционал таҳлилни амалга ошириш керак.

Ушбу мазмундаги таҳлилнинг можияти бекёёс, чунки у давлат органларида бошқарув функцияларини тақсимлаш механизмидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни мукаммаллаштириш йўлларини, шу жумладан, АҚТ имкониятларини жорий этиш нуқтаи назаридан белгилаш имконини беради.

Давлат бошқарув органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий дастурларини ишлаб чиқиши ва уларни босқичма-босқич амалиётга татбиқ этишини йўлга кўйиши масаласи мувофиқлаштирилган ҳолда ягона андозалар асосида ҳал қилиниши кўзланган мақсадга олиб келади.

Чунки давлат органларининг аксарияти ўзларига юқлатилиган вазифаларни замонавий услубда ечилишини таъминлаш мақсадида кичик ҳажмдаги ихтисослашган дас-

турлар яратишида ва улар асосида иш юритишни йүлга қўйишади. Яратилган дастурлар ва ахборот тизимлари, асосан, алоҳида тузилмалар манфаатлари учун ишлайди ва факат идоравий вазифаларни ҳал этади. Ҳар бир идора үз ахборот тизимларини ишлаб чиқади ва қўллаб-куватлайди. Улар, одатда, бошқа идоралар ахборот тизимлари билан деярли боғланмайди, барча қизиқкан фойдаланувчиларга ахборотдан фойдаланиш имкониятини яратмайди. Оқибатда маълумотларнинг такрорланиш ҳоллари кўпайиб кетади, тизимларни ишлаб чиқиши ва ишлатиш жараёнлари қимматлашади, бирламчи ахборот тўплаш ва уни зарур даражада сақлаб туриш қийинлашади.

Бундай ҳолат, одатда, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш харажатларининг тизимли равишда, яъни мувоффиклаштирилган ҳолда ташкил этилмаганлиги сабабли вужудга келади. Ҳар бир давлат органи үз имкониятидан келиб чиқиб, маълум даражадаги техник ва дастурлаш воситаларини харид қиласди, ўзи лозим топган масалаларни “автоматлаштиради”, ўзи билган дастурлаш тилида автоматлаштирилган иш жойларини яратади. Оқибатда, яратилган ахборот тизимлари бир-бирлари билан боғланниб, тарқоқ ҳолдаги ягона ахборот тизими шароитида фаолият кўрсата олмайди.

Албатта, давлат бошқарув тизимини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш давлат бюджетидан бир-мунча харажатларни талаб этади. Лекин ҳар бир давлат органи учун алоҳида қилиб яратилган ахборот тизимларини ишга туширишга кетган харажатларнинг ҳажми ҳам кам бўлмайди, айрим ҳолларда улар давлат бюджетида кўрсатилган рақамлардан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Давлат органлари фаолиятини АҚТ имкониятлари асосида ташкил этиш учун ҳар бир даражадаги давлат органига мос келадиган андозалар ишлаб чиқилиши керак. АҚТни давлат органларига жорий этиш харажатларини давлат бюджетининг алоҳида бандида факат режалаштирилган бошқарув ахборот тизимларини яратиш учун ажратилган маблағлар асосида коплаш мақсадга мувофик бўлади. Агарда

ахборот-коммуникация воситалари харажатлари бошқа турдаги харажат бандларига тарқатиб юборилса, ушбу тизими молиялаш күзланган натижаны бермаслуги мумкин. Бундай ҳолат маблагларнинг мақсадли сарфланишини мониторинг қилиш жараёнларининг мураккаблашишига олиб келади.

Давлат органлари бошқарув фаолияти ахборотларининг ошкоралигини таъминлаш мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунга фақат АҚТ воситалари ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Интернет тармоғида давлат ҳокимияти портали яратилади, унинг бош саҳифаси давлатнинг бошқа тузилмалари – веб-сайтлари билан боғланади, уларга жойлаштириладиган маълумотлар уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ўрнатилади. Веб-сайтларда янгиликлар, ҳисобот хужжатлари, электрон нашрлар, директив хужжатлар ва бошқа очик турдаги хужжатлар ёритилади. Ахборотлар мунтазам равишда янгилаб турилади, акс ҳолда портал ва унинг маълумотларига бўлган эътибор кескин сусайиб кетади.

Давлат бошқарувига АҚТ имкониятларини жорий этишда марказий масалалардан бири – янги тизим асосида давлат хизматчилари қандай фаолият олиб боришади, деган саволга жавоб бериш ҳисобланади.

Чунки давлат бошқарувига АҚТ босқичма-босқич жорий этилиши натижасидаги давлат бошқарув органларининг фаолияти комплекс хусусиятга эга бўлиши ва унинг асосида кўрилаётган масалалар ҳам тактик, ҳам стратегик бўлиши барча даражадаги давлат хизматчиларига бевосита боғлик.

АҚТ асосидаги янги тизимларни ишлаб чиқиши қанчалик кўп меҳнат ва чукур билимларга эга бўлган мутахассисларни талаб этмасин, яратилган тизимлар асосида ҳар хил дунёқараш ва билимга эга бўлган ходимларни янги тизим асосида иш юритишга ўргатиш осон кечмайди.

Шу сабабли, уларни АҚТ шароитидаги фаолиятини ташкиллаштириш механизмини ишлаб чиқиши мухим аҳами-

ятта эга. Агарда ходимларнинг малакаси янги тизим шароитида иш юритишга мослаширилмаса, давлат органларининг фаолияти эскитдан шаклланыб келган тизим асосида олиб борилаверади, режалаштирилган ислоҳотлар амалга оширилмай қолаверади, яъни янги тизимни жорий этиш жараёни расмий амалга айланыб қолади ва давлат хизматчиси фаолиятининг шаклланган чизмасига таъсир этмайди.

Натижада давлат мансабдорларининг АҚТ асосидаги тизимларга бўлган муносабати амалий муаммоларни ечишдан кўра, кўпроқ “имиидж” мақсадлари учун зарур бўлган навбатдаги воситага айланыб қолади.

Бундай ҳолатта йўл қўймаслик учун давлат хизматчиларини АҚТ тизимлари асосида фаолият юритишларини ташкиллашиб чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Биринчи навбатда, уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб иш юритиш даражасини баҳолаш йўлларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Умуман, давлат ходимларининг АҚТ тизимлари асосидаги фаолиятини “raigbatlanтириш” тизимини шакллантириш керак бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги давлатларнинг бошқарув тизимига АҚТ имкониятлари бир мақсадга йўналтирилган ҳолда тизимли равишда босқичма-босқич жорий этиб борилиши натижасида уларда ҳам ривожланган давлатлар фаолиятида жорий этилган “Электрон ҳукумат” тизимига мос тизим яратилади.

Мазкур бобнинг кейинги бандларида “Электрон ҳукумат” тизими, унинг таркибий модуллари ва имкониятлари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

3.2. “Электрон ҳукумат” ахборот тизими ва унинг таркибий модуллари

Юқорида қайд этилганидек, давлат органлари бошқарув фаолиятининг замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиниши, уларнинг кўп қиррали фаолиятини қофозсиз иш юритиш технологияси асосида ташкил эти-

лишига, аҳолига кўрсатилаётган хизматларининг сифатини бир неча погонага кутарилиши ва ҳукумат билан бизнес ташкилотлари ўртасидаги муносабатларнинг такомиллашиши, бир сўз билан айтганда, “Электрон ҳукумат” тизимининг яратилишига олиб келади.

“Электрон ҳукумат” тизими давлат тузилмалари томонидан жамиятнинг ҳар хил қатламларига кўрсатиладиган хизматларни янгича ташкил этиш, юқори сифат даражасида амалта оширишга йўналтирилган бўлиб, давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги жаҳондаги энг муҳим замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади. Уни яратиш гояси ахборот технологияларининг оламшумул ютуқлари эмас, балки шу тенденцияларнинг оқубати, деб тушунилади¹.

Ийигирманчи асрнинг 70-80 йилларига келиб, жаҳондаги айрим ривожланган мамлакатлар ўз давлат бошқарув органларининг фаолиятида қатор муаммоларга дуч келдилар: катта харажатлар, самарасиз бошқарув жараёнлари ва қониқарсиз натижалар.

Катта харажатлар – давлат бошқарувидаги муассасалар фаолиятини қоплаш учун катта маблағ талаб қилинди ва унинг ҳажми кескин ошиб борди.

Самарасиз бошқарув жараёнлари – давлат бошқарув секторида ҳужжатлар йўқолиши, маълумотларнинг ўз вактида етказилмаслиги ва кечиктирилиши, бошқарувнинг ёмонлашуви, коррупциянинг кучайлиши ва бошқа самарасиз жараёнларнинг оргиб бориши ҳисобига давлат маблағларининг давлат муассасалари хизматларига ўзлаштирилиш жараёнлари самарасиз ҳолда амалта оширилди. Натижада, давлат хизматчилари томонидан қабул қилинган қарорлар жамоатчилик талабларига жавоб бермай қўйди, қарор қабул қиласидиган раҳбар шахслар ахборот манбалари ва реал ҳаётдан анча узоклашди, “давлат чиновник”лари ўзлари қабул қиласиган қарор ва хатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликни ҳис этмай қўйдилар.

¹ Материал қўйидаги Интернет манзилидан олинган: <http://www.iefb.agtu.ru/dist/biblio/eGovernment/newsletter/issue13.htm>

Қониқарсиз натижалар - айрим мамлакатларда давлат сектори ташқи ва ички хавфсизликни таъминлаш ишларидан бошлаб, то қишлоқ хўжалиги, таълим, соғликни сақлаш, майший хизмат ва бошқа соҳаларни қўллаб-куvvatлаш бўйича бажарилиши зарур бўлган ишларни амалга оширишга кодир бўлмай қолди.

Йигирманчи асрнинг 90-йилларида Америка Кушма Штатлари ва бошқа мамлакатларда давлат органлари ва бошқарув тизимларини кам харажат ҳисобига самарали фаолият кўрсатишига эришиш мақсадида уларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш борасида кетма-кет бир неча ишлар амалга оширилди.

Ислоҳотлар давлат аппарати штатларини қисқартириш, ички норматив ҳужжатлар сонини камайтириш, давлат муассасаларининг фаолиятига сифатли хизмат кўрсатиши андозаларини (стандартларини) жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқа ўзгартиришларни ўз ичига олди

Хукуматни кардинал ислоҳ қилиш жараёнида ислоҳотларни факат замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари асосида амалга ошириш кўзланган натижани бериши мумкинлиги аниқланди. Чунки ахборот технологиялари:

- давлатнинг стратегик ресурси ҳисбланган ҳар қандай хукумат ахборотларини бошқариш, қайта ишлаш;
- ахборотдан кўп марта фойдаланиш ва тарқатишни таъминлаш (тизимга бир маротаба киритилган ахборотдан бир неча фойдаланувчи кўп марта фойдаланиши мумкин);
- электрон шаклдаги ахборотни ўзаро оператив узатиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- ахборотни сақлаш;
- ахборот билан ишлаш жараёнларини мунтазам тақомиллаштириб боришини таъминлайди.

Шундай қилиб, ислоҳотлар дастурларида ахборот технологиялари пайдо бўлди. “Электрон хукумат” тизимлари асосида аҳолига хизмат кўрсатиши йўналишигина алоҳида эътибор қаратила бошланди.

“Электрон хукумат” тизими қуйидаги таркибий модуллардан ташкил топади



14-чизма. “Электрон хукумат” тизимининг таркибий модуллари

1. G2G (government to government) - хукумат – хукуматга.

Инtranет – корпоратив давлат ахборот тармоғи (ягона давлат интернет-порталы) асосида электрон хужжат айланниши ягона тизимига асосланган давлат бошқарув органлари ўртасидаги алоқаларга йуналтирилган. Қуйидаги давлат идоралари модулнинг иштирок этувчилари ҳисобланади:

– Олий Мажлис (куйи ва юқори палата), Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси;

- вазирликлар, идоралар ва давлат ташкилотлари;
- территориал бошқарув органлари (хокимликлар);
- маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари;

2. G2B (government to business) - хукумат – бизнесга.

Модул иктисодиётни эркинлаштириш, давлат порталида «тижорат майдонларча»ларини ташкил этиш, электрон тиҷоратни ташкил этиш масалаларига йўналтирил-

ган. Унинг иштирок этувчиларини давлат бошқарув органдари, товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, фермерлар, тижорат банклари ташкил этади.

3. G2C - ҳукумат аҳолига (government to client).

Модул аҳолига электрон шаклдаги давлат хизматларини амалга ошириш, давлат электрон хизматлари реестрини яратиш, аҳолининг фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш масалаларига йўналтирилган. Унинг иштирок этувчиларини ҳукумат органлари, фуқаролар, аҳолининг турли қатламлари (аёллар, ёшлар, тадбиркорлар, солик тўловчилар, ўқувчилар, талабалар, ишсизлар, ва ҳ.к.) ва сайловчилар ташкил этади.

3.3. «Электрон ҳукумат» тизимининг давлатга, аҳоли ва бизнес тузилмаларига яратадиган қулайликлари

Куйида ҳар бир модулнинг масалалари ва уларнинг ҳал қилиниши оқибатида яратиладиган қулайликлар тўғрисида маълумотлар келтирилади.

“Ҳукумат-ҳукуматга” модулининг асосий масалалари:

- давлат бошқаруви органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумотлар базасининг интеграциялашган ягона ахборот маконини яратиш;
- ҳукумат тузилмалари уртасидаги ҳужжат алмашув жараёнларини тезлаштириш;
- давлат қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш, қарор қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш жараёнларини оптималлаштириш;
- айрим ҳукумат органи ва ходимлари фаолиятини назорат қилиш имкониятларини кучайтириш;
- давлат ходимлари уртасида рақобатни кучайтириш ва уларнинг малакасини ошириш;
- коррупцияни йўқотиши.

Ушбу масалалар ечилиши оқибатида:

- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлиги ошади: тегишли порталлар орқали у ёки бу давлат муассаси-

га кириш бир зумда амалга оширилади ва навбатда туришларни талаб қилмайди;

– шахсан ҳозир бўлиш ва идорама-идора юришнинг ҳожати бўлмайди: давлат органларига ҳужжатлар бериш ва тегишли давлат хизматларидан фойдаланиш фуқаролар ва бизнес субъектларига Интернет ресурсларига кириш мумкин бўлган ҳар қандай жойдан (шу жумладан, мамлакат ташқарисида бўлган ҳолда ҳам) таъминланади;

– бир хил типдаги маълумотлар, гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни давлат органларига кўп марталаб тақдим этиш зарурияти йўқолади: керакли ахборот давлат бошқарувининг корпоратив тармоғига бир марта киритилади ва ундан кўп марта фойдаланилиши мумкин бўлади;

– давлат бошқаруви корпоратив тармоғининг исталган бўғинига киритилган ахборот электрон почта воситалари орқали барча манфаатдор давлат органларига узатилади ва уларнинг жавоблари биринчи марта мурожаат қилинган нуқтада жамланади.

“Хукумат аҳолига” ва “хукумат бизнесга” модулларининг асосий масалалари:

– бюрократиянинг олдини олиш;

– хукумат тузилмалари фаолиятида аҳолига хизмат қўрсатиш йўналишларини кучайтириш ва жорий этиш;

– солик декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловларни: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳоказоларни амалга ошириш;

– фуқаролик ҳолатининг далолатномаларини расмийлаштириш (масалан, бола туғилишини);

– шахсий ҳужжатларни – паспорт, ҳайдовчилик хукуки ва ҳоказоларни расмийлаштириш;

– фуқароларни доимий ёки вақтингча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш;

– шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик маслаҳат бериш хизматларини бажариш;

– иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржаларининг хизматини амалга ошириш;

– соғлиқни сақлаш тизими хизматлари – интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва х.к.

– масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш;

– ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар ҳақини тұлаш ва б.

“Хукумат бизнесга” модулининг асосий масалалари:

– мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни фаоллаштириш; – давлат менежментини оптималлаштириш, бизнес жараёнлари харажатларини камайтириш;

– бизнес тузилмаларини қоғозбозлик ва маъмурий түсінілдерден бартараф этиш;

– давлат бошқарувининг ортиқча бүгінларини қисқартириш ва ҳужжатлар алмашуvinинг рақамли технологияларини көнг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини тезлаштириш, соддалаштириш ва арzonлаштириш;

– қонунлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб ресурсларни белгиланган мақсадга йўналтириш ва эркин бошқариш;

– юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ олиш.

Шундай қилиб, “Электрон хукумат” тизимининг давлат бошқарувига көнг миёсда жорий этилиши оқибатида:

– фуқароларнинг маълумотнома, гувоҳнома ва ҳоказо ҳужжатлар олиш учун шахсан ўzlари давлат муассасаларига келишлари зарурати қыскаради, истиқболда - бундан бутунлай халос қиласи, сурловларга хизмат кўrsatiш тезлигининг ошиши ва кутиш вақтининг камайтиши хисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши ентилашади;

– давлат харидлари ва буюртмалари бўйича тендерларни ташкил этиш, давлат инвестиция ва инновация лойиҳалари, ижтимоий дастурларни амалга ошириш соҳасида давлат ва бизнес корхоналарининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги самарали амалга оширилади;

- аҳоли ва бизнес субъектларига давлат хизматлари-

ни кўрсатиш учун зарур бўлган мухит яратилади. “Электрон ҳукумат” тизимининг G2B ва G2C шаклларининг жорий этилиши фуқоролик-ҳукуқий ва хўжалик-ҳукуқий муносабатлар инфратузилмасини ташкил этувчи B2B (бизнес-бизнесга) ва B2C (бизнес-аҳолига) муносабатлари билан табиий равишда тўлдирилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, куйидаги хуносага келиш қийин эмас:

“Электрон ҳукумат” тушунчаси кенг маънода қуйидаги тўрт компонентни ўз ичига олади:

- ҳукумат ўзига юклатилган масалаларни электрон сервиснинг ҳамма қуриニшлари (интернет, уяли алоқа, раками телевидение хизматларни бажариш маркази ва х.к.) асосида аҳоли, фирма, жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари ва чет элликлар билан ўзаро муносабатларни таъминлайдиган функционал давлат инфокоммуникация тизими;

- ҳукуматнинг ташки ишлари бўйича ахборот тизими ёки ҳукумат тармоқ портали, ёки миллий ривожланиш Интернет портали;

- электрон ҳужжат юритиш тизимини ўз ичига олган ҳукуматнинг ички ишлари бўйича ахборот тизими (муҳосиблик, ходимлар ҳисоб китоби ва б.);

- комплекс ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тизими.

Тор маънода “Электрон ҳукумат” тушунчаси биринчи ҳамда икки компонентлардан ташкил топади ва ҳукумат томонидан кўрсатиладиган хизматлар билан чекланади.

Банднинг якунида “Электрон ҳукумат” тизими жамоатчиликка ва оддий инсонларга (а), давлат тузилмаларига (б) ҳамда бизнес жараёнларига (в) нима беради, деган саволга жавоб берамиз:

а) оддий инсонларнинг давлат бошқарув қарорларини қабул қилишга ўз таъсирини ўтказиши жараёни анча енгиллашади, оддий фуқароларнинг фикрлари “юқорида” эшитилади ва улар бўлаётган ўзгаришларда ўзларининг ҳам иштироклари борлитини сезадилар. Давлат лойиҳа-

лари фақат ҳукумат томонидан эмас, балки фуқаролар томонидан ҳам аниқланган йұналишларга асосланади;

- давлат ташкилотлари томонидан жалқа күрсатила-ётган хизматларнинг сифати ошади;

- турли даражадаги давлат муассасалари үrtасидаги үзаро муносабатларининг самарали ташкил этилиши натижасида инсонлар бир нұктада туриб давлат хизматларининг комплекси билан таъминланишига имкон яратилади;

- ахолининг ҳукумат мікёсидеги (“юқоридаги”) янгиликлардан хабардорлық даражаси ошади, уларда давлат қонунлари, тартиблари, сиёсат ва бошқа хизматлар буйича көнг қамровли ва эңг янги ахборотлар билан танишиб бориш имконияти пайдо бўлади. Фуқароларнинг давлат билан үзаро муносабатлари осонлашиши оқибатида уларнинг ҳаёти енгиллашади. Ахолининг давлат ахборотлари билан мунтазам танишиб бориши, уларга ўз имкониятларидан тулиқ фойдаланишига имкон яратади;

- шикоятларни кўриб чиқиши жараёнлари тезлашади ва улар адолатли ҳал қилинади;

- жамоатчилик фикри тасодифий маълумотларга эмас, балки аник ахборотларга асосланган ҳолда шаклланади;

- ҳукумат фаолиятининг көнг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши ортади, бу, ўз навбатида, коррупция даражасининг пасайишига олиб келади ва ҳ.к.;

б) қарор қабул қилиш учун керак бўладиган ахборотларни тез олиш имкони яратилади;

- давлат органлари муассасалари үrtасидаги үзаро муносабатлар енгиллашади, ахборот алмашуви жараёнлари самараси ошади, хизматларнинг интеграллашуви ва харажатларнинг камайишига олиб келади;

- маҳаллий ҳокимият ва нодавлат ташкилотлари үrtасида тежамкор самарали алоқа воситаси пайдо бўлади;

- ҳукумат режаларини кам харажат билан ва тез амалга ошириш имкони яратилади;

- маҳаллий ҳукумат даражасида бошқариш ва режалаштириш жараёнлари такомиллашади;

- қизиқиши бор жамоатчиликнинг ҳукумат режала-ри, лойиҳаларини ишлаб чиқишида реал қатнашаш имко-нияти пайдо бўлади;

- жамоатчилик фикри тұғрисидаги объектив маълу-мотларни тез ва деярли харажат қилмасдан олиш мум-кин бўлади;

- кенг жамоатчиликни ҳукумат фаолияти тұғрисидаги ахборотлар билан таъминланиши ўзаро келишмовчилик-ларни минималлаштиришга сабаб бўлади ва ҳукуматнинг ўзиғоясига мос бўлган жамоатчилик фикрини олиш эҳти-моли ошади;

- демократик жамият қурилишининг асосий муаммоси ҳисобланган масала, яъни аҳолининг ҳукуматга ва унинг режаларига нисбатан пассив (лоқайдлик) муносабатда бўлиш муаммоси ҳал бўлади.

в) янги фирмани (корхонани) компьютер олдидан узок-лашмай рўйхатдан ўтказиш имкони яратилади;

- лицензиялар олиш ёки улар муддатини узайтириш жараёнлари тезлашади ва осонлашади;

- компанияларга бизнес жараёнларини ривожланти-ришга янги имкониятлар яратилади. Давлат муассасалари томонидан эълон қилинган тендерларда қатнашиш шарт-шароитлари ҳамма учун бир хил бўлади. Бундай тендерларда қатнашиш учун керакли ҳужжатларни он-лайн режимида бериш мумкин бўлади;

- божхона ҳужжатларини расмийлаштириш жараён-лари тезлашади, оқибатда, юкларнинг божхона пунктла-ридан ўтиш жараёнлари ҳам тезлашади;

- солик ҳужжатларини топшириш анча енгиллашади. ҳисбот шаклларига талабларнинг ўзгарганлиги тұғриси-даги маълумотларни ўз вақтида ва кафолатланган ҳолда олиш мумкин бўлади. Ҳамма янги ҳисбот шаклларини олиб кўриш имкони яратилади;

- давлат статистика органларига ҳисботларни электрон шаклда ҳафтанинг етти кунида кечаю кундуз (яъни, ҳар куни 24 соат мобайнида) топшириш мумкин бўлади;

Шундай қилиб, “Электрон ҳукумат” тизимидан келадиган фойдани умумлаштирилган ҳолда қуидагича ифодалаш мүмкін:

- оддий аҳоли ва бизнес корхоналари давлат ахборотлари ва хизматларига ҳеч қандай түсінілсиз чиқишлиари мүмкін бұлади;
- хизматларнинг бутун цикли онлайн режимінде амалга оширилиши, иш жараёнларининг оптималлашиши ва тез амалга оширилиши оқибатида күрсатиладиган хизматларнинг сифати ошади;
- аҳолининг ҳамма қатламларига демократик жараёнларда фаол иштирок этишлери учун кенг имконият яратылади.

3.4. Давлат органи бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизими (жаһон тажрибаси)

Европа, Осиё ва бошқа қытъалардаги ривожланған мамлакатларда “Электрон ҳукумат” (кейинчалик электрон ҳукумат) тизими икки түшүнчә билан фарқланади. Уларда бошқарувнинг электронлаштирилиши «электрон маъмурият» ва «электрон демократия» түшүнчалари орқали тавсифланади.

Электрон маъмурият – ахборот ва коммуникация технологиялари асосида ҳукумат томонидан фуқароларга ҳар хил ижтимоий хизматлар күрсатилиши.

Электрон демократия – сиёсий ахборотлардан фойдаланиш мүмкінligи, уларнинг очик-ошкоралиги, Интернет ёрдамида давлат ва жамоатчилик институтларининг иштирокида фуқаролар ва ташкилотларнинг үз жамоатчилик фикрларини шакллантириш жараёнларини демократик тарзда ташкил этилиши.

Давлат бошқарувида электрон ҳукумат тизими жорий этилишининг дастлабки күнларидан оқ, электрон демократия электрон маъмурият билан биргаликда қаралиши керак, деб ҳисобланади. Агарда, биринчи навбатда, фуқароларга фақат электрон хизматлар күрсатилишига эътибор бериладиган бўлса, кейинчалик демократик иш-

тирок этиши воситаларининг жорий этилиши анча қийин кечиши мумкин бўлади.

Хар бир давлатда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш унинг ички ва ташқи фаолиятдаги хусусиятларидан келиб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширилади.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш оқибатида ҳукумат органлари фаолиятини ахборотлаштириш масалалари, асосан, бешта босқичда амалга оширилади, деган холосага келиш мумкин:

- давлат муассасалари фаолиятини онлайн режимида (яъни, қоғозсиз иш юритиш технологияси асосида) амалга оширилишини таъминлаш;

- расмий ҳукумат муассасаларининг Интернет тармоғида намоён бўлишини таъминлаш, ҳукумат сайтларининг сонини кўпайтириш ва уларда шакллантирилаётган ахборотларнинг динамик режимда фойдаланилишига эришиш;

- интерактив ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, яъни фойдаланувчиларга ҳар хил расмий хужжатлар шаклини ёзиб олиш, расмий электрон почтани олиш ва Web-сайт асосида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиши имоннинтини яратиш;

- фойдаланувчиларнинг онлайн режимида ҳар хил транзакциялар (соҳа бўйича аниқ ахборотлар (маблағлар, шу жумладан) билан алмасиши) ўтказишини реал амалга ошириш;

- маъмурий чегаралар доирасида электрон хизматлариниг тўлиқ интеграциясини таъминлаш, яъни кенг миқёсда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиши.

Интернет ахборот тармоғидан электрон ҳукумат тизимини яратиш бўйича олинган статистик маълумотларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 191 давлатларнинг 169аси (88,9 фоизи) ахборот ва хизматлар кўрсатиш мақсадида Интернетдан маълум даражада фойдаланганлиги қайд этилган¹.

Дунёнинг турли минтақа ва мамлакатларидаги электрон ҳукумат тизимларининг яратилиш тажрибасини таҳ-

¹ Интернет тармоғининг www.un.org манзилидан олинган

лили натижасида, уларни учта асосий тузилмавий моделларга ажратиш мумкин. Улар жорий қилинган минтакалариға қараб, америкача, европача ва осиёча моделлардан иборат.

Америкача модель АҚШ ва Канадада ривожланган бўлиб, биринчи навбатда, фуқаролар ва бизнес вакилларининг давлат идоралари билан мулоқотини енгиллаштириш ва арzonлаштиришни ўзига мақсад қилган.

Европача модель Фарбий, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида электрон-давлат тузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Бу модел Европадаги давлатлараро муассасалар – Европарламент, Еврокомиссия, Европа суди каби ташкилотларнинг ташкил қилиниши билан боғлик. Мазкур муассасаларнинг тавсиялари Европа мамлакатларида бажарилиши мажбурийдир. Шунинг учун, қайд этилган муассасалар томонидан таклиф этилган мазкур модель Европа Иттифоқининг барча мамлакатларидаги шарт-шароитларни тенглаштириш ва «e-government» (электрон хукуматнинг инглизча номи) нинг фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Осиёча модель Сингапур ва Жанубий Кореяда жуда ҳам ривожланиб келмоқда. Осиёча модель Осиё мамлакатларидаги бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, корпоратив маданиятнинг тури ҳамда иерархик пирамида қоидасига асосланиб ташкил қилинган кўп қатламли давлат бошқарувига таянади.

Охирги пайтда Интернетдаги хукумат сайtlари тобора оммавийлашиб бормоқда. Жаҳон тармоғининг фаол ривожланиб бориши, аксарият мамлакатлар хукумат органдарини ўз фаолиятларининг электрон таркибий қисмини янада ривожлантиришга мажбур қилмоқда.

«Taylor Nelson Softres» компанияси охирги тадқиқотида 31 та мамлакатдан (Австралия, Канада, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва Европанинг бир қатор мамлакатларидан) 28 минг кишини сўровга жалб қилган. Тадқиқот натижалари бўйича, хукумат тақдим этувчи хизматлардан фойдаланиш мақсадида бутун жаҳон тармоғи-

га мурожаат этувчилар сони охирги йилларда ортиб бормоқда, аҳолининг деярли 30%и турли давлат муассасаларининг сайтларига мурожаат этганлигини қайд этган.

Мазкур тадқикот маълумотларига кўра, кишилар хукумат ресурсларига, аввало, ахборот олиш учун мурожаат қилмоқдалар. Шу билан бирга, кейинги пайтда мазкур ресурслар орқали битимлар тузувчи, шахсий маълумотларга оид хизматлардан фойдаланувчи аҳоли фойзи кўпайиб бормоқда.

Кўйида ривожланган давлатларнинг бошқарув жараёнларига “Электрон хукумат” тизимини босқичма-босқич жорий этилганлиги ҳакида маълумотлар келтирилади.

Америка Кушма Штатлари (АҚШ)да, биринчи навбатда, ахборот жамиятини ривожлантиришнинг умумхуқуқий базаси яратилди (3-жадвал). Фуқароларнинг хукумат ахборотига кириш хукуқларини белгилаб берувчи “Ахборот эркинлиги тўғрисида” ги Конун қайта ишланиб қабул қилинди. Сунг электрон савдо ва электрон хужжатлар айланмаси ва унинг истиқболларини белгилаб берувчи “Халқаро ва миллий тижорат муносабатларида электрон имзолар тўғрисида” ги Конун кучга кирди. Ахборот жамияти шароитида хукумат ўзининг фаолиятини такомиллашибтириш бўйича чора-тадбирлар тайёрлади ва амалга ошириди. XX асрнинг охирларида “Қоғоз хужжатлар айланмасини камайтириш тўғрисида”, “Ахборот технологияларидан фойдаланишни ислоҳ қилиш тўғрисида”, “Хукумат муассасаларида қоғоз хужжатлар айланмасидан холос бўлиш тўғрисида” ги конунлар қабул қилинди.

Мазкур Конун барча Федерал муассасаларга ахборот технологияларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатишга ҳар томонлама мукаммал ёндашиш мажбуриятини қўйди. Мазкур Конун доирасида фаолиятнинг аоссий йўналишлари сифатида ҳаракатларни муассасалараро мувофиқлаштириш, ахборот технологиялардан фойдаланиш бўйича пилот дастурларни амалга ошириш ва жорий қилиш, ахборот технологияларга капитал сармояларни киритишини режалаштириш ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

3-жадвал

№	Хужжат номи	Хужжатнинг можияти
Америка Кушма Штатлари		
1.	"Электрон хукумат" стратегияси (E-Government Strategy. February 27, 2002).	Стратегияда "Электрон хукумат" яратиш мақсадлари ва коидалари, уни куришда учраши мумкин булган муаммолар ва тўсиқлар ҳамда стратегияни амалга ошириш йўллари баён қилинган, шунингдек, "Электрон хукумат" барпо этишга оид президентният 24 та ташаббуси таърифланган.
2.	"Электрон хукумат түгрисида" ги Конун (E-Government Act of 2002).	Ушбу қонун "Электрон хукумат" камраб оладиган асосий соҳаларни белгилаб беради: <ul style="list-style-type: none"> - давлат электрон хизматлари; - ахборот хавфсизлиги; - молиялаштиришни тасдиқлаш; - маҳфий ахборот ҳимояси ва статистик хисоб-китоб санарадорлиги;
3.	"Ахборот эркинлиги түгрисида" ги Конун (The Freedom of Information Act)	Федерал хукумат уз фаолияти ва муассасалар фаолиятини назорат ҳисоблаш максадида фуқароларга турли муассасаларнинг ҳар турдаги ахборотларини замонавий технологиялардан фойдаланиб, бевосита олиши ҳукуқини таъминлаб бериши шарт. Бунда муассасалар раҳбарлари зиммасига маълумотни ахборот таълаб этувчига қуай куринишда ва шаклда тақдим этиши мажбуриятлари юкландади.
4.	"Халкаро ва миллий тиқкорат муносабатларида электрон имзолар түгрисида" ги Конун	Иш юритиш ва ҳар хил куринишдаги бизнес жараёнларини электрон шаклда ташкил этиши
5.	Коғозли хужжат айланисини камайтириш түгрисида" ги Конун (Paperwork Reduction Act of 1995)	Фуқаролар, кичик бизнес вакиллари, таълим ва тиқкорат ташкилотлари учун Федерал хукумат, штатлар ҳокимиёти, маҳаллий хукумат ва бошқа ташкилотлар билан шартнома тузишда қоғоз айланисини имкон даражасида камайтириши. <ul style="list-style-type: none"> - жамият Федерал хукуматдан ахборот олишида максимал фойданни таъминлаш; - Федерал хукумат фаолиятининг шаффофильтини оширишга йуналтирилган федерал ахборот тизимларининг сифатини ошириш; - Федерал хукуматнинг ахборотни ичиш, яратиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш буйича харажатларини камайтириш, шу билан бирга, ҳусусий ва бошқа муҳофаза қиласадиган ахборотнинг ҳимоясини таъминлаш; - жамиягина зарур ахборотни уз вактида, бир хил ҳукуқ асосида ва қуай шаклда тақдим этиши;



6.	<p>"Хукумат муассасаларида қоғозли иш юритишни тұтатиши түргисідә" ги Конун (Government Paperwork Elimination Act of 1998).</p>	<p>Мазкур Конун "Қоғозда ҳужжат айтаниши камайтириш түргисідә" ги Конун бандларини такомистлаштириш мақсадыда қабул қилинган. У Маъмурй-бюджет бошқармасыта ахборотни юритиши, тақдим этиши ва очиб берішини қоғозда зымас, балки электрон шаклда таъминлаштырылады.</p>
7.	<p>"Ахборот технологияларидан фойдаланыш түргисідә" ги липиджера- озп Конуни (Information technology Management Reform Act of 1996)</p>	<p>Мазкур Конун барча Федерал муассасаларға ахборот технологияларни бошқарып, улардан фойдаланышта уларни тарқатыла ҳар томонлама мүкаммал ёндаши мажбуриятини қўйди. Мазкур Конун доирасида фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида ҳаракатларни муассасалараро мувоффиклаштириши, ахборот технологиялардан фойдаланыш буйича пилот дастурларни амалга ошириш ва жорий қилиши, ахборот технологияларға капитал сармояларни киритишни режалаштириши ва бошқаларни ажратиб курсатиш мумкин.</p>

Ушбу хукуқий ҳужжатлар хукумат идораларининг фуқаролар, тизкорат ва нотизкорат ташкилотлари билан муоммаласида ва хукумат идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган хизматлар кўрсатилишида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланишга имкон яратди АҚШ маъмурияти мамлакатда АҚТ тизимларини ривожлантириши стратегиясини ишлаб чиқди. Кўйида ушбу стратегия қамраб олган соҳаларда эришилган натижаларнинг айримлари келтирилади:

Онлайн режимида хукумат дастурлари мақбуллигини баҳолаш: хукумат дастурлари билан танишишга ва уларнинг мақбуллитини баҳолашга мўлжалланган портал ишлаб чиқилди (1-расм) ва жорий этилди. Бундай ёндашув 4 миллион доллар миқдорида маблагни тежашга ва фойдаланувчиларнинг сўровларини йилига 75000 тага камайтирилишига сабаб бўлди.

Истеъмолчилар билан олиб бориладиган муносабатларнинг идоралараро бошқарилишини таъминлаш мақсадыда ҳар хил дастурлар доирасида таклиф этиладиган умумдавлат хизматлари шахсийлаштирилди, натижада муассасалар ўртасидаги ортиқча операцияларни кескин камайтиришга эришилди.

Солик ҳужжатларини юритиш тизими соддалаштирилди, яъни фуқаро ва корхоналарга онлайн режимида солик ҳужжатлари беришнинг содда, бепул, жағымсыз усулини ишлаб чиқиб жорий этиш оқибатида хатолар сонини камайтиришга ҳамда аник қайта ишлаш марказларидаги юкламаларни пасайтиришга имкон яратилди.

АКШ маъмурияти томонидан мамлакатда АҚТ тизимларини ривожлантириш борасида ишлаб чиқылган стратегиянинг асосий йўналишларидан бири ҳукуматнинг бизнес ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини онлайн режимида ташкил этиш, онлайн режимида қонун ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаси мухокама қилинаётган қонун лойиҳаларини ўз ичига олган ва фуқароларнинг исталган вақтда ва исталган жойда қонун ижодкорлиги жараёни билан танишишларини таъминлайдиган умумхукумат электрон тизимини жорий этиш, фуқаролар ўз фикрини айтиши мумкин бўлган сайtlар ташкил этиш вазифалари билан шугулланишни йўлга кўйиш эди. Ушбу соҳани ривожлантириш оқибатида ҳукумат қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш учун кетадиган маблағлардан камида 1 миллиард доллар ҳажмдаги маблағни тежаш имконига эга бўлди.

Бизнес эҳтиёжлари учун идоралараро ягона Интернет портал шаклланди. Бундай порталнинг ишга туширилиши бизнес корхоналари учун зарур бўлган норматив ахборотларни ва маслаҳат хизматларини бирлаштириди, онлайн режимида лицензиялар олишни таъминлади, оқибатда 20 миллион долларгача маблағ тежалди.

Кадрлар ҳакидаги ҳукумат ахборотларини бирлаштириш, ҳисботлар тузиш жараёнларини мақбулаштириш, “қофоз” даги тартиб-қоидаларга боғлиқликни камайтириш ҳисобига кадр ресурсларини интеграциялашга эришилди.

Бошқа соҳаларда ҳам электрон шаклда иш юритиш асосида самарадорликни ошириш масалалари көнг миқёсда йўлга кўйилди. Бугунги кунда АКШнинг Федерал ҳукумати жуда катта Интернет ресурсларига эга. Улар асосида ҳукумат хизматларининг аксарияти электрон шаклда амалга оширилади.

The screenshot shows the homepage of USA.gov. At the top right is the USA.gov logo and a search bar. To the right of the search bar is a large graphic of the American flag. On the far right, there's contact information: "Toll-free 1-800-4-A-USA (1-800-428-8722)" and "Email: USA.GOV". Below the header, there's a navigation menu with links like "Home", "Search", "About", "Contact", "Help", "Feedback", "Logout", and "My Account". A sidebar on the left lists "David P. Oberle Online" and links to "Text Control One-Page" and "Text Control One-Page". The main content area is titled "Government Information by Topic" and includes sections for "Benefits and Taxes", "Consumer Issues", "Business and Employment", "Family Name and Citizenship", "Health and Welfare", and "Science, Art, and Culture". Each section has a brief description and a list of related topics. To the right, there are two large boxes: one for "Change your life: AA&A" with links to "Get Help Now", "Find an AA or NA Meeting", "Get a Meeting Locator", and "USA.gov AA&NA Events"; and another for "Government Benefits" with links to "Disability Income", "Food Stamps", "Health Insurance", "Housing", "Job Training", "Medicare", "Social Security", "State Benefits", and "Veterans Benefits".

1-расм. АҚШ “Электронхукумат” Интернет Порталы бosh сахифасининг күриши

Канада давлатида ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш бўйича қабул килинган меъёрий хужжатлар рўйхати 4-жадвалда келтирилган. “Электронхукумат” тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ушбу хужжатларга асосланган ҳолда алоҳида “Онлайнхукумат” деб номланган лойиҳа базасида амалга оширилади. Мазкур лойиҳа узок муддатга мўлжалланган бўлиб, унда фуқароларга хукумат билан ўзаро ҳамжиҳатлик қилиш, ахборот олиш, турли дастурларда иштирок этиш, давлат хизматларидан фойдаланиш, Канада давлат ташкилотлари билан биргаликда ахборот технологиялари ёрдамида бизнес билан шуғулланиш имкониятини таъминлаш масалалари режалаштирилган.

4-жадвал

№	Хужжат номи	Хужжатнинг мөхияти
Канада		
1	Канаданинг давлат муассасаларида ахборотни бошқаришга оид концепцияси (Framework for the Management of Information in the Government of Canada, FMI). ⁹	<p>Мазкур концепция давлат ахборотлари ва давлат ахборот ресурсларини бошқаришга оид барча зарур масалаларни тўлиқ таърифлаб беради ҳамда қуидаги мавзуларни қамраб олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат ахборотларини олиш; - ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкони; - тасниф килувчилар ва тезауруслар; - ахборотни электрон шаклда чоп этиш; - электрон почтадан фойдаланиш; - кутубхона архив хизматлари ва ахборотни саклаш; - метамаълумотлар; - электрон ёзувлар\хужжатларни бошқариш; - давлат порталлари; - XML-схемалар.
2	"Давлат аҳамиятидаги ахборотни олиш тўғрисида"ги Конун ва ундан келиб чиқадиган меъёрий актлар (Access to Information Act and Access to Information Regulations)	
3	"Электрон ҳужжатларда хусусий ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конун (Personal Information Protection and Electronic Documents Act)	
4	"Конфиденциаллик (махфийлик) тўғрисида"ги Конун ва ундан келиб чиқадиган меъёрий актлар (Privacy Regulations)	
5	"Ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конун (Copyright Act, 1985)	
6	"Давлат архивлари тўғрисида"ги Конун (National Archives of Canada Act, 1985)	
7	"Давлат кутубхонаси тўғрисида"ги Конун (National Library Act, 1985)	
8	"Давлат тиллари тўғрисида"ги Конун (Official Languages Act, 1985)	
9	"Давлат сири тўғрисида"ги Конун (Official Secrets Act R.S., 1985)	
10	"Статистика тўғрисида"ги Конун (Statistics Act, 1985).	

¹ http://www.cio-dpi.gc.ca/im-gi/fmi-cgi/foundation/legis-lois/legis-lois00_e.asp

Лойиха босқичма-босқич молиялаширилади, уни амалга ошириш учун 160 миллионга яқин Канада доллары ажратилған. Бу ташаббус канадаликларни бирлашириш номли көнг күламли стратегиянинг бир қисми ҳисобланыб, унинг доирасида ҳукумат қонунчилиги ва сиёсати Интернет тармогидан фойдаланиш буйича жамоат жойларини ривожлантириш, маҳаллий ва қишлоқ жамиятларини ушбу тармоқ имкониятларидан көнг миқёсда фойдаланишларини таъминлаш максадларига қаратилған.

Европа мамлакатларида ҳам давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнлари көнг миқёсда олиб борилади. Интернет маълумотларида келтирилған ҳисоботларга қараганда уларда Интернет оммавий сервисларидан фойдаланиш фаоллиги 55 фойиздан ошиб кеттеганилти қайд этилған. Жумладан, Германияда электрон ҳукуматта үтиш лойихаси «Интернет ҳар бир киши учун» деб номланади. Лойиха ахборот жамиятига үтиш фақат барча фуқаролар янги ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган тақдирдагина муваффакиятли бўлади, деган ишончга асосланади. «Интернет ҳар бир киши учун» лойихаси Федерал ҳукуматнинг асосий устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Лойиха ўнта аниқ чора-тадбирни амалга оширишга мўлжалланган:

1. Компьютер саводхонлигини умумий таълимнинг бир қисмiga айлантириш.
2. Мактабларни шахсий компьютер билан жиҳозлашга ҳомийлик қилиш.
3. Ишсиз шахслар учун Интернет орқали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш.
4. Интернетдан шахсий эҳтиёж учун фойдаланишда соликлардан озод қилиш.
5. Электрон ҳукумат ташаббусини кўллаб-кўзвватлаш ва федерал маъмурият хизматларини Интернет тармоғи орқали тақдим этиш.
6. Маҳаллий даражадаги рақобатни кучайтириш.
7. Электрон тижоратни илгари суринш.
8. Ахборот хавфсизлигини ошириш.
9. Ўзини-ўзи бошқариш.

10. Германияни электрон янгилаш йұналиши бүйича ахборот компания яратищ.

Дастурий таъминотни ривожлантириш, ундан фойдаланиш, кенг тарқатиши, сифатли үқитиши ва үрганиши учун “Таълимнинг янги услуги” номли дастур ишлаб чиқылган ва татбик этилган. Уни амалга оширишда дастлаб 400 миллион марка ажратилган бўлса, кейинчалик ушбу мақсадда 600 миллиондан ортиқ маблаг ажратилди. Шунингдек, Германияда бизнес, сиёсат ва жамиятнинг барча жабҳаларини ахборот жамиятига киришига қўмаклашиш мақсадида маҳсус дастур қабул қилинган.

Буюк Британияда давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши ишлари асосан уч йұналишида олиб борилади: хизматлар сифатини ошириш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш, Буюк Британиянинг нуфузини кутариш ва фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириши. Улар 5-жадвалда келтирилган меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади.

5-жадвал

Буюк Британия		
1	“Электрон ҳукумат - ахборот асрида давлат хизматлари учун стратегик шакл” ("e-Government - a strategic framework for public service in information age")	Мазкур хужжат ҳукуматни тақомиллаштиришга оид Оқ китобда (Modernizing Government White Paper) қайд этилган талабларга мувофиқ қабул қилинган ва Буюк Британияниң электрон ҳукумат яратиш соҳасидаги стратегиясини баён қиласди. У фуқаролар ва бизнес тузилмаларга энг яхши хизматларни кўрсатиш ва ахборот ресурсларидан янада самарали фойдаланишига йўналтирилган.
2	“Электрон ҳукуматда ҳамкорлик мұхитини яратиш бўйича йўрикнома” (e-Government Interoperability Framework - e-GIF)	Жамоа да давлат секторлари ташкилотлари учун ахборот тизимларда мослиқка эришиш максадида ҳукуматнинг техник сиёсати ва ихтиносини белгилайди. e-GIF бўйича йўрикнома web-асосли ҳукумат яратиш борасида энг мұхим дастлабки шартларни аниқлаб беради.

3	Электрон хукумат метамаътумотларининг тузилмаси (e-Government Metadata Framework)	Буюк Британиянинг расмий ахборот тизимларида метамаътумотлардан фойдаланиши соҳасидати сиёсатини белгилаб беради
4	Электрон хукумат метамаътумотларининг стандарти (e-Government Metadata Standard - e-GMS)	Бунда ахборот ресурслар метамаътумотларни яратища давлат секторлари томонидан фойдаланиши зарур бўлган унсурларнинг рўйхати мавжуд
5	Электрон ёзувларни бошқарини бўйича йўриқнома (Electronic Records Management Framework)	Мазкур йўриқнома "Электрон хукумат" ва электрон бизнес доирасида электрон ёзувларни бошқариша доир умумий қоидалар ишлашини тъминлаб беради. Ҳукуматни такомилаштириш дастурда (Modernizing Government White Paper) назарда тутилган ёзувларни тилик электрон бошқариш жараёвига устувор вазифаларни аниқайдай.
6	Электрон хукумат учун XML-схемаларни ишлаб чиқиши қоидалари (e-Government Schema Guidelines for XML).	Хужжат e-government стандарти билан мос тушуччи тизимлар учун XML схемаларни яратиш қоидаларини уз ичига олади. Мазкур қоидалар XML схемалар тузилмаси ва мазмунига оид мажбурий талаблардан ҳамда XML схемаларни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши амалий маслаҳатлардан иборат.
7	Хукумат сайtlарини яратиш қоидалари: катта менежерлар учун йўриқнома (Guidelines for UK Government websites: Framework for Senior Managers)	Хукумат сайtlарини яратиш бўйича энг яхши амалий тавсиялардан иборат.
8	"Электрон хукумат" стратегияси Жамоа сектори Web-саҳифалардан фойдаланиши, уларни бошқариш ва лойҳалаштириш бўйича сиёсат ва йўриқномалар. Буюк Британия" (E-government strategy Framework policy and guidelines for the use, management and design of public sector websites.)	Мазкур хужжат Буюк Британия хукуматининг Web-сайtlарини лойҳалаштириш ва улардан фойдаланиш учун қоидаларини 1.0 версияси хисобланади. Бу бошқарув қоидалари шамомет секторидан Интернетдан фойдаланувчи барча ташкилотларга учун алоҳида фуқаролар ва бизнес ташкилотларга ахбороти чоғ этиши ва хизматлар курсатиш учун хизмат қилиди. Қоидаларниң мақсади жамоа секторида фойдаланадиган Web-сайtlарниң самарадорлигини, уларни бошқариш сифатини ошириш ва лойҳалаштириш йўли билан кучайтиришdir.

Бугунги кунда Австралияда 1600 дан зиёд хизматлар турли хукумат муассасалари томонидан онлайн режимида амалга оширилаётганлиги қайд этилган. Давлат томонидан қабул қилинган меъёрий хужжатларнинг тав-

сифи 6-жадвалда көлтирилади. Даромадлар тұғрисидаги барча декларацияларнинг 75 фоизи электрон күринища портал орқали солик бошқармасига келиб тушади.

6-жадвал

Австралия	
1	<p>Ривожланишга киритилдиган инвестициялар, 1997 йил, декабрь. <i>Investing for Growth policy statement, December, 1997</i></p> <p>"Ривожланишга киритилдиган инвестициялар" - Австралия бос вазири томонидан 1997 йил декабрь ойінде амалта оғырылған, Австралия иктисодиётини ривожлантириш борасыда ҳар томонлама стратегия сифатыда көлтирилтән хисоботтады. Ракобаттардошликтен оширишта иктисодий ислохтадар устуңор вазифалар сифатыда хизмат қиласа. 2010 йилгача иктисодий усип 4 % оширишина таъминлаш қайд этилған.</p>
2	<p>Австралияning ахборотлаштирилган иктисодиёт томон ҳаракатига доир стратегияси томон, 1998 йил, июль. <i>Towards an Australian Strategy for the Information Economy: Preliminary Statement, July 1998</i></p> <p>Мазкур ҳужжат - Австралия ҳукуматининг ахборотлаштирилган иктисодиёт томон ҳаракати миллий стратегиясими яратылға оид биринчи ёдаппүвидір. Ҳужжаттің мақсады мазкур масалада бүйічка барча майдаңдар томонларни көңг ижтимой мухокамаға разбатлантиришдан ибораттады.</p>
3	<p>Ахборотлаштирилган иктисодиёт борасыдаги концепция, 1999 йил, январь. <i>A Strategic Framework for the Information Economy, January 1999</i></p> <p>Хужжат ахборотлаштирилган иктисодиёт соҳасидаги миллий стратегиянинг асосий йұналишларини үз ичита олади. Мазкур ҳужжатта күйдатылар белгилаб берилген:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Австралияning ахборотлаштирилган иктисодиёттеги миссиясы. - Ахборотлаштирилган иктисодиёт соҳасидаги миллий стратегияны белгилаб беруучи асосий коидалар. - Австралияning ахборотлаштирилган иктисодиёттеги доир тасаввур. - Мазкур тасаввурдан келиб чиқуучи стратегик устуңор вазифалар. - Максад килинған миссияга ерішиш учун фАОЛиятнинг асосий йұналишлари. <p>Хужжаттің мақсады</p> <ul style="list-style-type: none"> - Австралияда ахборотлаштирилган иктисодиёттеги ривожлантиришнинг стратегик йұналишларини белгилаш за умумий шеклини таъминлаштыруды. - У фАОЛиятнинг асосий муаммолары за устуңор йұналишларини белгилайды, марказий ҳукуматтің штатлар за худудлар билан ҳамкорлықда ишлаб чынадиган чора-тадбірлары тизимини режалаштырыш за устуңор асос булиб хизмат қиласа.

	<p>Ахборотлаштирилган иктисодиёт борасидаги концепция - стратегия таҳлили ва қўшимчалар, 1999 йил, июль. A Strategic Framework for the Information Economy, Strategy overview and update - July 99</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Мазкур ҳужжат - ахборотлаштирилган иктисодиётга ўтиш билан боғлиқ масадаларни ечиш бўйича ҳукуматнинг ҳаракатларига оид таҳлилдир. Ҳужжатда максадлар ва асосий устувор вазифалар белгиланади. Тараққиётни аниқлаш учун бир қатор мезонлар мавжуд. 10 та устувор вазифа кўриб чиқилган; - берча фуқароларнинг ахборотлаштирилган иктисодиётдан олиши мумкин бўлган фойдасини максималлаштириш; - фуқароларда зарур кунишка ва билимларни ривожлантириш; - жаҳон даражасидаги инфратузилмани ривожлантириш; - бизнес учун электрон тиҷорат аҳамиятини ошириш; - электрон савдо учун ҳукукий чегараларни ривожлантириш; - Австралия маданийти ва ахборот иктисодиётидаги контентнинг яхлиларини ва ўсишини таъминлаш; - Австралия АТ-саноатини ривожлантириш; - соғлиқни сакланиш сектори имкониятларини ривожлантириш; - электрон савдо соҳасидаги жалқаро коида ва битимларга таъсир ўтказиш; - ҳукумат он-лайн хизматларини тақдим этишда жаҳон даражасидаги моделларни жорий килиш.
	<p>Ахборотлаштирилган иктисодиёт борасидаги концепция - стратегияларни амалта ошириш бўйича хисобот, 2000 йил, май. A Strategic Framework for the Information Economy Strategy Progress Report - May 2000</p>	<p>Хисоботда ахборотлаштирилган иктисодиёт имкониятларини тақдим этувчи афзаликларга эришиш бўйича ҳукумат ва бизнес томонидан тақлиф этилган мухим ташабbus ва чора-тадбирлар келтирилган. 2000 йилда асосий устувор вазифалар, тараққиёт, келажакдаги вазифалар ва муваффақиятни ўлчаш мезонлари белгилаб берилган</p>
	<p>Энг яхши хизматлар, энг яхши ҳукумат. Федерал ҳукуматнинг "Электрон ҳукумат" яратиш соҳасидаги стратегияси Better Services, Better Government. The Federal Government's E-Government Strategy, 2002.</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Бу стратегия Федерал ҳукуматнинг ҳукумата тегишли ахборот ва хизматларини оддий тақдим этилдан энг янги технологияларга асосланган ҳукумат хизматларини тақдим этиш ва давлат бошқаруви соҳасидаги мураккаб интеграллашган иловаларга ўтишини таърифлаб беради. Стратегия кўйидаги асосий максадларга эришишни белгилайди: - АКТга давлат инвестицияларини киритиш самарадорлиги ва фойдасини ошириш. - давлат хизматлари ва ахборотдан куляй фойдаланишни таъминлаш. - айнан фуқаролар ва бизнесга зарур хизматларни кўрсатиш. - интеграллашган хизматларни жорий килиш. - фуқароларнинг ишончига ва боадаблигига эришиш. - фуқароларни давлат бошқаруви жараёнига жалб этиш.

7	<p>Австралия хукуматида муассасаларо ҳамкорлик мухитини яратиши буйича техник йўриқнома.</p> <p>Interoperability Technical Framework for the Commonwealth Government, 2003</p>	<p>Мазкур йўриқнома Австралия хукумати ахборот тизимларининг ҳамкорлиги ва ахборот билан алмашувини таъминлаш берувчи мувофиқлаштирилган технологик стандартларини белгилайди.</p> <p>Йўриқнома фуқаролар, бизнес ва умуман жамият эҳтиёжларига мувофик, хукумат хизматларини оптималлаштириши мақсадида интеграллаш учун электрон макон яратиши йўлидаги биринchi қадамдир.</p> <p>Йўриқнома, янги технологик андозалар қабул қилиниши ҳамда маъмурӣ ва бизнес-жараёнлар узгариши билан юнитланниб борувчи ҳужжатдир.</p>
8	<p>"Давлат ёзувлари тўғрисида"ги Конун, 2000.</p> <p>State Records Act 2000</p>	<p>Конун бутун давлат ахборотини (ижтиёрий ахборот ташувчида) ёзувлар куринишида белгилайди.</p> <p>Барча идоралар сақлаб туритувчи барча ахборот (ёзувлар) рўйхатини тузиша мажбурлар.</p> <p>Давлат ахбороти билан ишловчи давлат комиссияси (State Records Commission) давлат идоралари ёзувлари хукумат ахборотини маънайтиш ахборот формати ва сақлаш муддатини белгилайди.</p>
9	<p>"Электрон транзакциялар тўғрисида"ги Конун, 2000.</p> <p>Electronic Transactions Act 2000</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Конуннинг мақсади - куйидагиларни ўз ичта олган хукуқий чегараларни яратишидир; - Австралияниң ижтимоий ва иқтисодий фарованиелигини таъминлаш учун ахборотлаштирилган иқтисодиётнинг мухим титини тан олади; - электрон транзакцияларни амалга оширишга кўмаклашади; - бизнес ва жамиятнинг электрон транзакцияларга ишончини оширишга кўмаклашади; - хукумат билан ҳамкорлик қўлинида бизнес ва жамиятга электрон коммуникациялардан фойдаланиш имкониятини беради.
10	<p>"Ахборот эркинлиги тұғрисида"ги Конун, 1982.</p> <p>The Freedom of Information Act, 1982</p>	<p>Мазкур конуннинг мақсади - Австралия фуқароларига хукумат ахборотини олиши хукуқини имкон даражасида кучайтиришидир. Хусусан, Конун барча хукумат муассасаларидан ташкил қилиниши, фАОЛЯТИ ва вазифалари ҳамда жамиятга таъсир курсатувчи қарорни қабул қилиш қоидалари ва мезонлари хақида ахборотни тақдим этишини талаб қиласди.</p>
11	<p>"Хусусий ахборот тұғрисида"ги федерал Конун, 1988.</p> <p>Commonwealth Privacy Act 1988</p>	<p>Конун шахсий ахборотни йиғиши, сақлаши, фойдаланиш, тарқатиши ва узатиши қоидаларини белгилайди.</p>

“Электрон ҳукумат” тизимини яратиш ва босқичма-босқич жорий этиши бүйілчә Сингапур тажрибаси еътиборга лойик.

Бугунғи кунда Сингапур давлати жаһонда “Электрон ҳукумат” тизими эңг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда “е-ҳукумат” ресурсларини яратиш жараени 1981 йылда бошланган. 1995 йылда жаһонда бириңчилар қаторида “е-ҳукумат” сайты фаолият курсата бошлаган. 2000 йили “Сингапур электрон ҳукумат тизими” номли давлат дастури қабул қилинган ва ишга туширилған. Лойиҳага 1,5 миллиард доллар маблағ ажратылған бўлиб, бунда “ракамли иқтисодиёт” шароитида ибератли хизмат килишнинг етакчи “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш мақсад қилиб олинган. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида давлат органларининг “Singapore Government Online” номли интеграллашган Интернет-порталлари ва “Электрон – фуқаро (eCitizen)” сервис-марказлари яратилди. Мамлакатда юридик мақомга эга бўлган электрон ракамли имзо, транзакциялар (якуний аниқ мазмунга эга бўлган ахборотлар битилган ҳужжатлар) асосида иш юритишнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Сингапурда “Электрон ҳукумат” таркиби модулларини ўз ичига олган Интернет-Портал очилган. Унинг бош саҳифасида ҳукумат-ҳукумат, ҳукумат-бизнес ва фуқароларга онлайн режимида интеграциялашган давлат хизматларини курсатадиган ҳукумат-фуқаро менюлари мавжуд.

Ҳар бир модул учун маҳсус Интернет-Портал очилган. Улар бош саҳифасининг кўриниши қўйидаги расмларда келтирилган.

Масалан, ҳукумат-фуқаро Порталининг контенти (мазмуни) 14 тоифага бўлинади: бизнес, мудофаа, таълим, сайловлар, иш, оила, соғлик, уй-жой, кутубхона, дам олиш, хавфсизлик, спорт, транспорт, саёҳат.

Онлайн хизматларининг тўлиқ доираси спорт мусобақаларига чипталарни брон қилиш, врач қабулига ёзилиш, йўл солиги тўлаш учун маълумотларни тақдим этиш, фуқаролик никохларини рўйхатдан утказиш, янги жойга кўчишни расмийлаштириш, янги компанияларни рўйхат-

The screenshot shows the official website of the Singapore Government. At the top, there's a navigation bar with links for 'CITIZENS & BUSINESSES', 'BUSINESS', and 'GOVERNMENT'. The main header features the word 'SINGAPORE' in large letters, followed by 'Government of Singapore'. Below the header, there's a search bar and a link to 'Visit My Service'.

Headlines:

- 1. Singapore announced on Foreign Policy Statement to Singaporeans 2008-2012
- 2. Singapore announced on Scope of Publication on Foreign Policy Underpinning its Singapore 2008-2012
- 3. MICE showcased on National Education with a High-Tech Tang!

Specialized Agencies:

- 1. Singapore Press Holdings
- 2. STBBS (Search and Recovery)
- 3. Woodlands Checkpoint
- 4. TPA (AgriFood) (Khalid)

Ministries:

- 1. Ministry of Communications and Information
- 2. Ministry of Culture, Community and Youth
- 3. Ministry of Defense
- 4. Ministry of Education
- 5. Ministry of Environment and Water Resources
- 6. Ministry of Finance
- 7. Ministry of Health
- 8. Ministry of Home Affairs
- 9. Ministry of Information, Communications and the Arts
- 10. Ministry of Trade and Industry
- 11. Ministry of Transport
- 12. Ministry of Welfare and Community Development
- 13. Ministry of Women and Family
- 14. Ministry of Workforce Skills

Agencies:

- 1. MPA (Maritime and Port Authority)
- 2. PSS (Prisons Service)
- 3. SFA (Singapore Food Agency)
- 4. SIA (Civil Aviation Authority)
- 5. SIS (Singapore Investment Corporation)
- 6. SPC (Singapore Police Force)
- 7. SPPA (Singapore Productivity and Standards Board)
- 8. TGA (Trade Development Agency)
- 9. TTB (Trade and Technical Barriers)

2-расм. Хукумат-хукумат модули Интернет Порталининг бош саҳифаси

The screenshot shows the 'EnterpriseOne' website, which is part of the Singapore Business Centre. The top navigation bar includes links for 'Log In', 'Search', and 'Feedback'.

Business:

Help businesses find the Government information and services they need.

Quick Find:

Use this code to find what best for your business:

- 1. Government Assistance
 - 2. Planning Options
 - 3. Licences & Permits
 - 4. Financial Services

Entrepreneurs:

Get help for a new venture or start Government business.

Systems Maintenance:

Get website up-to-date now!

Events:

Check Friday's Friday Date, 20 Jul 2007.

Business:

Links to business resources and services.

Market Research:

Business intelligence, market research, market opportunities.

Finance:

LOAN INFORMATION SERVICE TO ENTERPRISE SINGAPORE LOANS FOR TRADE

Entrepreneur:

EXPAND YOUR BUSINESS LICENCES & PERMITS FOR YOUR BUSINESS

Trade:

GENERAL TRADE TRADE FAIRS & EXHIBITIONS CONTACTS & TRENDS

Market Research:

GENERAL MARKET TRADE FAIRS & EXHIBITIONS CONTACTS & TRENDS

Finance:

FINANCIAL SERVICES FINANCIAL INSTITUTIONS TERMINATE THE BUSINESS

Events:

Friday's Friday Friday Date, 20 Jul 2007.

3-расм. Хукумат-бизнес модули Интернет Порталининг бош саҳифаси

The screenshot shows the homepage of the eCitizen website. At the top, there's a navigation bar with links for Contact Us, Feedback, and Services. Below that is a search bar and a link to 'Within All Singapore Gov Websites'. The main content area is titled 'Government Services - Do it Online!' and features several modules:

- Cyber CC**: Includes links for 'Feedback', 'Public Housing', 'Uncompleted private residential projects info', and two feedback sections: one for national issues and policies, and another for cutting waste in Government.
- Events Calendar**: Shows a calendar icon and links for 'Get email and SMS alerts' (Passport renewal, Road Tax renewal, Library books due), 'Government newsletters and more', and a 'Login to MyeCitizen' button.
- Culture, Recreation & Sports**: Includes links for 'Events Calendar', 'Holidays', 'Chalets, Parks, Museums & EZ-Link', 'Sports Facilities, Arts Groups, more...', and a 'Check out citizens' testimonials here!' link.
- Finance & Security**: Includes links for 'SAC Exit Permit', 'SAC Overseas Notification', 'Foreigner Status', 'NRIC', 'Report Crime', 'Passport', and more.
- Education, Learning & Employment**: Includes links for 'School Information', 'Library', 'Employment', 'Government Jobs', 'Skills Upgrading', and more.
- Family & Community Development**: Includes links for 'Parenthood', 'Get Married', 'Senior Citizens', 'Donate', 'Volunteer', and more.
- Health & Environment**: Includes links for 'Medical Services', 'Hospital Charging Schemes', 'Save our Environment', 'Bird Flu', and more.
- Housing**: Includes a link for 'Check Out Appovys'.

4-расм. Хукумат-фуқаро модули Интернет Порталининг бош саҳифаси

дан ўтказиш, даромад солиги тұлаш, жарима тұлаш учун декларация тұлдириш ва васиятнома түзиш кабиларни ўз ичта олади. Онлайн хизматлари комплекс күрсатылған. Ягона ном ва парол ёрдамида ҳар бир инсонға факат битта ном ва битта паролни ёдда тутиш ва күплаб онлайн хизматлардан фойдаланиш имконини беради.

Давлат порталыда таълим, ижтимоий доира ва маданият соҳасидаги барча муассасаларнинг интерактив хизматлари көнг миқёсда йүлга күйилған (5-6-7-расмлар).

Сингапур давлати электрон шартномалар асосида иш юритиш бўйича ўз региони ва жаҳон миқёсида ягона Марказга айланышни режалаштирган.

Электрон тижорат ҳажми бир неча юз минг долларни ташкил этади, ийрик компанияларнинг қарийб 100 фоизи Интернет тармогида иш юритиш имкониятига ва онлайн режимида савдо-сотик олиб бориш учун керакли ресурс ва давлат сервисларидан фойдаланиш хукуқига эга.

The screenshot shows the official website of the Singapore Government. At the top, there is a navigation bar with links to "Singapore Government", "Ministry of Education", "Ministry of Manpower", "Ministry of Health", "Ministry of Culture, Community & Youth", "Ministry of Finance", "Ministry of Foreign Affairs", "Ministry of Home Affairs", "Ministry of Trade & Industry", "Ministry of Transport", "Ministry of Information, Communications & the Arts", "Ministry of Law", and "Ministry of Communications & Information". Below the navigation bar, there is a banner with the text "Employment & Citizen" and "EDUCATION, LEARNING & EMPLOYMENT RESOURCES". A large image of people working at desks is displayed. On the left side, there is a sidebar with the heading "Your Gateway to Education, Learning & Employment Resources" and a link to "ED&L Resources". The main content area contains several sections: "ED&L Resources", "ED&L News", "ED&L Events", "ED&L Publications", "ED&L Services", and "ED&L Links". There are also links to "Ministry of Education", "Ministry of Manpower", "Ministry of Health", "Ministry of Culture, Community & Youth", "Ministry of Finance", "Ministry of Foreign Affairs", "Ministry of Home Affairs", "Ministry of Trade & Industry", "Ministry of Transport", "Ministry of Information, Communications & the Arts", "Ministry of Law", and "Ministry of Communications & Information".

5-расм. Хукумат-фукаро Портали сахифаси

The screenshot shows the official website for business support in Singapore. At the top, there is a navigation bar with links to "HOME", "ABOUT US", "CONTACT US", "LOG IN", and "LOG OUT". Below the navigation bar, there is a banner with the text "SINGAPORE where entrepreneurial minds meet unlimited opportunities". A large image of the Singapore skyline is displayed. On the left side, there is a sidebar with the heading "BUSINESS.gov.sg" and a link to "HOME". The main content area contains several sections: "PLANNING YOUR BUSINESS", "STARTING YOUR BUSINESS", "MANAGING YOUR BUSINESS", and "GROWING YOUR BUSINESS". Each section has a list of links. At the bottom, there is a footer with the text "Last updated: 11 December 2008. Last reviewed on 11 July 2008 by Singapore Govt. Previous Review Date: 28 May 2008." and a link to "HOME".


6-расм. Хукумат-бизнес Портали сахифаси

Сингапур йигирмага яқын йирик давлатлар (жумладан, АҚШ, Австралия, Япония, Хитой, Хиндистон ва Европа давлатлари) билан тұғридан-тұгри юқори тезликдеги Интернет тармоғи орқали боғланиш имконига эга. Давлат миқёсіда 400 минг км га яқын оптик толали кабел үтказилған, хонадон, оффис, мактабларнинг 99 фоизи миллий тармоқта уланған.

Сингапур ахборот технологиялари соҳасида эришган ютуқлари бүйілчә Бирлашған Миллатлар Ташкилоти рейтингидә жаһондаги давлатлар ичида бириңчи үнликтан жой олған.

The screenshot shows the official website for business registrations and licences in Singapore. At the top, there are navigation links: "View Apply Licences", "Endorse Draft Applications", "Check Application Status", and "Edit or Remove". Below these are tabs for "Business Registration", "Business Activities", "Agencies", and "Contact Info to Apply Online". A central search bar allows users to "Search for" and select from "INDUSTRIES / BUSINESS ACTIVITIES". To the right, there's a "My Licence Cart" section with a "PROCEED" button. Further down, there are sections for "Add to Licence Cart", "Remove from licence Cart", "Download Form/Applic", "Dress at Agency", and "Contact Info to Apply Online". A "Payment Method" section includes options for "Payment by Visa, MasterCard, Direct Debit through Internet Bank Account and PayNow". A "Get your SingPass" section features a "SingPass" logo. At the bottom left, a disclaimer states: "This website does not cover occupations/vocational business (e.g. Contact Lens Practitioner License) and international license (e.g. Medical Advertising Permit, Import/Export License) on a compensation basis." A note also cautions visitors about the responsibility of the information provided on the website.

7-расм. Бизнес ташкилотларини рўйхатдан утказиш ва лицензиялар бериш сайтининг сахифаси



8-расм. Эстония давлат Порталининг бош саҳифаси

Сингапур давлатида бугунги кунда “АКТ 21 – Асосий дастур” асосида амалий ишлар бошлаб юборилган. Унинг асосий мақсади яқин келажакда ахборотлашган жамият барпо этишдан иборатdir.

Жанубий Корея ҳукумати электрон ҳукумат моделини шакллантиришда асосий эътиборни ахолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини маданият ва таълим тизимига жорий этишга йўналтирган. Давлатда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш мақсадида “Жамиятни компьютерлаштириш”, “Электрон Корея” миллий дастурлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган, сунг электрон ҳукумат түғрисидаги ҳужжат қабул қилинган. Унда электрон ҳукуматта босқичма-босқич ўтиш режалаштирилган: биринчи босқичда ҳукумат ҳужжатларини ракамли ҳажмда саклашни таъминлаш, иккинчи босқичда давлат ташкилотларида ахборот технологияларидан фойдаланишни таъминлаш,

учинчи босқычда асосий хукумат жараёнларини ягона хизматларга бирлаштириш, яъни “бир ойна тамойили” ни қўллаш кўзда тутилган. Ушбу тамойил негизида ягона хукумат порталини яратиш ва у орқали давлат хизматларини кўрсатиш ётади. Бугунги кунда портал асосида 4000 та тури жамоат хизматлари ахборотлар билан таъминланади ва онлайн хизматлари кўрсатилади.

Собиқ совет республикалари орасида электрон хукумат тизими Эстонияда жадал ривожланмоқда. Ахборотлаштириш сиёсатини ривожлантириш мақсадида яратилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар “электрон фуқаро”ни шакллантириш ва унга электрон хизматлар кўрсатиш, Интернет орқали ишлайдиган ахборот тизимларини интеграциялашга йўналтирилган.

Эстония раҳбарияти томонидан электрон хукумат концепциясини амалга ошириш доирасида «Бугун мен қарор қиласман» Интернет-портали ташкил этилган ва жорий қилинган (8-расм). Унинг ёрдамида мамлакатнинг ҳар қандай фуқароси давлат бошқарувида иштирок этиши, мамлакатда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ўз фикрини билдириши, қонун лойиҳасига тузатишлар таклиф этиши ва бошқа давлат миқёсида ҳал этилаётган масалаларнинг муҳокамасида ўз фикри билан қатнашиши мумкин. “Давлат ахбороти тўғрисида” ва “Рақамли имзолар тўғрисида”ги Эстония қонунларини амалга ошириш доирасида хукумат агентликларининг ҳужжатлари айланишини бошқариш дастурини ишга тушириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилган.

Интернет технологиялари имкониятларидан фойдаланиб давлат сектори учун ягона маълумотлар базасини ташкил этиш ва умумлаштирилган қидирув тизимини жорий этиш бўйича лойиҳалар яратилган. Улар фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган ва эҳтиёж сезган субъектлар учун мўлжалланган бўлиб, тармоқдаги кўплаб маълумот базаларидағи маълумотлардан фойдаланишни тезлаштиришга ва соддалаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, Эстония раҳбарияти электрон тижоратга доир хизматларни ишлаб чиқиши, иденти-

фикация карточасини (ID) жорий этиш, рақамли имзони амалга ошириш, электрон солиқ бошқармаси, давлат кутубхоналарини Интернетта улаш ва бошқа лойихаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Россияда “Электрон Россия” тизимини яратиш бўйича маҳсус дастур қабул қилинган. Алоқа вазирлиги унинг мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади. Дастур Россиянинг барча аҳолисини замонавий аҳборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштиришга, мамлакатни яқин йиллар ичida юқори технологиялар бўйича жаҳон бозоридаги ўрнини бир неча погонага қутаришга мўлжалланган. Электрон ҳукумат услубларига асосланган “Электрон Россия” дастури иккита асосий мақсадни белгилаб беради:

– давлат органларининг ишлаш самарадорлигини ошириш;

– фуқаролик жамияти сари ҳаракатланиш.

Дастурни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар иқтисодиётнинг реал тармоғига юқори технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, Интернет тармоғидан кенг миқёсда фойдаланишини таъминлаш, давлат аппаратини модернизация қилиш, давлат ҳокимиятининг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган. 7-жадвалда электрон ҳукумат яратиш ва унинг асосида фаолият юритишни ташкил этиш борасида қабул қилинган асосий қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

«Электрон Россия»да куйидаги ишларни амалга ошириш назарда тутилган: АҚТ соҳасида қонунчилик базаси ва тартибиға солиш тизимини яратиш, ички ва идоралар аро электрон ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, давлат органлари ишини тармоқда эълон қилиш воситасида давлат органлари иши тўғрисида фуқароларга тўлиқ аҳборот бериш, бизнес-тузилмалар ва давлат органлари ўртасида аҳборот оқимларни «электронлаштириш», жумладан, солиқ ҳисботини юритиш, фуқароларнинг ягона аҳборот муҳитига киришларини таъминлаш.

Россия	
1	"Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни муҳофаза килиш тўғрисида"ги Федерал Қонун, (1995 й.)
2	Россия Федерациясининг "Давлат сири тўғрисида"ги Қонуни, (1993 й.)
3	Россия Федерациясининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва қўшма ҳуқуқ тўғрисида"ги Қонуни, (1993 й.)
4	"Хужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида"ги Федерал Қонун, (1994 й.)
5	"Халқаро ахборот алмашувидаги қатнашиш тўғрисида"ги Федерал Қонун, (1995 й.)
6	Россия Федерациясининг "ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси тўғрисида"ги Қонуни, (1992 й.)
7	Россия Федерациясининг "Микросхемалар топологиясининг ҳуқуқий химояси тўғрисида"ги Қонуни, (1992 й.)
8	Россия Федерациясининг патентлар тўғрисидаги Қонуни, (1992 й.)
9	Россия Федерациясининг архив фонди ва архивлари тўғрисида Россия Федерацияси қонунчилигининг асослари, (1993 й.)
	"Алоқа тўғрисида"ги Федерал Қонун, (1995 й.)
10	"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Федерал Қонун, (2002 й.)
11	"Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Федерал Қонун, (2001 й.)
12	"Техник тартибга солини тўғрисида"ги Федерал Қонун, (2002 й.)
13	"Истеъмолчилар ҳуқукини химоялаш тўғрисида"ги Федерал Қонун


Бугунги кунда «Электрон Россия» доирасида ахборотлаштиришнинг бир қанча лойиҳалари амалга оширилган.

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш ва электрон ҳужжатлар мақомини эркинлаштириш йўлидаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Қонун электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзони қоғоз ҳужжатдаги ўз қули билан ёзилган имзога тенгланаштирилишини белгилаб берди.

Фуқароларни давлат хизматлари ва ташкилотларининг иши тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Россия Федерацияси Хукуматининг веб-сайти – “www.gov.ru” ташкил этилган. Сайт Президент, Хукумат аъзолари, вазирликлар, давлат жамғармалари ва ҳоказолар тўғрисида ахборот тақдим этади, шунингдек, у Россия Федерацияси барча вазирликлари ва идораларининг веб-сайтларига киришнинг ягона нуқтаси бўлиб хизмат қиласди.

2009 йилнинг охирида давлат хизматларининг умумлаштирилган Портали ишга туширилди (www.ogic.ru -Портал государственных услуг/Общероссийский государственный Информационный центр) (9-расм).

Россия давлатининг ахборотлашган жамиятга ўтиш стратегиясига асосан 2015 йилга келиб фуқароларга тақдим этиладиган барча давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш мақсад қилиб олинган.



9-расм. Россия давлат хизматлари Порталининг бош саҳифаси

Электрон шаклдаги давлат хизматларининг кенг миқёсда жорий этилишини йўлга қўйиш учун 4 та катта масалани ечиш режалаштирилган:

1. Электрон шаклдаги амалга ошириладиган хизматлар учун бир хил ёндашувни (услубни) ўрнатиш ва барча давлат бошқарув идоралари ўртасидаги ахборот алмашувини электрон шаклга ўтказиши.

Бунинг учун электрон шаклдаги ўзаро муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши кўзда тутилган бўлиб, мазкур тизим ёрдамида барча ҳукумат идораларининг бир-бирлари билан электрон шаклда мулоқот қилишларига имконият яратиласи.

Тизим асосидаги давлат томонидан фуқароларга курсатиладиган хизматларнинг оптималь моделини қуийдагича тасаввур қилиши мумкин: фуқаро сайт орқали маълум бир давлат органига мурожаат қиласи. Унинг талабномаси давлат органининг хисоб-китоб тизимига тушади ва у маҳсус электрон алоқа каналлари ва маълумотлар базалари ёрдамида қайта ишланади, керак бўлса қўшимча ахборотлар тўпланади. Охирги босқичда фуқарога хизмат кўрсатилганлиги тўғрисида билдиришнома тақдим этилади, агарда керак бўлса, унинг қоғоздаги нусхаси ҳам берилади.

2. Электрон шаклда иш юритишининг бугунги кун талабларига жавоб берадиган меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиши. Уларда давлат органларининг фуқаролардан ҳужжатларни қоғозда талаб қилиши ва очиктиппадиги маълумотлар базаларида сақланаётган маълумотларни олиш учун фуқароларнинг давлат органларига талабномалар билан мурожаат қилиш холларига чек қўйиш кераклиги ҳам ўз аксини топиши керак.

3. Бутун давлат миқёсида ахборотлар билан таъминланиш даражасининг бир хиллигига эришиш учун керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Масалан, Интернетдан фойдаланиш даражаси бир регионда 60%, иккинчи регионда 30% фоиздан ҳам кам бўлиш холларига чек қўйилиши керак. Бу масала узоқ муддатта мўлжалланган “Ахборотлашган жамият” номли лойиҳа доирасида амалга оширилиши зарур бўлади.

4. Давлат органлари ходимлари орасида малакали мутахассисларнинг етишмаслик холларига чек қўйиш керак. Бугунги кунда давлат органларининг камидаги учдан икки қисмида малакали мутахассисларга муҳтожлик сезилмоқда. Бу эса давлат органларида ишлашга лаёқатли малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар бир давлат ўзининг бошқарув фаолиятини “Электрон ҳукумат” тизимининг услублари асосида ташкил этмоқдаки, бу табиий ҳолат, давр талаби.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг давлат бошқарувида ҳам АҚТни қўллаш тобора аниқ белгилар касб этиб бориб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан биргаликда тегишли тизимлар динамик ривожланмоқда. “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш бўйича маҳсус давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, улар босқичма-босқич амалийтга жорий этиб борилмоқда.

Савол ва топшириқлар

1. Ўтиш давридаги давлатлар бошқарувида АҚТ қандпий имкониятлар яратади?
2. Ўтиш давридаги давлат бошқарувини АҚТ асосида ташкил этиш бўйича лойиха яратиш даврида қандай муммилар юзага келиши мумкин?
3. “Электрон ҳукумат” тизимининг таърифини изоҳлаб беринг.
4. “Электрон маъмурият”, “Электрон демократия” терминларининг мазмунини тушунтириб беринг.
5. “Электрон ҳукумат” тизимининг қандай таркибий модулларини биласиз ва уларнинг вазифалари нимадан иборат?
6. Ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувини “Электрон ҳукумат” услублари асосида ташкил этилганлигини қиёсий таҳдил қилиб беринг.

IV боб. Үтиш даврида давлат бошқарувига “Электрон ҳукумат” тизими услубларини жорий этиш асослари

4.1. Давлат бошқарувига “Электрон ҳукумат” услубларини жорий этиш асослари

Ахборот-коммуникация технологиялари давлат бошқаруда маъмурӣ ислоҳотни амалга оширмайди, улар ислоҳотлар учун кучли восита бўлиб хизмат қилади. Шу боис «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш жараёнлари давлат бошқарувини ислоҳ қилиш умумдавлат стратегиясига асосланиб амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатлар давлат органлари фаолиятига АҚТ ни жорий этиш ишлари бошланганда, уларнинг бошқарув тизимларидағи аксарият жараёнлар демократик тамойиллар асосида ташкил этилганлигини, яъни давлат бошқарувини демократик услублар асосида олиб бориш стратегияси ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнлари одатда бошлангич этапларда кечади. Мазкур даврда электрон ҳукумат услубларини жорий этиш жараёнлари давлат бошқарув тизимининг умумий ислоҳоти (маъмурӣ ислоҳот) билан уйғун тарзда олиб борилиши кузланган мақсадни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун давлат бошқарувига «Электрон ҳукумат» услубларини жорий этишдан олдин мавжуд маъмурӣ тизимнинг фаолиятини чукур ўрганиб чиқиши такозо этилади. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маъмурӣ тизим янги ислоҳотлар мажмуини ишлаб чиқишига, қатор устувор стратегик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда давлатнинг ташаббускорлик ролини таъминлашга йўналтирилади. Бундай ўта мураккаб вазифани ечиш учун маъмурӣ тизим аввалги тоталитар ҳокимият воситаларидан мутлақо воз кечиб, янги вазифаларни ҳал этишга мослашиши керак

бұлади. Яъни унинг фаолияти ва тузилмаси қайтадан күриш чиқылыб, тубдан үзгартырилиши лозим. Акс ҳолда у ислоҳотларни давом эттириш йўлида бош түсиқлардан бирита айланыши мумкинлиги шубҳасизdir.

Маъмурий ислоҳотларнинг стратегик вазифалари қуидагиларни ўз ичига олади:

- мавжуд бошқарув тизимини номарказлаштириш (мавжуд бошқарув тизимини номарказлаштириш бошқарувнинг қуий даражаларига қўпроқ ваколат бериш бўйича сиёсий қарорлар қабул қилинишини талаб этади. «Электрон ҳукумат» тизими эса ўзича бошқарувни номарказлаштирилишини таъминлай олмайди);
- жойлардаги ҳокимият органларининг малакаси ва масъулияти даражасини ошириш;
- давлат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш;
- барча даражаларда маъмурий тизим фаолиятининг ошкоралитини таъминлаш.

Маъмурий ислоҳотлардан кутилаётган натижә давлат органларининг ўзаро ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги ягона тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади.

Мустақилликка эришган мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида демократик тамойилларга асосланган давлат бошқарув тизимининг шаклланishi ва ривожланиши бошланғич босқичда бўлиб, у ўзини-ўзи бошқариш тизимининг самарали механизmlарини яратиш ва тартибга солиш билан шугулланади. Бундай вазиятда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ортиқча кенгайиб кетиши, уларнинг бизнес жараёнларига асоссиз аралашув ҳолатлари юзага келиши мумкин - бир-неча идора бир хўжалик субъектини қайта-қайта текшириши, бизнес юритишнинг хужжат юритиш (транзакция) харажатлари қўпайиб кетиши ва бошқа салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Уларнинг олдини олиш учун маъмурий ислоҳот доирасида тўлақонли функционал таҳлилни амалга ошириш зарур бўлади. Ушбу мазмундаги таҳлилнинг моҳияти бекіёс, чунки у давлат органларида бошқарув

функцияларини тақсимлаш механизмидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни мұкаммаллаштириш йүлларини, шу жумладан, электрон ҳукumat тизимини жорий этиш нүктай назаридан белгилаш имконини беради.

Давлат бошқарув органлари фаолиятига «Электрон ҳукumat» тизимининг жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни босқычма-босқыч амалиётта татбиқ этишини йүлга күйиш масаласи мұвоғиқлаштирилган ҳолда ягона андо-залар асосида амалга оширилтандагина күзланған мақсад-га эришиш мүмкін. Чунки давлат органларининг аксарияти үзларига юқлатылған вазифаларни замонавий услугуда ечилишини таъминлаш мақсадида кичик ҳажмдаги ихти-сослашган дастурлар яратишади ва улар асосида иш юри-тишни йүлга күйишади. Яратылған дастурлар ва ахборот тизимлари, асосан, алоҳида тузилмалар манфаатлари учун ишлайди ва фактада идоравий вазифаларни ҳал этади. Ҳар бир идора үз ахборот тизимларини ишлаб чиқади ва құллаб-куваттрайди. Улар одатда, бошқа идоралар ахбо-рот тизимлари билан деярли бөгланмайды, барча қызық-қан фойдаланувчиларга ахборотдан фойдаланиши имкони-ятини яратмайды. Оқибатда, маълумотларнинг тақрорла-ниш ҳоллари күпайиб кетади, тизимларни ишлаб чиқиш ва ишлатиши жараёнлари қимматлашади, бирламчи ах-борот тұплаш ва уни зарур даражада сақлаб туриш қи-йинлашади.

Бундай ҳолат, одатда, ахборот-коммуникация техно-логияларини жорий этиш хараждатларининг тизимли ра-вишда, яъни мұвоғиқлаштирилған ҳолда ташкил этил-маганлыги сабабли вужудға келади. Ҳар бир давлат органи үз имкониятидан келиб чиқиб, маълум даражадаги тех-ник ва дастурлаш воситаларини харид қиласы, үзи лозим топған масалаларни “автоматлаштиради”, үзи билған дас-турлаш тилларида автоматлаштирилған иш жойларини яратади. Бундай кетма-кетликда яратылған ахборот ти-зимлари бир-бирлари билан бөгланиб, тарқоқ ҳолдаги корпоратив ахборот тизими шароитида фаолият курсата олмайды.

Албатта, давлат бошқарув тизимини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, яъни давлат бошқарувига «Электрон ҳукумат» тизимини жорий қилиш давлат бюджетидан бир мунча харажатларни талаб этади. Лекин ҳар бир давлат органи учун алоҳида қилиб яратилган ахборот тизимларини ишга туширишга кетган харажатларнинг ҳажми ҳам кам эмас, ҳаттоқи айрим ҳолларда улар давлат бюджетидаги курсатилган ракамлардан ҳам кўп бўлиши мумкин. Шу сабабли, давлат органларига «Электрон ҳукумат» тизими услугларини жорий этиш учун ҳар бир даражадаги давлат органига мос келадиган андозалар ишлаб чиқилиши керак.

Электрон ҳукумат тизимини яратиш ҳамда жорий этиш харажатларини давлат бюджетининг алоҳида бандида фақат ушбу тизимни яратиш учун ажратилган маблағлар асосида қоплаш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда «Электрон ҳукумат» тизимига мос келадиган ахборот-коммуникация воситалари харажатларини бошқа турдаги харажат бандларига тарқатиб юборилса, ушбу тизимни молиялаш кўзланган натижани бермаслиги мумкин. Бундай ҳолат маблағларнинг мақсадли сарфланишини мониторинг қилиши жараёнларининг мураккаблашишига олиб келиши шубҳасизdir.

Давлат органлари бошқарув фаолияти ахборотларининг ошкоралигини таъминлаш мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунга фақат электрон ҳукумат воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин.

Шу маънода Интернет тармогида давлат ҳокимияти порталини яратиш, унинг бош саҳифасини бошқа давлат тузилмаларининг (вилоят, туман) веб-сайтлари билан боғлаш, уларда жойлаштириладиган маълумотларни уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Веб-сайтларда янгиликлар, ҳисбот ҳужжатлари, электрон нашрлар, директив ҳужжатлар ва бошқа очик турдаги ҳужжатлар ёритилиши зарур. Ахборотлар мунтазам равишда янгиланиб турилиши керак, акс ҳолда порталга ва унинг маълумотларига бўлган эътибор кескин сусайиб кетади.

Электрон ҳукумат тизимини жорий этишда марказий масалалардан бири – давлат хизматчиларини ушбу тизим асосидаги фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади.

Чунки электрон ҳукумат тизими жорий этилиши натижасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятининг ҳам комплекс хусусиятга, шунингдек, унинг асосида кўрилаётган масалалар ҳам тактик, ҳам стратегик бўлиши барча даражадаги давлат хизматчиларига бевосита боғлиқ. Буларнинг барчаси уларни электрон ҳукумат шароитидағи фаолиятининг механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги ни тақозо этади. Бундай механизм ҳар бир давлат хизматчисини ўз фаолиятида электрон ҳукумат услубларини қўллаб иш юритишга ундейди, акс ҳолда ушбу тизимни жорий этиш жараёни расмий амалга айланиб қолиши ва давлат хизматчиси фаолиятининг шаклланган чизмасига таъсир этмаслиги мумкин. Натижада, давлат мансабдорларининг «Электрон ҳукумат» тизимига бўлган муносабатлари амалий муаммоларни ечишдан кўра, асосан, “имиж” мақсадлари учун зарур бўлган навбатдаги восита сифатида бўлади. Кисқаси, давлат хизматчиларини электрон ҳукуматни жорий этишга рағбатлантиришнинг яхлит тизимиши шакллантирмай туриб, электрон ҳукуматни жорий этиб бўлмайди. Бунда давлат хизматчисининг фаолиятини баҳолаш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб иш юритиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади ва оқибатда давлат хизматчилари фаолиятининг янги услуби яратиласди.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда, мавжуд бошқарув тизимиши ҳисобга олган ҳолда, электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўйича концептуал ва стратегик ҳужжатлар (дастурлар) яратилиши керак. Уларнинг мазмунни эса мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ўзгаришларнинг умумий мантиғидан келиб чиқиши зарурлиги аён ҳақиқатdir.

Ушбу ҳужжатларнинг асосий тамойиллари сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

- жамиятни электронлаштириш ва ахборотлаштиришида ҳукумат етакчи ролни бажариши ва АҚТни жорий этишнинг стратегиясини ишлаб чиқиши;

- ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, уларни олиш имкониятини тубдан кенгайтириш ва ахборотдан фойдаланиш жараёнларини яхшилаш;

- фуқароларнинг эҳтиёжларини мунтазам ўрганиш асосида ҳукумат томонидан тақдим этилаётган электрон хизмат турларини кенгайтириш ва бу хизматлардан ҳамма фуқаролар исталган вақтда фойдалана олишларини таъминлаш;

- электрон шаклдаги давлат хизматларини интеграция қилинган тизим доирасида курсатилишига эришиш, шунингдек, идоравий маълумотлар базасини яратиш, улар интеграциясини таъминлайдиган ёпик ҳукумат тармогини жорий этиш ва турли давлат тузилмалари ўртасида алоқадорликни амалга ошириш,

- давлат органлари ва хусусий тармоқ ўртасида электрон шаклдаги алоқаларни ўрнатиши.

Давлат бошқарувига электрон ҳукумат услубларини жорий этишнинг самараси ушбу соҳадаги конунчиликнинг тўғри ташкил этилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агарда давлат органлари, бизнес ташкилотлари ва фуқаролар ўртасидаги электрон шаклда амалга ошириладиган муносабатлар маълум бир меъёрий қоидаларга асосланниб олиб борилмаса, ҳар хил тўсиклар пайдо бўлиш эҳтимоли кўпайиб бораверади ва охир-оқибатда жойларда ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилганлигига қарамасдан муносабатлар эски услугуда бажарилаверади.

Мамлакат миқёсида давлат бошқаруви органларига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳукумат муассасаларининг асосий фаолият шаклларини трансформация қилиниши ва бутунлай янги услугуда ташкил қилинишига олиб келади.

Бундай натижаларга эришиш масъулиятли ижтимоий жараён ҳисобланиб, мазкур жараён ташкилий, технологик йўналишда жуда катта масалаларни ҳал қилишини, катта молиявий харажатлар ва маъмурий ҳаракатларни талааб қиласи.

Давлат бошқарувига электрон ҳукумат услубларини жорий этиш йўлида муваффақиятга эришиш учун мамлакат миқёсида бир мақсадга йўналтирилган маҳсус дастурлар қабул қилиниши ва лойиҳалар ишлаб чиқилиши белгиланган вазифаларни амалга оширишининг ҳар бир босқичида аник, бир мақсадга йўналтирилган “стратегия” ва “тактика” танланиши керак.

Ушбу жараёнларда иштирок этаётган барча давлат органлари, бизнес компаниялари, жамоат ташкилотлари фаолияти ва фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишларини ташкил этиш жараёнлари мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак, яъни давлат структураларининг электрон шаклдаги фаолиятлари, фуқароларга курсатадиган хизматлари ҳамма учун “уникал” бўлган маҳсус андозалар асосида шакллантирилиши керак. Акс ҳолда яратилган тизимлар бир-бирлари билан боғлана олмайди ва ягона тизим шаклидаги фаолиятни шакллантириш жараёни мураккаб кечади.

Кайд этилган функцияларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бизнес структураларининг ахборот тизимлари куйидаги компонентларни ўз ичida мужассамлаштириши керак бўлади:

- давлат органи ходимларининг қофозсиз иш юритиши технологиясига асосланган биргаликдаги самарали фаолиятларини таъминлайдиган Интранет тизими;

- электрон шаклдаги давлат хизматларига ҳамда умумдавлат ахборотлари сақланадиган умумий серверларга чиқишни таъминлайдиган Интернет тармоғи;

- Интернет тармоғига доимий уланиш имконияти бўлмаганлар учун электрон шаклдаги давлат хизматларини интегралашган ҳолда тақдим этадиган Мулоқот марказлари;

- ҳар хил кўринишдаги хужжатларни тегишли манзилларга ёзма равишда жўнатилишини таъминлаб берадиган электрон почта хизматлари ва б.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, мамлакатда электрон ҳукумат тизимини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилиши керак (8-жадвал):

Биринчи босқич – электрон ҳукумат яратиш концепциясини, бир неча йилга мұлжалланган дастури ва ҳуқукий-меъерий ҳужжатларини ишлаб чиқиши.

Хужжатларда электрон ҳукумат яратишнинг мақсад ва вазифалари, дастурий тадбирлар тизими, дастурнинг таъминот ресурслари, босқичма-босқич амалга ошириш механизми, дастур бошқарувини ташкил этиши ва амалга ошириш жараёнларини назорат қилиши, дастурни жорий этиши оқибатида олинадиган самарани баҳолаш, мақсадли ориентирларни аниклаш каби ва бошқа масалалар ёритилиши керак. Хужжатлар раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Иккинчи босқич - давлат органлари ва бошқа давлат идораси ҳамда муассасаларининг бошқарув ва иш юритиши фаолиятларини электрон ҳужжат айланиси тизимлари асосида ташкил этиши. Тизим мазкур кўлланманинг 2.4 бандида келтирилган тузилма асосида яратилади.

Мазкур босқичда давлат органи компьютерлаштирилади, бошқарув пирамидасининг даражаларига мос равиша ахборот тизимлари яратилади:

1. Давлат органининг истикболли режасидан келиб чиқиб, бошқарув пирамидасининг оператив, тактик ва стратегик бүгинглари вазифаларини бажарадиган тузилмалири аникланади. Уларда ечиладиган масалаларнинг тури ва сонларини қайтадан таҳлил қилиш асосида давлат идорасининг ички ва ташки мухитдаги айланадиган ахборотлар ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

2. Давлат органи бошқарув пирамидасининг тузилмалирида автоматлаштирилган иш жой (АИЖ)ларини яратиш учун уларнинг техник, дастурий, ахборот ва лингвистик таъминотларига талаблар ишлаб чиқилади, ҳар бир АИЖ-да яратиладиган маълумотлар базаси учун кирув ва чиқув хужжатларининг стандарт шакллари ишлаб чиқилади.

3. Автоматлаштирилган иш жойларида ечиладиган масалаларнинг мураккаблилигига қараб қандай қувватга эга бўлган янги компьютерларнинг тури ва сони аниклангандан сўнг уларнинг тақсимоти амалга оширилади.

4. Давлат органи миқёсида замонавий технологияга асосланган ва жаҳондаги бошқа тармоқлар билан боғлана оладиган компьютер тармоги яратилади ва жорий этилади. Тармоқ шароитида ахборотлар билан оптимал ишилаши таъминлаш мақсадида “файл-сервер”, “сервер базы данных” ва “коммуникацион сервер” компьютерлари режалаштирилган нуқталарга белгиланган тартибда ўрнатилади. Улар бўлим ва бўлинмаларида автоматлаштирилган иш жой (АИЖ) ларини тизимли бошқариш ва умумий маълумотлар базаларини сақлаш вазифаларини бажаради;

8-жадвал

1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич
«Электрон хукумат» яратишнинг концептуал хужжатларини яратиш	Давлат органи ашпартида Интранет тизимини яратиш ва унинг асосида электрон хужжат айланиси тизимини жорий этиш	Давлат органининг Интернетдаги Web-сайтини яратиш ва унинг асосида он-лайн хизматларини жорий этиш	Давлат органларининг Web-сайтларини интеграциялаш ва давлатнинг Интернет-порталини яратиш	Интернет-порталда «Электрон хукумат» услублари асосида иш юритишни йулга қўйиш

5. Давлат органининг маълум бир тузилмасига ўрнатилган компьютер асосида АИЖ яратиш мақсадида маҳсус дастурлар комплекси ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Ҳамма тузилмаларда яратилган дастурлар комплекси тармоқ шароитида бир-бири билан боғланиб, ягона ахборот тизими асосида фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида улар Интернет технологиялари дастурлари асосида яратилиши амалий аҳамият касб этади. Бунда давлат органида замонавий Интранет тизими шакллантирилади ва у Интернет дастурлари асосида ягона ахборот тизими шаклида ишлайди.

6. Давлат органининг бошқарув фаолияти Интранет тармоги асосида қоғозсиз иш юритиш технологияси яъни электрон хужжат айланиси шаклида амалга оширилади (ушбу мавзуу кейинги бандларда батафсилроқ ёритилади).

7. Давлат органи фаолияти түғрисида йигиладиган ва умумлаштирилган маълумотларни керакли манзилларга узатиш мақсадида “коммуникацион сервер” вазифасини бажарадиган компьютер Интернет тармоғига уланади ва унинг имкониятиларидан тұлық фойдаланиш йүлга қўйилади (ахборот олиш, электрон почта ва б.).

Албатта, аввало давлат органи Интранет тизимининг лойиҳаси ишлаб чиқилади ва унда юқорида келтирилган масалаларнинг ечими батафсил ёритилади. Қуйида лойиҳани муаллиф томонидан таклиф этилган мезон күрсаткичи асосида яратиш тавсия этилади, чунки у Интранет тизимининг компоненталарини оптимал күрсаткічлар асосида жорий этишга замин яратади.

Интранет тизимининг мукаммаллиги ахборотларининг аниқлик даражаси, маълумотларни ахборот манбаидан фойдаланувчига узатиш вақти, қурилмаларнинг (компоненталари) ишончлилиги билан белгиланади. Ахборотларнинг аниқлик даражаси қанчалик юқори, узатиш вақти кам ва қурилмаларнинг ишончлилиги баланд бўлса, тизимнинг фаолияти ташкилот самарадорлигининг шунчалик кўтарилишига олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, давлат органи ўз фаолиятини қанчалик мукаммал Интранет тизими асосида олиб бора, унинг ахборот йигиши, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишида юз берадиган йўқотишлари сабабли юзага келадиган харажатлари (C_y) шунчалик кам бўлади ва, аксинча, келтирилган күрсаткичлар қанчалик паст бўлса, унинг йўқотишларининг кўпайишига олиб келади

Иккинчи тараффдан, мукаммал ахборот тизимини яратиш давлат органидан кўп маблаг (C_x) талаб киласди. Баён этилган фикрлар 15-чизмада келтирилган диаграммада ўз аксини топган.

Демак, ташкилот ахборот тизимини яратишида мақсад күрсаткичи қилиб диаграммада келтирилган икки күрсаткич йигиндисининг минимал қиймати, яъни

$$C = (C_x + C_y) \quad \text{min},$$

олинса мақсадга мувофик бұлади. Мезон давлат органини бир тарафдан Интранет тизимини яратиш учун нархи жуда баланд компьютер ва бошқа курилмаларни харид қилиш ва иккінчи тарафдан мұкаммаллық даражаси анча паст тизимни яратыпдан сақтайди.



15-чизма. Давлат органи Интранет тизимини маълум мұкаммаллық даражасыда яратилиши учун кетадиган харажатлар ва унинг шу мұкаммаллық даражасыда фаолиятидаги йүқотишиларини тасвиrlайдиган диаграмма

Биринчи вариантда танланған мезоннинг оптимальлық шарти ахборот тизимини яратиш учун сарф қилинган жуда катта харажатлар эвазига, иккінчи вариантда – мұкаммаллық даражаси паст Интранет тизими шароитидаги фаолияти натижасыда унинг йүқотишиларини күпайиши ҳисобига бажарилмайды. Мезоннинг оптимальлық шарти кесмаларнинг кесишганса бажарилади.

Учинчи босқич – давлат органининг Интернетдеги Web-сайтини яратыш ва унинг асосида онлайн хизматларини жорий этиш.

Давлат органининг Web-сайтини яратыща унинг мазмұни (content) ва дизайннің алохіда эътибор бериліши керак.

Сайтда давлат органи, унинг вазифалари, раҳбарияти ва түзілмалари ҳақида маълумотлар көлтириләди. Шу билан биргә, сайтнинг сахифаларыда фуқаролар ва ташкилоттар учун керак бўладиган умумий маълумотлар, фуқароларга кўрсатиладиган хизматларнинг турлари, ташкилотлар билан олиб бориладиган турли жил муноса-

батлар, фуқаро ва ташкилотларни идентификация қилиш дастурлари, қабул қилинаётган қарорлар ва кундалик ҳаётга оид ҳар хил турдаги янги маълумотлар оператив бериб борилади. Қисқаси, сайтда давлат органи фаолияти ҳақида аник, тұлиқ, долзарб ва оператив маълумотлар мунтазам равишда акс эттириб борилади. Бундан ташқари, фуқаро ва ташкилотларда давлат органиға үзларини қизиқтирган саволлари билан интерактив режимда мурожаат қилишлари ва уларнинг мониторингини олиб боришларига имкон яратылади

Оқибатда, фуқароларнинг керакли ахборотларни қидириш жараёнлари анча осонлашади, давлат органи ходимларининг маълумотларни тушунтириш юзасидан олиб борадиган фаолиятларига кетадиган вақтлари тежалади, устита-устак, маълумотларда юзага келиши мумкин бўлган ҳатоликларнинг сони бирмунча камаяди.

Давлат органининг Web-сайти орқали юқорида баён этилган интерактив фаолиятни йўлга кўйиш учун унинг фуқаролар ва ташкилотлар билан электрон алоқадорлигини белгилаб берувчи қоидаларни ишлаб чиқиши, уларни тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштириш керак.

Қабул қилинган меъёрий-хукукий ҳужжатларда Web-сайт орқали фуқароларнинг мурожаатлари ёки сўровларини расмийлаштириш механизмлари, сўров ҳужжатларининг шакллари, уларни кўриб чиқиши муддатлари, ижобий ёки салбий жавоб учун қандай асослар мавжуд, қабул қилинган қарор қандай тартибда даъво қилиниши мумкинлигининг тартиблари акс эттирилиши лозим.

Web-сайтнинг сахифалари ўзига хос дизайнга эга бўлиши керак, унда давлат органи фаолиятига хос ва мос, миллий анъаналарни ҳисобга олган расмлар ва шакллар ўз ўрнини топиши керак, акс ҳолда унинг рейтинги анча паст бўлади, яъни унга киравчиларнинг сони жуда кам бўлади.

Баён этилган фикрларни хулоса қилиб шунни таъкидлаш жоизки, Web-сайт яратишга амалий ёндашишдан олдин унинг мукаммал логотипаси ишлаб чиқилса, мақсадга мувофик бўлади.

Үнда сайтнинг техник ва дастурий таъминотларига, мазмунни ва дизайнига қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиши керак (яъни, сайтнинг ҳар бир саҳифасида қандай мазмундаги маълумот майдонининг қаерида жойлаштирилади, у қачон янгиланади, дизайнни қандай расмлардан ташкил топади, сайт қандай дастур асосида яратилади ва х.к.), акс ҳолда сайтни жорий этиш жараёнида янги фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Уларни амалиётда акс эттириш учун яратилган дастурий таъминотни кайтадан кўриб чиқиш ва унта тегишли ўзгартиришлар киритишга тұғри келади. Бундай жараён айрим ҳолларда яратилган дастурни қайтадан тузишга олиб келади.

Тұртингчи босқич - давлат органларининг Web-сайтларини интеграциялаш ва давлатнинг Интернет-порталини яратиш.

Ушбу босқичда жойлардаги ҳукумат органлари, ҳамма вазирликлар, қўмиталар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг Web-сайтлари, Интернет- порталлари дарахтсизмон шаклда бир-бирлари билан боғланади ва натижада “бир ойна” шаклдаги давлатнинг Интернет – Порталы яратилади (16-чизма).


Давлат бошқарув органлари Интернет-порталининг бош саҳифаси фуқаро, жамоат ташкилотлари, тијорат корхоналари, бошқа давлатларнинг ҳокимиятлари ва вазирликларнинг Web-саҳифалари билан боғланishi натижасида электрон шаклдаги ахборотлар айланиши жараёнлари оператив равища амалга оширилади.

Бундай ҳолат, албатта, давлат бошқарув тизими фаолиятининг самарасини бир неча погона кўтарилишига олиб келади.

Давлат органлари бир-бирлари билан ўзаро фаолият олиб боришлари, фуқароларга тақдим этадиган хизматлари ва бизнес ташкилотлари билан муносабатлари ташкил этиш учун улар давлат миқёсидағи маҳсус ахборот ресурсларига эга бўлишлари керак. Улар одатда маҳсус сервер компьютерларида шакллантирилади ва сақланади (17-чизма).

Ҳар бир йұналиш бүйіча үйгілған ахборот ресурслари “реляцион” типдаги тарқоқ ҳолдаги маълумотлар базалари шаклида яратылади. Улар махсус маълумотлар базасини бошқариш тизими асосида бошқарылади.

Фойдаланувчилар



16-чизма. “Бир ойна” шаклидеги давлат Интернет – Порталининг умумий схемаси

Давлат хизматини фойдаланувчига тақдим этадиган сервер-компьютерларида махсус функционал масалаларни ечиш имкониятлари мужассам бұлиши учун қуидеги тизимлар яратылади:

1. Фойдаланувчиларни рўйхатта олиш тизими. Тизимда фойдаланувчи тұғрисидеги маълумотлар үйгилади, уларнинг тұғрилиги текшириләди ва сақланади. Фақат рўйхатта олинган фойдаланувчига тегишли давлат хизматларига чиқиши имкони берилади.

2. Рўйхатга олинган фойдаланувчининг шахсини текшириш (аутентификация қилиш) тизими.

3. Интерактив алоқа механизмини ишга тушириш тизими.

Механизм фойдаланувчига, сурвлярининг кўрилиши қайдаражадалиги тўғрисидаги маълумотларни олишга имкон яратади, яъни фойдаланувчи ўзининг масаласи давлат тузилмасининг қайси бўлимида ва ким томонидан кўрилаётганини билиб боради ва лозим бўлганда унга электрон почта орқали тўғридан-тўғри боғланиши мумкин бўлади. Мақсад – фойдаланувчиларни ахборотлар билан оператив таъминлаш.



17-чизма. “Электрон ҳукумат” Интернет - Портали ахборот ресурслари

Тизимнинг асосий вазифаси – фойдаланувчининг суро-вига мувофик, унга тақдим этиладиган хизматлар ёки ба-жариладиган операцияларнинг мухимлигига қараб ҳар хил даражадаги хавфсизликни таъминлаш. Бунда фойда-ланувчининг идентификацион тартиб рақамини аниqlаш, сертификатлар яратиш ва бошқа усууллар қўлланади;

4. Электрон шаклдаги давлат хизматларига чиқишини таъминлаш тизими.

Фойдаланувчи аутентификация босқичидан утгандан сўнг, уни қизиктирган хизмат турлари тўғрисидаги мате-риаллар “Электрон ҳукумат” ахборот тизимининг тегишли блокларига қайта ишлаш учун жўнатилади. Фойдала-нувчининг сўрови асосида тўпланган ва қайта ишланган ахборот унга тақдим этилади.

Бешинчи босқич – давлатнинг Интернет-Порталида электрон ҳукумат услублари асосида иш юритиши йулга куйиш

“Электрон ҳукумат” тизимининг асосини тўртингчи бос-қичда яратилган давлатнинг Интернет-портали ташкил эта-ди. Ушбу портал асосида давлат идоралари ўз хизматла-рини, тегишли ахборотларини комплекс ҳолда кенг омма-га тақдим этадилар (улар кенг миёсда ўрнатилган “компь-ютер киоскалари” орқали ҳам тақдим этилиши мумкин (10-расм) Шунигдек, улар ҳамкорликдаги фаолиятларини ҳамда бизнес ташкилотлари билан олиб борадиган муносабатларини электрон шаклда амалга оширадилар.

Уумман олганда, давлат органлари ҳамда ҳар хил йўна-лишдаги ташкилотларнинг “Электрон ҳукумат” тизими асосидаги фаолияти Интернет имкониятларидан фойда-ланиб иш юритишилари билан бошланади.

Дастлаб Интернет тармоғида давлат органларининг Web – сайтлари яратилади ва уларда ўз фаолиятлари тўғри-сидаги умумий маълумотлар (масалан, иш вақтлари, кон-тактдаги ходимларнинг рўйхати, уларнинг телефон рақам-лари ва д.к.) ҳамда хизмат вазифалари шакллантирилади.

Сўнг фуқароларга кенг қамровли динамик ахборотларни тақдим этиш мақсадида ахборот қидирув имкониятларига зга бўлган маълумот базалари шакллантирилади, фойда-

ланувчиларнинг сўровларига электрон почта орқали жавоб бериш хизмати йўлга қўйилади.

Кейинроқ идоралар фуқароларнинг давлат Web-сайтларига кириб турли шаклдаги ҳужжатларни тўлдириш, керакли давлат ходими билан учрашув вақтини белгилаш, иш қидириш ва бошқа имкониятлардан фойдаланишлари учун интерактив давлат хизматлари жорий этилади.

Сунг фуқаролар ва хусусий фирмалар лицензия ҳамда фаолият олиб боришларига рухсатнома олиш, солик декларацияларини топшириш, ижтимоий масалалар бўйича мурожаат қилишларини таъминлаш мақсадида уларга молия ва ҳукуқ йўналишларида хизматлар тақдим этилади.



10-расм. Фуқароларга давлат хизматларини компьютер киоскалари орқали тақдим этиш

Юқорида қайд этилган хизматлар “Электрон ҳукумат” инфраструктурасининг ахборот хавфсизлигига қўйиладиган талабларнинг кучайтирилишини тақозо этади. Улар электрон рақамли имзо, сертификатлар ва смарт-карталар асосида иш юритишини жорий этиш билан амалга оширилади. Масалан, шахста сертификат бериш орқали унинг жисмоний идентификацияси кафолатланади, яъни сертификат орқали унинг шахсини аниqlашда католикларга йўл қўйиш холлари йўқотилади.

Бир давлат органининг Web-сайти асосида сертификациядан ўтган фуқарога бошқа давлат идоралари сайтидан қайтадан сертификациядан ўтмасдан туриб унинг ахборот ресурсларидан фойдаланишига имкон яратиш мақсадида давлат идоралари Web-сайтлари бир Портал асосида бирлаштирилади ва натижада давлат органларининг ахборот ресурслари интерактив режимда бир-бирлари билан боғланади.

Охир-оқибатда давлат ахборот ресурслари ва хизматлари ҳаётий вазиятлар ёки аниқ йўналиш ва мавзулар бўйича гурухланади ва маҳсус сервер компьютерларида сакланади.

Фуқароларга давлат структураларига Web-сайтлар орқали эмас, балки Интернет тармоли ёрдамида ахборот ресурслари ва хизматларининг ташкилий тузилмалари орқали чиқиш имкони яратилади, яъни давлатнинг ахборот ресурслари ва хизматлари тўғридан-тўғри фуқароларга йўналтирилади.

Ягона Портал доирасида давлат ташкилотлари идора ва муассасаларнинг тўплами кўринишида эмас, балки интеграллашган бир бутун ташкилот кўринишида намоён бўлади. Бундай “бир ойна” шароитида фуқаролар бир манзилга кириб, шахсийлаштирилган хизматлардан фойдаланиш, хар хил кўринищдаги операциялар бажариш, ахборотлар олиш ҳамда жамоатчилик фикри сўровлари шаклланадиган ва ҳатто электрон овоз бериш тизимларига кириш имконига эга бўладилар.

Портал фуқарога Интернет тизими орқали мунтазам ўз билимини ошириб бориш ва маҳаллий бизнесни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади. У фуқароларга давлат органлари билан суткада 24 соат, хафтада 7 кун мулокотда булиш ҳамда минтақа, шаҳар ва давлат миқёсида муҳокама қилинаётган сиёсий жараён ва муҳокамаларга таъсир этиш учун қулай шароит яратади.

Фуқаролар учун давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнларининг енгиллашгани ва уларга давлат бошқарув органларининг оммавий ахборотлари ҳамда расмий хужжатлари билан яқиндан танишиб бориш имкони яратилга-

ни, уларнинг давлат бошқарувида иштирок этишлари фаолигини сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Натижада, ахборотлашган ўюшмалар пайдо бўлади ва бошқарувнинг шундай моделлари юзага келадики, уларда қарор қабул қилиш жараёнларида фуқароларнинг иштироки борган сари кўпайиб боради.

4.2. “Электрон хукумат” тизимининг асосий хизмат турлари ва уларни тақдим этиш йўллари

Давлат органлари уз бошқарув фаолиятини “Электрон хукумат” тизими жорий этилишининг дастлабки босқичларида ягона ахборот худуди шароитида (яъни, G2G – “давлат – давлатга” шакли асосида) ташкил этиб боришлари билан биргаликда, аҳолига курсатадиган хизматларини ҳам бирин-кетин электрон шаклда амалга ошира боришни йўлга кўядилар.

Ягона ахборот худуди электрон шаклдаги хизмат турлари билан кенгайиб бориши оқибатида давлат бошқарувига секин-асталик билан (яъни, эволюцион йўл билан) электрон хукумат тизимининг G2C (давлат-аҳолига) шакли жорий этилади.

Шундай қилиб, электрон хукумат тизимининг учинчи босқичида режалаштирилган масалалар амалга оширила бошлайди.

Электрон шаклдаги давлат хизматларининг асосий йўналишлари ва айрим турларининг тавсифи 9-жадвалда келтирилган¹.

Давлат хизматлари электрон ракамли имзо асосида иш юритиш жараёнларини ташкил этишни таъминлаб бера оладиган телекоммуникацион инфраструктура асосида амалга оширилади.

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, электрон шаклда ташкил этиладиган давлат хизматларини қуидагича изохлаш мумкин:

аҳолига курсатиладиган хизматлар: иш излаш, ижтимоий ҳимоя (ишсизлик нафақаси, кўп болали оиласалар учун

¹ Материал Интернет тармоғининг “<http://www.ms-team.ru/news/item>” манзилидан олинган.

нафака, тиббий сугуртга), паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини расмийлаштириши, транспорт воситаларини (янги, тутилган ва импорт қилинган автомобилларни) рўйхатга олиш, туғилганлик ва никоҳни қайд этиш тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштириши, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ хизматлар (маълумотномалар ва бошқа тиббий ҳужжатларни расмийлаштириши, у ёки бу шифохонада тиббий хизматлар кўрсатилиши ҳақида маълумотлар, шифокор қабулига беморларни рўйхатта олиш ва б.), кўчмас мулк, маориф йўналишидаги ва бошқа турдаги хизматлар;

9-жадвал

Давлат хизматининг номи	Масъул ижрочи	Давлат хизматларини электрон шаклда амалга ошириш усуллари
I. Юридик шахс ва шахсий тадбиркерларни рўйхатдан ўтказиш, солиқ тортиси, солик тўловчилар билан муносабатда булиш, солик тўлаш ва йигини		
1. Юридик ва жисмоний шахсларни ҳамда деҳқон (фермер) ҳужжатларини давлат организда рўйхатдан ўтказиш	Давлат солиқ кўмитаси	- Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатлар билан мурожаат қилиш; - ҳужжатлар курилганлиги ва натижалари ҳақида билдиришнома олиш; - тўловчиларни амалга ошириш ва якуний ҳужжатларни олиш
2. Ташкилот ва жисмоний шахсларни хисобдан ўтказиш, солик тўловчиларнинг ягона давлат реестрини олиб бориш ва ундаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш	Давлат солиқ кўмитаси	- Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - ҳужжатлар курилганлиги ва натижалари ҳақида билдиришнома олиш; - тўловчиларни (зарур булганда) амалга ошириш ва якуний ҳужжатларни олиш
3. Юридик ва жисмоний шахсларга рўйхатта олинган нотижкорат ташкилотлари, уларнинг филиаллари ва хорижий давлатларнинг нодавлат, нотижкорат ташкилотларининг ваколатхоналари тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда тақдим этиш	Давлат аддия вазирлиги	- Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - якуний ҳужжатларни олиш

II. Автотранспорт воситаларини рўйхатта олиш ва рўйхатдан чиқариш, йўл харакати коидаларини бузганилиги сабабли жарималар белгилан ва тўловларни амалга ошириш бўйича давлат хизматлари

4.	Автотранспорт воситаларини рўйхатта олиш	Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> - Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - ариза курилганлиги ва натижалари (руйхатдан утказиш харакатларини амалга ошириш жойи ва вақти ҳақидаги маълумот келтирилган хужжат) ҳақида билдиришнома олиш; - давлат бож тўловларини амалга ошириш
5	Йул харакати доира-сида маъмурӣ конунбузарлик түгрисида маълумотлар тақдим этиш	Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> - фуқароларга Интернет тармоғи орқали йул харакати коидаларини бузганилиги учун белтиланган жазо турлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш; - реквизитлари аниқ курсатилган жарима квиганцияларини чоғ этиш; - жарима тўловларини амалга ошириш
6	Квалификацион имтиҳонларни қабул килиш ва ҳайдовчи гувоҳномасини бериш	Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> - Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - ариза курилганлиги ва натижалари (белтиланган хизмат турини амалга ошириш жойи ва вақти ҳақидаги маълумот келтирилган хужжат) ҳақида билдиришнома олиш; - давлат бож тўловларини амалга ошириш
7	Транспорт воситаларни давлат техник куригидан утказиш	Ички ишлар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> - Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - ариза курилганлиги ва натижалари (давлат техник курувинган утказишни амалга ошириш жойи ва вақти ҳақидаги маълумот келтирилган хужжат) ҳақида билдиришнома олиш; - давлат бож тўловларини амалга ошириш

III. Товарларни божхонада расмийлаштириш билан борлик ҳужжатларни тақдим этиш бўйича давлат хизматлари

8	Жисмоний шахслар учун божхона ҳужжатларини расмийлаштиришининг маҳсус соддалаштирилган тартибларини ишлаб чиқиш	Давлат божхона кўмитаси	Давлат божхона қўмитасининг расмий сайтида урнатилган жисмоний шахслар учун божхона ҳужжатларини расмийлаштиришининг маҳсус соддалаштирилган тартиблар тутрисидаги маълумотни олиш, уларни урганиб чиқиб уз фикрларини билдириш
9	Давлатнинг Ташки иктисодий фаолиятида белгиланган Товар номенклатурага асосланиб товарларни классификациялаш бўйича дастлабки карорлар қабул қилиш	Давлат божхона кўмитаси	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - якуний ҳужжатларни олиш
10	Товарларни божхона тартиблари асосида расмийлаштириш	Давлат божхона кўмитаси	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - якуний ҳужжатларни олиш

IV. Ижтимоий ҳизмоя доирасидаги давлат хизматлари (ижтимоий тўловлар, нафакалар ҳамда ахоли бандлигини расмийлаштириш масалаларини ҳисобга олган ҳолда)

11	Ишсиз фуқароларни иш билав таъминланишига, корхоналарга керакли ходимларни топишларига кумаклашни бўйича давлат хизматларини курсатиш	Меҳнат ва бандлик хизмати кўмитаси	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - суралган ахборотларни олиш
12	Ўрнатилган тартиба кура ишсиз деб қабул қилинган фуқароларга ижтимоий толовларни амалга ошириш	Меҳнат ва бандлик хизмати кўмитаси	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - суралган ахборотларни олиш
13	Фуқароларни маълум бир касб таъланашлари, иш билав таъминланишларида касбий ориентир олиш, профессионал уқитиш бўйича давлат хизматларини курсатиш	Меҳнат ва бандлик хизмати кўмитаси	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - суралган ахборотларни олиш

14	Мехнат бозоридаги ҳолат, ахоли бандларти ва ишсизликдан химояланыш бўйича фуқароларнинг ҳукуки ва давлат томонидан кафолатланиши туғрисидаги маълумотларни тақдим этиши	Мехнат ва бандлик хизмати қўмитаси	Интернет тармоли орқали ариза (ёки анкета)ни тақдим этиш ва сўралган ахборотларни олиш
15	Балоғат ёшига етмаган (укишларидан бўш вактларida) ҳамда ўрта маҳсус касб-хунар муассасаларини бигтирган ва биринчи марта иш қидиришда кийинчиликларни бошидан кечираётган фуқароларни вакътичалик иш билан тутманишинни ташкил этиш	Мехнат ва бандлик хизмати қўмитаси	Интернет тармоли орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - сўралган ахборотларни олиш
16	Мехнат бозоридаги ҳолат бўйича маълумотларни тақдим этиш	Мехнат ва бандлик хизмати қўмитаси	Интернет тармоли орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - сўралган ахборотларни олиш
17	Фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатадиган давлат органлари фаолиятини назорат қилиш	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя назорати доирасидаги давлат органлари	Назорат натижалари асосида қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни олиш
18	Соғлиқни сақлаш ва дори-дармон маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ходимларнинг реестрини олиб бориши	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя назорати доирасидаги давлат органлари	Сўров бўйича тегишили маълумотларни олиш (топширитлан ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳолати, соғлиқни сақлаш маҳсулотларининг кайсилини рўйхатдан ўтказилганини тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар)
V. Кўчмас мулк, ер участкалари ва битимларга эгалик қилиш ҳукуки доирасидаги давлат хизматлари			
19	Кўчмас мулк ва битимларга эгалик қилиш ҳукуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кўчмас мулк ва битимларга эгалик қилиш ҳукуқларининг Ягона давлат реестридаги маълумотларни тақдим этиш	Кўчмас мулк Кадастри ва картографиясини давлат рўйхатидан ўтказиш хизмати	- Интернет тармоли орқали ариза ва унга илова қилинган электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш; - расмий равишда якуний ҳужжатни олиш; - электрон шаклда тўловларни амалга ошириш

20	Кучмас мулк объектларини давлат кадастри рўйхатидан утказиш	Кучмас мулк Кадастри ва картографиясини давлат рўйхатидан утказиш хизмати	Интернет тармоғи орқали ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - кучмас мулк объектларини кадастр рўйхатидан утказилаётгандиги жақида билдиришнома олиш; - кадастр рўйхатига куйилганлиги түргисидаги расмий хужжатни олиш
VI. Маълум бир фаолият турига лицензия берип бўйича давлат хизмати			
21	Софликини сақлаш ва фармацевтика йўгултишидаги фаолият турига лицензия бериш	Давлат солик кумитаси	- Интернет тармоғи орқали лицензия олиш жаҳидаги ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - тўловларни амалга ошириш; - лицензия шартларига риоя килинаётгандиги түргисида билдиришнома олиш; - лицензияни олиш
22	Маориф соҳаси фаолият турларига лицензия бериш	Давлат таълим назорати хизмати	- Интернет тармоғи орқали лицензия олиш жаҳидаги ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - тўловларни амалга ошириш; - лицензия шартларига риоя килинаётгандиги түргисида билдиришнома олиш; - лицензияни олиш
23	Давлат томонидан маан этилмаган бошқа турдаги фаолият турларига лицензия бериш	Соҳа бўйича давлат органлари	- Интернет тармоғи орқали лицензия олиш жаҳидаги ариза ва унга илова килинган электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этиш; - тўловларни амалга ошириш; - лицензия шартларига риоя килинаётгандиги түргисида билдиришнома олиш; - лицензияни олиш
VII. Шахснинг хукуқий фуқаролик шаҳомини тасдиқлайдиган хужжатларни расмийлаштириш ва топшириш, уни турар жойидан рўйхатдан ўтказилиши хамда адресси бўйича маълумотларни тақдим этиш ва бошқа турдаги давлат хизматлари			

- бизнес соҳасидаги хизматлар: солиқ тұловлари (жумладан, қүшилгандай қыймат солигини тұлаш), янги юридик шахсларни рұйхатта олиш, давлат органларига ахборот тақдим этиш, конкрет фаолият олиб бориш учун турли рухсатномаларни, декларацияларни (жумладан, божхона декларацияларини) расмийлаштириш ва бошқалар.

Давлат органдарининг электрон шаклдаги давлат хизматларини Интернет тармоғи асосида тақдим этишлари, фаолият олиб бориш ва хизмат күрсатишлари күйидаги түрт босқычда амалга оширилади:

1. Ахборот босқычи. Тегишли давлат органларининг Интернетдаги Web-сайтларida факат хизмат тұғрисида ахборот жойлаштирилади, яъни у ёки бу хизматни қандай қилиб олиш мүмкінлеги баёни (лицензияни расмийлаштириш, паспорт, сертификат олиш), мулокот учун шахсларнинг телефон рақамлари, электрон почтаси, иш тартиби ва х. к. Бу босқычда фойдаланувчилар билан ҳеч қандай алоқа үрнатылмайды.

2. Тақдимот босқычи. Фойдаланувчи үзиге зарур ҳужжатлар нусхаларини электрон шаклда күчириб олиш ёки ҳужжатларнинг қоғоздаги шаклини буюртириш имконига эга. Бу босқычда зарур ҳужжатларни излаш осонлаштирилади, аммо электрон тизимда фойдаланувчи билан шахсан ишлаш йүлге қўйилмайди, ариза бериш жараёни ҳам автоматлаштирилмаган.

3. Интерактив жараён босқычи. Мазкур босқычда ҳужжат топшириш жараёнлари автоматлаштирилган ҳолда баҗарилади: фойдаланувчини аутентификация қилиш (яъни, фойдаланувчи шахсини аниклаш) интерактив режимда аникланади, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш ҳамда рухсатномалар (сертификатлар), лицензиялар ва бошқа турдаги хизматлар учун кераклы булған электрон шаклдаги ҳужжатлар онлайн тартибда түлдирилади.

4. “Транзакция” босқычи. Бу босқычда хизмат күрсатиши циклининг ҳамма босқычлари автоматлаштирилган ҳолда баҗарилади, яъни фойдаланувчи билан яқин алоқа үрнатылади ва у тизим томонидан күрсатылған хизматлар учун хақ тұлаш ва субсидиялар олиш имкониятига эга

бұлади. Тизимга тұлов тизимларининг электрон сервислари интеграция қилинади,

Ушбу босқичларнинг ҳар бирида хизмат күрсатылыш циклининг маңлым бир проценти амалға оширилади ва охирги 4 босқичда хизмат күрсатылыш 100 фоизге бажарилади. Түрт босқич ҳамма хизматлар учун құлланилмаслығы ҳам мумкин. Бунда босқичларнинг үлчови тегишли равища меъёрлаштирилади. Масалан, агар хизмат тури пул транзакцияларини құзда тутмаса, түртінчи босқич хизматлары қисман бажарилмайды.

Юқорида қайд этилганидек, давлат бошқаруви органдарининг ягона ахборот худуди ва электрон шақлдаги давлат хизматлари Интернет тармоғыда яратылған махсус порталлар ва Web-сайтлар асосида амалға оширилади. Улар имкониятларидан фойдаланып иш юритиш қофозда чоп этиш ва пошта орқали жунатыш зарур булған ҳужжатлар сонининг қисқаришига, ҳужжатларни турлича талқын қилиш ва турли муассасаларда уларнинг ҳар хил шакллари құлланишининг олди олинишига сабаб бұлади.

Савол ва топшириқлар

1. Үтиш давридаги давлат бошқарувига “Электрон ҳукумат” услугларини жорий этишда бириңчи навбатда нишмаларга эътибор қаратилиши керак?
2. “Электрон ҳукумат” тизими яратышнинг 1-босқичида қандай ишлар бажарылышы керак?
3. “Электрон ҳукумат” тизими яратышнинг 2-босқичида қандай ишлар бажарылышы керак?
4. “Электрон ҳукумат” тизими яратышнинг 3-босқичида қандай ишлар бажарылышы керак?
5. “Электрон ҳукумат” тизими яратышнинг 4-босқичида қандай ишлар бажарылышы керак?
6. “Электрон ҳукумат” тизими яратышнинг 5-босқичида қандай ишлар бажарылышы керак?
7. “Электрон ҳукумат” тизимининг қандай хизмат турларини биласиз?
8. “Электрон ҳукумат” тизимининг хизматлари қандай тақдим этилади?

V боб. Давлат муассасаларида Интранет тармоғи асосидағи электрон ҳужжат айланиши тизими

Мазкур күлланманинг тұртингчы бобида «Электрон ҳукумат» тизими яратылғаннан иккінчи босқычидан давлат органдары ва бошқа давлат идораси ҳамда муассасаларининг бошқарув ва иш юритиш фаолияттың Интранет тизими асосидағи электрон ҳужжат айланиши технологиясини жөрдеме этиш, ва уни 3-чизмада көлтирилған түзилма асосида яратылған кераклиги түғрисида фикр юритилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунғи кунда электрон ҳужжат айланиши тизимини яратыш бүйіча бир нечта йұналиш ва дастурлар ишлаб чықылған. Лекін бир ташкilotтің иш юритиш жараёнига асосланиб яратылған тизим бошқа ташкilotтага түгри келмасылғы мүмкін, чунки уннан бошқарув ва иш юритиш тизими үзіншегі мос ва үзіншегі хос хусусияттарға зерттеуден көрініледі.

Шунинг учун давлат органининг фаолияттің Интранет тизими имкониятлары асосида ташкил этишни йүргізу күйищдан аввал, уннан мавжуд иш юритиш технологиясы билан яқындан танишиб чықыш, чукур тақылғанда үтказып, фаолияттың жараёнида юзага келадиган муаммоларни анықлаш даудардың үлесінде олған қолда давлат органдарынан янғы тизимни яратышта киришиш күзленған мәселе садаға олиб келади.

5.1. Давлат муассасаларида ҳужжат айланиши тизими. Мавжуд муаммолар

Давлат органдарынан яратылған барча ҳужжаттарни умумий бүлім мудири шахсан қабул қылған олади, мазмуннаның қарабынан давлат органдарынан топширилген лойихасынни тайёрлайды да шахсан раҳбар күришінде олған қолда давлат органдарынан янғы тизимни яратышта киришиш күзленған мәселе садаға олиб келади (18-чизмада). Раҳбар томонидан ҳужжат бүйічада орталық мәселе садаға олиб келади.

берилган топширик умумий бўлимда рўйхатдан ўтказилади ва тегишли ижрочиларга етказилади. Ушбу жараён умумий бўлим мудири томонидан шахсан ташкил этилади. Давлат органи раҳбарининг ўринбосарлари ёки унинг бўлинмалари раҳбарлари номига келган хужжатлар ҳам умумий бўлим мудири томонидан худди шу тартибда расмийлаштирилади ва назоратга олинади. Келган хужжатларга давлат органида қабул қилинган йил, кун ва ой ҳамда тартиб рақами ёзилади.

Умумий бўлим мудири хужжатлар келиб тушган куниёқ, уларни моҳияти ва мазмунига кўра давлат органи раҳбарига, унинг ўринбосарлари, тегишли бўлим, гурух раҳбарлари ва ишлар бошкарувчисига маълум бир (олдиндан белгиланган) вақт оралиғида танишиш ҳамда кўрсатма бериш учун тақдим этади.

Раҳбар топшириклари бўлган хужжатларга назорат карточкиси тўлдирилади ва назоратга олингандан кейин тегишли идораларга ёки мансабдор шахсларга умумий бўлим орқали ижро этиш учун юборилади. Гурух, бўлим ва котибиятлар томонидан қабул қилинган хужжатлар ҳам умумий бўлимдан рўйхатдан ўтказилади.

Давлат органига келиб тушадиган барча махфий бўлмаган хат-хабарлар умумий бўлим мудири томонидан, ишдан ташқари вақтларда эса масъул навбатчи ёки раҳбарнинг ёрдамчиси томонидан қабул қилиб олинади, навбатчиликдан сўнг улар хат-хабарларни умумий бўлим мудирига топширадилар.

Хат-хабарларни бевосита давлат органининг котибиятлари, гуруҳлари ва бўлимларида қабул қилиб олишга рухсат этилмайди. Кадрлар масалалари буйича келган хужжатлар давлат органининг ташкилий-назорат гуруҳида рўйхатга олинади ва улар билан «Давлат органининг кадрлар билан ишлаш тартиби тұғрисида»ги хужжат асосида иш олиб борилади.

Хужжатларни давлат органининг бўлинмалари ўртасида бир-бирига ўтказиш умумий бўлим орқали амалга оширилади.


Юқори органлардан келган ҳужжатларда курсатилған топшириқларни ижро этиш учун юборищдан олдин ҳужжатта «Қайтарилиши лозим» белгиси құйылади. Қайтарилиши лозим бүлган ҳужжатлар ижро этилгач, сақлаш учун ижрочи томонидан умумий бўлимга топширилади. Назорат карточкалари ҳамда (агарда мавжуд бўлса) компьютер дастурида мавжуд бўлган варакага ижрочи томонидан бажарилган ишлар қайд этилади, қайтарилимайдиган ҳужжатлар эса йигма жилдлар рўйхатига мувофиқ гурух, бўлим ва котибиятларда сақланади, ҳамда икки йил муддат ўтгандан сўнг умумий бўлим орқали архивга топширилади.

Юқори ташкилотлардан келган ҳуқуқий кучга эга бўлган барча меъёрий ҳужжатлар ва Конун лойиҳалари танишиш учун тегишли ходимлар билан бир қаторда бош мутахассис-ҳуқуқшуносга киритилади. Келгусида бу ҳужжатларга юқори ташкилотлар томонидан киритиладиган барча қўшимча ўзгартиришлар бош мутахассис-ҳуқуқшунос томонидан ўз вақтида белгилаб борилади. Конунлар бош мутахассис-ҳуқуқшуносда сақланади.

Давлат органи аппаратидан чиқадиган ҳужжатлар ижрочиларнинг визалари ҳамда раҳбариятнинг имзосидан сўнг, тегишли ташкилотларга жунатилиши қайд этилган буюртма билан бирга умумий бўлимга топширилади. (тегишли раҳбар ўринбосари, гурух раҳбари ва бўлим мудири имзоси билан).

Бошқарув лавозимларига номзодлар тавсия этиш бўйича давлат органидан чиқадиган хатлар ташкилий-назорат гурухида алоҳида рўйхатдан ўтказилади ва нусхаси гурух раҳбарида сақланади.

Ҳужжатлардан нусха олиш учун буюртмалар давлат органи раҳбари ўринбосарлари, гурух раҳбарлари, бўлим ва котибият мудирининг имзоси билан умумий бўлим томонидан қабул қилинади. Умумий бўлим мудирининг рухсати асосида нусха олиш жараёни амалга оширилади. Давлат органи раҳбари фаолиятига тегишли бўлмаган ҳужжатлардан нусха олиб кўпайтириш қатъян тақиқланади.



18-чизма. Давлат органи бошқарув аппаратида хужжат харакатининг схемаси

Ахборот ва маълумотнома рукнидаги ёзма ахборотлар, маълумотномалар ва бошқа хужжатлар ижро этувчилик томонидан визаланади ва тегишли хизматлар томонидан имзоланади. Юкори ташкилотларга юбориладиган хизмат хатлари давлат органи раҳбари ўринбосарлари томонидан нусха варагининг пастки қисмида ўнг томонида визаланади ва раҳбарнинг имзоси қўйилади. Хуж-

жатларнинг тұғрилиги учун масъулият уни тайёрлаган раҳбар ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Чиқарыладиган ҳужжатлар фельдегер алоқаси, модем алоқаси, факс ва Ҳукумат алоқаси тизими орқали тегишли орган ва ташкилотларга умумий бўлим орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 12 январь 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Қарорида белгиланган муддатларда жұнатилаётган ҳужжатларнинг тұлиқлиги учун масъулият умумий бўлим мудири зиммасига юкланди.

Умумий бўлим мудири давлат органининг муҳр, тамға ва бланкаларининг сакланиши ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул шахс ҳисобланади, ушбу анжомлар махсус ажратилган хонада белгиланган тартибда сакланади.

Умумий бўлим мудири хизмат ҳужжатларининг белгиланган тартибдаги ҳаракатини таъминлайди, давлат органи аппаратида ҳужжатлар билан ишлашнинг ҳолатини ҳар кун охирида таҳлил этади ва унинг раҳбарига ахборот беради.

Демак, давлат органи аппарати қуйидаги ҳужжат турлари билан иш юритади:

1. Кирувчи ҳужжатлар – давлат органи бошқарув аппаратига ташки ташкилотлардан кирувчи ҳужжатлар.
2. Чиқувчи ҳужжатлар – давлат органи бошқарув аппарати котибияти, бўлимлари томонидан тайёрланган ва ташки ташкилотларга жұнатиш учун қайд этилган ҳужжатлар.

3. Ташиббус ҳужжатлари – давлат органи бошқарув аппарати бўлимлари томонидан тайёрланган ва ташки ташкилотларга ҳамда ички бўлинмаларга жұнатиш учун шу бўлимда қайд этилган ҳужжатлар.

Давлат органи бошқарув аппаратида ҳужжатлар ҳаракати қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Кирувчи ҳужжат – Ҳужжатни қабул қилиш – Қайд этиш – Раҳбарият резолюцияси – Ижрочига етказиш – Ижро – Назорат – Чиқувчи ҳужжат – Архив.

Иш юритиш - ҳужжатнинг ёзилишидан унинг қабул қилинишигача бўлган жараён

Иш юритишида ҳужжатлар устида бажариладиган амаллар: танишиш, резолюциялаш, келишиш, ўзгартириш, кўпайтириш, тарқатиши.

Бошқарувни номарказлаштириш ва демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар даврида давлат бошқарув органлари ҳужжатларини “қофоз”да шакллантириб иш юритиш, улар фаолияти самарасини кескин тушириб юборади.

Бунга асосий сабаб - бир тарафдан, давлат бошқарувнида юз берётган маъмурий ислоҳотлар натижасида ҳукумат идораларининг тузилмалари қайта кўрилиб, штатларининг сони тобора камайиб боради Иккинчи тарафдан эса, давлат идораларининг фаолият доираси тобора кентайиб, жойлардан келаётган ахборотларнинг ҳажми кундан-кунга ошади, уларни оператив қайта ишлаб, аниқ якуний ахборотларни шакллантириш жараёнларини идоралардаги мавжуд штат бирликлари томонидан оддий услубда, яъни “қофоз”ларда шакллантирилган ҳужжатлар асосида амалга ошириш учун жуда катта вақт ва масъулият талаб этилади, аксарият ҳолларда керакли маълумотларни ўз вақтида шакллантиришнинг иложи бўлмай қолади. Қофозда битилган маълумотларни шакллантириш, уларни керакли манзилларга узатиш, саклаш, маълумотларда кўзда тутилган топшириклар бажарилишини назорат қилиш жараёнларини сифатли даражада бажариш мумкин бўлмай қолади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ҳужжатларни “қофоз”ларда шакллантириб иш юритиш жараёни қуидаги салбий оқибатларга олиб келади:

- керакли ҳужжатни излаб топиш учун жуда кўп вақт кетади;
- ҳужжатнинг амал қилиш давридаги босқичма-босқич кечадиган ҳаракатларини кузатиш қийин амалга ошади;
- ҳужжатда курсатилган вазифалар ижроси ва ҳисобтини самарали назорат қилиш жараёнларини ташкил этиш қийинлашади;

- ҳужжатларни тайёрлаш ва мувофиқлаштириш учун күп вақт талаб этилади;
- бир вақт оралиғида битта ҳужжат билан бир нечта ходим ишлаганда ҳужжат айланишини ташкил этиш қийинлашади;
- құшма қисбот ва журналларни олиш жуда қийин амалға оширилади ёки умуман мүмкін бўлмай қолади.

Бундай вазиятда давлат бошқарув органларида ҳужжатлар билан ишлаш жараёнларини ахборот технологиялари имкониятлари асосида такомиллаштириш масалалари тобора стратегик аҳамиятга эга бўлиб боради.

Айрим давлат идораларида ҳужжатлар билан ишлаш жараёнлари маълум даражада автоматлаштирилган, лекин аксарият ҳолларда ҳар бир давлат идораси ҳужжатлар билан ишлаш жараёнларини үз имкониятидан келиб чиқиб автоном равишда автоматлаштиради. Оқибатда, идораларда ҳар хил техник восита ва дастурлар асосида яратилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий этилади. Бундай услубда яратилган ахборот тизимларининг кейинчалик бир-бирлари билан ўзаро боғланиб, биргаликда олиб борадиган муносабатларида катта муаммолар юзага келади.

Ушбу муаммолар давлат органларини аҳолига хизмат кўрсатиши жараёнларида ҳамда бизнес ташкилотлари билан олиб борадиган муносабатларида ҳам вужудга келади.

5.2. Электрон ҳужжат айланиши тизими

Электрон ҳужжат айланиши тизими ташкилотда ҳужжат айланиши жараёнларининг автоматлаштирилган равишда амалға оширилишини таъминлайди.

Ҳужжат айланиши – ҳужжатларнинг яратилишидан ёки ташкилотга келиб тушишидан бошлаб, то уларда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши якунига етказилгунича ёки янги ҳужжат тайёрланиб, тегишли манзилига жунатилгунича ҳужжатлар ҳаракатини амалға оширадиган ишлар комплексидан иборат. Уларга ҳужжатни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш, уларда кўрсатил-

ган вазифалар бажарилишини назорат қилиш, йўналиш бўйича “папка”ларни шакллантириш, саклаш, ҳужжатлардан қайта фойдаланишини ташкил этиш ва ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар бериш каби ишлар киради.

Ташкилотда ҳужжат айланиши тизими давлат миқёсида қабул қилинган андозалар (стандартлар) асосида амалга оширилади.

Электрон ҳужжат айланиши (ЭХА) – қофозсиз иш юритиш концепциясига амал қилиб, электрон шаклда қайд этилган ҳужжатлар асосида иш юритиш тизимининг ягона механизми.

Электрон ҳужжат айланиши тизими - электрон ҳужжатни яратиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш, жұнатиш, ҳужжатда қайд этилган вазифалар бажарилишини назорат қилиш, ходимлар орасида вазифаларни тақсимлаш, ҳужжатни маълум маршрутлар орқали узатилишини таъминлаш, умуман олганда электрон ҳужжат бўйича ишларни ташкиллаштириш вазифасини бажарадиган дастурлар комплекси.

Электрон ҳужжат айланиши тизими қуидаги имкониятларга эга:

- ҳужжат бир маротаба рўйхатдан ўтказилади ва тизимни ҳар қандай шароитда ўрнатилганида ҳам ҳужжатни ягона тартибда идентификация қилиниши (айнанлашувини) таъминланади;

- ҳужжат билан ишлаш жараёнини параллел олиб бориш имкони яратилиши оқибатида ҳужжатлар ҳаракати учун кетадиган вақт тежалади ва уларда курсатилган вазифалар бажарилишининг оперативлилиги ошади. Бошқача қилиб айтганда, ҳужжатлар билан ишлаш жараёнлари тақомиллаштирилади, яъни ходимларни ҳужжат қидириш, яратиш, келишиш ва бошқа жараёнларга кетадиган вақти бир мунча тежалади. Ҳужжатнинг тартибли сакланиши натижасида улар устида ишлаш осонлашади. Кўпгина жараёнлар автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

- ҳужжат ҳаракатининг узлуксизлиги таъминланади, яъни ҳужжат ҳаётининг ҳар бир дакүйқасида унда курсатил-

ган вазифаларни ким томонидан бажарилаётгандыгы ҳақидағи маълумот мунтазам бериб борилишті имкон яратылады;

- ҳужжат маълумотларининг ягона базаси яратылады ва ҳужжатларнинг ортиқча нұсқалари пайдо бўлиши ҳоллари йўқолади;

- маълумотлар базасининг самарали қидируд тизимидан фойдаланиб, керакли ҳужжат тұғрисидаги минимал ахборот асосида уни тез излаб топиш имконияти яратылади.

- ҳужжатларнинг ҳар хил атрибуллари (күрсаткичлари) ва статуслари (даражалари) тұғрисида тайёрланадиган ҳисоботларнинг ривожланган тизими яратылады; Бундай имконият ҳужжат айланиши жараёнида унинг назоратини, ҳисбет материалларига асосланиб, аник бошқарув қарорлари қабул қылнишини таъминлайди. Айни пайтда, ҳужжат устида ким ишләяпти, унинг ҳолати қандай ва кейинги босқичда кимга узатилиши керак, деган саволларга осон жавоб топылади, яъни ҳужжат устида ишлаш жараёни доимий мониторинг қилиб турилади;

- тизимга рухсатсиз (ноқонуний) кириб ишлашнинг олди олинади. Маълум ҳужжатлар устида ишлашта факаттана белгиланган шахсларгагина рухсат этилади. Ҳар бир амалга оширилган жараён дастурый таъминотда қайд этиб борилади, оқибатда ҳужжатни ўзгартирган, унга ишлов берган шахс ўзи бажарган ишини инкор эта олмайди.

Давлат органдардың тизимининг жорий этилиши ҳужжатлар устида ишлашнинг доимий назорат қилиб борилишини таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чықариш ва ижро интизомини мустаҳкамлайди - берилган вазифаларнинг барчаси бажарилмагунча ҳужжат ишда бўлиб қолаверади. Оқибатда ташкилот ва корхоналар ҳамда ходимларнинг иш самарадорлиги ошади. Шу билан бирга, ташкилот ва корхоналарнинг умумий фаолиятини протоколлаштириш масалалари, яъни ички хизматта оид текширувлар, бўлнималар фаолиятининг таҳлили, фаолиятнинг «долзарб масалаларини» аниқлаш каби масалалар аник ва ўз вақтида амалга оширилади. Тизим жорий этилганидан бошлиб маъ-

лум бир вакт утганидан сунг ташкилот ва корхоналарнинг ички айланишидан қоғоз қўринишдаги ҳужжатларни чиқариб ташлаш ва ҳужжатларнинг электрон архивини яратиш имконияти яратилади, энг асосийси, бу ҳужжатларни мавжуд норматив ҳужжатларда кўрсатилган қўринишда бошқариш (рўйхатга олиш, қабул қилиш, жунатиш ва ҳоказолар) йўлга қўйилади.

Давлат органида электрон ҳужжат айланишини ташкил этиш деганда, давлат органи ички электрон ҳужжат айланиши, давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг электрон ҳужжатлар билан ишлаши учун ягона ахборот ҳудуди ва колектив ишини ташкил этиш тушунилади.

ЭҲА тизимининг инфраструктураси, асосан, қўйида-ги хизмат турларидан таркиб топади:

- ривожланган бошқарув тизимларида қўлланадиган иш юритиши хизмати (алгоритми);
- унга мос меъёрий-ҳукукий ва ташкилий-услубий база;
- электрон параметрларни тасдиқловчи марказлар, классификаторлаш, сертификациялаш ва ягона вакт хизмати каби ижро бўғинлари;
- аудит, мониторинг, сертификация, аттестация, лицензиялаш, давлат сирлари назорати инспекцияси каби аудиторлик хизматлари;
- суғурталаш хизмати;
- маҳсус алоқа хизматлари (конфиденциал маълумотларни узатиш учун).

Давлат бошқарув органида Интранет тармоғи ва электрон ҳужжат юритиши технологиясининг жорий этилиши оқибатида унинг фаолияти электрон ҳукумат тизимининг G2G (яъни, ҳукумат-ҳукуматга) шаклида белгиланган услублар асосида ташкил этилади.

Тизимни яратиш жараёнида давлат идоралари тузилмаларида ечиладиган масалалар натижасида шаклланадиган ахборотлар ҳамда уларнинг ичкариси ва ташқарисида айланадиган ахборотларнинг ҳажми, мазмунини чукур ўрганиш асосида ҳар бир ахборот тури учун унинг

электрон шаклдаги умумлаштирилган андозаси ишлаб чиқилади.

Сўнг давлат идораси доирасида Интранет тизими яратилиб, унинг асосида идора ичида қабул қилинган андозалар асосида электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилади.

Давлат танкилотлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини йўлга кўйиш учун идораларнинг ички Интранет тизимлари бир-бирлари билан боғланади, оқибатда тарқоқ ҳолдаги компьютер тармоги (яъни, давлат миқёсида корпоратив тармок) шакллантирилади ва идоралараро узаро ахборот алмашувининг ягона тизими жорий этилади.

Натижада давлат органларининг электрон ҳужжатлар билан колектив ишлаби учун ахборот хавфсизлиги восита-лари билан таъминланган ягона ахборот худуди яратилади.

Ягона ахборот худудида идора ичида ва идоралараро иш юритиш жараёнларида ҳужжатлар устида бажариладиган ҳамма ишлар (танишиш, резолюциялаш, келишиш, ўзгартириш, кўпайтириш, тарқатиш ва х. к.), яъни ҳужжатни ёзилишидан, то уни қабул қилинишигача бўлган барча жараён электрон шаклда амалга оширилади.

Электрон ҳужжат (Э-ҳужжат) айланишини амалга оширадиган ягона ахборот худуди қуидаги вазифаларни юкори сифатда бажарилишини таъминлаши лозим:

- ҳужжат турларининг ягона меъёрий-ҳукуқий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- давлат бошқарув органларида бошқарув даражаси ва технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжат юритишнинг ягона тамойиллари ва талабларини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлаштирилган ахборотлар таркиби ва шаклининг ягона андозасини ишлаб чиқиш ва унификация-лаштириш;
- ахборот турларининг классификаторини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ахборот хавфсизлиги ва ахборотлардан рухсатсиз фойдаланиш ҳолларидан ҳимояни таъминлаш;
- электрон ҳужжат айланиши (ЭХА) нинг инфрату-зилмасини ишлаб чиқиш;

- ахборотларни узатиш, сақлаш ва тасвирлаш алгоритмларининг андозаларини ишлаб чиқиши;
- Инtranет тизимида электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланишида фойдаланиладиган аппарат ва дастурий таъминот воситаларини мунтазам унификация килиб бориши;
- электрон архив юритиш тизимини яратиш ва мониторинг қилиши.

Келтирилган вазифаларни бажариши учун ягона ахборот ҳудуди қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- давлат бошқарувининг кўп қатламли архитектура тизимини акс эттириши;
- назоратга олиннадиган ва олинмайдиган ҳужжатларнинг вертикал (фармонлар, қарорлар, фармойишлар, топшириқлар ва ҳ.к.) ва горизонтал (хизмат ёзувлари, ижро хатлари) харакатини ҳамда кириш ва чиқиш ҳужжатлари айланишини акс эттириши;
- қўшимча ишчи ўринларини киритишга чегара қўйилмаслиги;
- тузилмавий ўзгаришларга мослашувчанлиги;
- коммуникация воситаларга боғлик эмаслиги;
- ҳужжатлар харакатини доимий кузатиш имкониятини бериши;
- ҳужжатта тааллукли барча ёзилмалар, резолюцияларнинг ягона жилдга бирлаштирилиши;
- ҳужжатлар айланишининг назорати, ахборотларнинг шифрланиши ҳамда электрон рақамли имзони таъминлаши;
- ҳужжатлар ҳимоясини таъминлаши;
- архив юритишни таъминлаши;
- турли шаклдаги ҳужжатларни кўллаш имконининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ягона ахборот ҳудуди юқори самарада фаолият кўрсастиши учун ҳужжат турлари ва шаклларини жамоавий белгилаш, турли ахборот тизимларининг ўзаро мутаносиб ишлашини таъминлаш, электрон хизматлар, жумладан, электрон почта билан интеграциялашуви, Интернет

технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборотларнинг узатилиши, сақланиши ва ишланишини оператив таъминлаш, халқаро ахборот узатиш, тасвирлаш стандартларидан фойдаланиш, оммавий электрон мухитни акс эттириш, ягона хизмат вақтини белгилаш, давлат органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби функционал имкониятларга эга бўлиши лозим.

Давлат органларининг ягона ахборот ҳудуди шароитдаги фаолиятининг йўлга кўйилиши, юқорида қайд этилганидек, уларнинг биргаликдаги иш жараёнларини бир мунча енгиллашишига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг ошишига олиб келади.

Натижада, давлат органларининг электрон ҳукумат тизими G2G шакли асосидаги фаолияти вужудга келади. Албатта, бундай шароитга ўтиш давлат бошқарув органларидаги ходимларнинг психологияси ўзгаришига, ишлаш маданиятининг ошишига олиб келади, бу, ўз навбатида, маълум вақтни талаб қиласи.

5.3. Давлат муассасасининг электрон ҳужжат айланиши тизими асосидаги иш юритиши технологияси

Давлат муассасасининг электрон ҳужжат айланиши тизими асосидаги фаолияти меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилади ва юритилади. Уларда электрон ҳужжатнинг таърифи, унинг реквизитлари, юридик мақоми, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари, электрон ҳужжатни қабул қилиб олиш, электрон ҳужжатни жұнатищ, электрон ҳужжатларни сақлаш, электрон ҳужжат айланиши тизимида электрон ҳужжатларни мұхофаза қилиш ва бошқа ҳужжат айланишидаги мавжуд жараёнларнинг тартиби келтирилади.

Ахборот технологиялари асосида электрон шаклда қайд этилган ва идентификация қилиш имкониятини берадиган реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжат ҳисобланади.

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуидагилардан иборат:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жұнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жұнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжат жұнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратылған сана.

Электрон ҳужжатнинг юридик мақоми бўлиши учун, унда кўлланилган электрон рақамли имзо тизими мамлакатда қабул килинган стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо билан муҳрланган электрон ҳужжат билан факат рухсат этилган ходимларгина ишлай олиши ва у компьютернинг маълумотлар базасида шифрланган ҳолда сақланиши керак.

Шу билан бирга, электрон ҳужжат айланиши тизимида электрон ҳужжатта назорат ва рақасини қўйиш ва ҳужжатни архивда сақлаш имкониятлари бўлиши керак.

Электрон ҳужжат айланиши тизимининг асосий иш жараёнлари қуидагилардан иборат.

1. Электрон ҳужжат яратиш. Компьютернинг офис дастурлари асосида яратылган ва мажбурий реквизитларга эга бўлган ҳужжат электрон ҳужжат ҳисобланади. Электрон ҳужжатта электрон рақамли имзо қўйилгандан сўнг уни ўзgartириш имкони бўлмайди.

Электрон ҳужжат ЭҲА тизимининг асосий элементи ҳисобланади ва у бир неча турга – кирувчи, чиқувчи ва ички ёки ташаббус ҳужжатларига бўлинади.

Давлат органида ҳужжатлар ҳаракати қуидагича амалга оширилади:

Кирувчи ҳужжат: ҳужжатни қабул килиш, уни қайд этиш (рўйхатга олиш), раҳбарият резолюцияси, ижро-чига етказиш, ижро, назорат, архив, чиқувчи ҳужжат.

2. Кирувчи электрон ҳужжатни рўйхатта олиш ва раҳбар томонидан резолюция қўйиш. Кирувчи электрон ҳуж-

жатни рўйхатга олиш девонхона ёки умумий бўлимнинг автоматлаширилган иш жойи (АИЖ) томонидан амалга оширилади. Девонхона АИЖида қўшимча янги хужжат яратиш, чиқувчи ва ички ҳужжатларни рўйхатга олиш ва жўнатиш, рўйхатга олинган ҳужжатларниң ҳисоботини юритиш, ҳужжатларни раҳбариятга етказиш ишлари ҳам амалга оширилади. Ҳар бир кирувчи ҳужжатга раҳбарият ўз резолюциясини қўяди ва белгиланган вазифаларни бажариш учун у маълум ижрочи (ёки бир нечта ижрочилар) га йўналтирилади.

3. Электрон ҳужжат асосида топширик бериш. Давлат органи вазифаларидан келиб чиқиб раҳбарият томонидан ходимларга топшириклар берилади. Топшириклар электрон ҳужжатда қайд этилади. Электрон ҳужжатда акс этирилган топширикларда қўйидагилар қўрсатилади: топширикнинг мазмуни (бажариш учун, кўриб чиқиш учун, имзога ва келишиш учун), бажарувчилар рўйхати, ҳар бир ходимга индивиуал ёки умумий вазифа, бажарилиш санаси. Ҳужжатда топширикларниң бажарилиш кетма-кетлиги ҳам келтирилиши мумкин.

4. Электрон ҳужжатларни назоратга қўйиш. Кирувчи ва ички ҳужжатларга назорат варақалари киритилиши мумкин. Улар раҳбариятнинг резолюциясига асосан автоматик тарзда ёки назорат хизмати томонидан киритилади. Уларниң бажарилиши назорат хизмати томонидан доимий назорат қўлиб борилади.

5. Топширик, резолюция ва назорат варақаларининг бажарилиши. Топширик, резолюция ва назорат варақалари фақатгина раҳбарият ёки унинг муаллифи томонидан бажарилганлиги ҳақидаги ҳисбот ахборотлари олингандан сўнгтина тўхтатилиши мумкин. Ҳисбот қабул қилиниши ёки камчилиги қўрсатилган ҳолда бажарувчига қайтарилиши мумкин. Топширик (резолюция ёки назорат варақаси) «ишда», «қайта қўриляпти» ва «бажарилган» ҳолатларида ҳам бўлиши мумкин.

6. Электрон ҳужжатда битилган топширикларни келишиш ва имзолаш.

Электрон ҳужжатда битилган топшириқлар келишув учун топшириқ асосида юборилиши мумкин. Келишув жараёнининг якунида ҳужжат келишилган ходим томонидан имзоланади ва бу келишув варагида уз аксини топади. Ҳужжат келишилмаган ҳолда камчиликлари курсатилиб, унинг муаллифига қайтарилади.

Электрон ҳужжат топшириқ асосида имзолаш учун ҳам юборилиши мумкин. Электрон ҳужжатнинг «ким томонидан имзоланган» майдонида ходимнинг имзоси қайд этилади. Электрон ҳужжатта бир нечта ходим имзо қўйиши мумкин.

7. Резолюцияланган электрон ҳужжатни рўйхатта олиш. Резолюцияланган электрон ҳужжат девонхонада ёки бўлимда рўйхатга олинади. Рўйхатта олинган ҳужжатлар “узгаририб бўлмас” ҳолда сақланади ёки бўлимларга юборилади.

Бошқа ташкилотлар билан ҳужжат алмасишида, чиқиши ҳужжатлари рўйхатга олингандан сўнг керакли ташкилотга жўнатилади.

Юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари электрон ҳужжат айланиши тизимида қўйидаги масалалар ҳам уз ечимиши топади:

- электрон ҳужжатдаги топшириқлар бажариб бўлинганидан сўнг у электрон архив тизимида топширилади. Бунда электрон ҳужжат архив ишини юритиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар билан тўлдирилади ва электрон архив маълумотлар базасига киритилади;

- агар архивда сакланаётган маълум бир электрон ҳужжат керак булиб қолса, у ўзининг реквизитлари ва электрон архивда ҳисобга олинган маълумотлари асосида архив маълумотлар базасининг “маълумот қидириш” дастури ёрдамида тез излаб топилади.

- назорат варакасининг бажарилиши бўйича ҳисботлар юритилади, ҳужжатнинг бажарилиш вақти тугашидан олдин автоматик тарзда эслатиш сигнални жўнатилади ва х.к.

Электрон ҳужжат айланиши тизими давлат органи Интранет тармоғининг таркибий қисми ҳисобланади, ки-

рувчи ва чиқувчи ахборотлар билан ишләши учун Интернет тармоги имкониятларидан фойдаланади.

Бугунги кунда “хакер” деб ном олган айрим “мутахассис шахслар” ушбу тармоқларга уланиб, ундағи ахборотларни күзатып, үзігін ёзиб олиш ва уларни бузиш имконига әгалар. Улар томонидан Интернетте бу имкониятларни берувчи бир мүнчә дастурый таъминотлар үрнатылған. Улар асосида электрон хатларни үкиш, ҳатто уларни үзгартыриб қуиши ҳам мумкин. Буни фойдаланувчининг үзи ҳам сезмайди.

Электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаганлығы унга юридик мақом берилмаганлығидан далолат беради, бу эса ҳужжатни қалбакилаштиришга имкон яратади. Электрон ҳужжат бугунги кундаги компьютерларнинг офис дастурларида жорий этилған имзо билан эмас, балки давлат стандартлари асосида қабул қилинған электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши керак.

Электрон ҳужжат талаб этилған даражадаги махфийлик билан таъминланиши учун, у үкишга рухсати бұлмаған шахслардан ҳимояланиши ва шифрланған күринища жұнатылиши ҳамда сақланиши лозим.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан бир нечта электрон ҳужжат айланиши тизимиңнинг дастурлари ишлаб чиқылған бўлиб, улар корхона ва ташкilotларга жорий этилған. Улар қаторига “Гермес”, “Дело”, “Евфрат”, “Е-хужжат” ва бошқа тизимларни келтириш мумкин.

Бирингчى уңта тизим Россия компаниялари томонидан ишлаб чиқылған. Улар қанчалик кенг қамровли иш юритиш жараёнларини автоматлаштириш имконига эга бўлмасин, рус тилида ва Россия давлатида қабул қилинған иш юритиш стандартлари асосида ишлаб чиқылған. Тизимларнинг имкониятлари билан Интернет саҳифаларида танишиш мумкин.

“Е-хужжат” тизими республика андозалари асосида ишлаб чиқылған ва унда юқорида тавсиф қилинған иш юритиш жараёнларининг аксарияти үз аксини топган.

Умуман олганда, электрон ҳужжат айланиши тизими давлат органларидағы иш юритиш ва ижро назоратини таш-

кил этиш бўйича ўрнатилган тартиб асосида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Электрон ҳужжат айланиш тизимлари га давлат органининг талаб ва таклифларини инобатта олган ҳолда қўшимча вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

Электрон ҳужжат айланиш тизимларини лойиҳалашда ҳужжат айланиши, иш юритиш тартиблари, фойдаланувчиларнинг категорияланиши ва шунга ўхшаш давлат органига хос вазифалар унинг раҳбарияти томонидан белгиланади. Ҳужжатнинг хавфсизлигини таъминлаш, қандай дастурий таъминотлар асосида ишлаб чиқилиши кераклиги ва бошқа техник шартлар эса, АҚТ бўйича мутахассислар томонидан белгиланади.

Куйида мисол тариқасида Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ва унинг фаолиятига жорий этилган Интранет-Портали ва унинг таркибидаги “Муншаот” электрон ҳужжат айланиши тизимиning қисқача тавсифи келтирилади.

Академиянинг Интранет Web-портали унинг тузилмаси, иш юритиш жараёнлари, электрон ҳужжат айланиши, ўқув ва илмий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ягона платформа асосида шакллантирган ахборот мақони ҳисобланади (19-чизма). Портал асосида фаолият юритиш “бир ойна” режимида амалга оширилади.

Портал Академия хаёти, унинг раҳбарияти, кафедра ва бўлималари ҳақидаги умумий маълумотларни, Академия миқёсида утказиладиган тадбирлар, маданий-маърифий янгиликлар ва эълонларни узининг сайт ва саҳифаларида мунтазам ёритиб боради. У ягона ахборот муҳити ва ўз таркибидаги ихтиёрий ахборотни оператив излаб топишни таъминлайди.

Академия бошқарувини электрон шаклда ташкил этиш ва ўқув жараёнини мунтазам мониторинг қилиб бориш мақсадида Интранет Портали таркибида қатор дастурий тизимлар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида Академия фаолияти ва ўқув жараёнлари қоғозсиз иш юритиш технологияси асосида ташкил этилади. Жумладан:

“SOME TANLOV” тизими - Академияда таҳсил олаёттан ва битириб кетган тингловчиларнинг мониторингини таъминловчи ахборот-қидирув ва таҳлил тизими. Тизим тингловчилар маълумотлар базаси бошқарувини таъминлайди, унинг ёрдамида тингловчилар ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин. Дастурий таъминот маълумотларни ҳар хил кесимда, яъни гурухланган шаклда, сўровнома шаклида, турли статистик ахборот шаклида кўрсатиш имкониятига эга.

“SOME TEST” тизими – автоматлаштирилган тест назорати тизими. У интранет муҳитида тест олишни таъминлайди. Тизим бир пайтнинг узида бир нечта фанлар мажмусидан тест олиш ва ҳар бир фан бўйича натижаларни алоҳида таҳлил қилиш, тест баҳоларининг турли статистик натижаларини кўрсатишни таъминлайди.

“SOME REYTING” тизими - Академия факультетлари тингловчиларининг кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича кундалик, оралиқ ва якуний натижаларини кузатиш, тингловчининг ўзлаштириш рейтинг балларини йиғиб таҳлил қилиш ва ҳар хил кесимдаги оператив маълумотларни олишга имкон яратиб беради.

Маълумотлар базасида кафедра ўқитувчи-профессорлари рўйхати, факультет тингловчи-талабалари рўйхати, кафедра ўқув фанлари, тингловчи-талабаларнинг кундалик, оралиқ ва якуний назорат бўйича йиғилган рейтинг баллари марказлашган ҳолда йиғиб, сакланади.

Академия тингловчиларининг ўқув фанларидан тўплangan рейтинг балларини таҳлил қилиш йўли билан ўзлаштириш натижаларини назорат қилишни таъминлайди. Факультет бўйича йиллик ўқув режаларини, ўқув фанлари бўйича умумий ва ярим йиллик рейтинг қайдномаларини ҳар хил куринишда ҳосил қиласди. Рейтинг натижалари таҳлилига асосланиб, факультетлар бўйича статистик маълумотларни чиқаради.

Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчиларига оид барча маълумотлар тизимнинг факультет, кафедра ва ўқув Маркази бўйича марказлашган структурали маъ-

лумотлар базасида сақланади. Ўкув жараёнлари қоғозсиз иш юритиш технологияси асосида амалга оширилади.

“МУНШАОТ” ҳужжат айланиши ва иш юритиш назоратини автоматлаштирувчи тизим - Академияда иш юритиш хизматлари ва ҳужжат айланиши бошқарувини автоматлаштиради. Раҳбарият топшириқларини Академия ходимлари томонидан бажарилишини марказлашган ҳолда назорат қилиши имкониятини беради.

Янги ҳужжат рўйхатга олиниши билан компьютер ахборот базасида шу ҳужжат учун электрон варага очилади (ҳужжат матнининг электрон варианти ҳам боғлаб қўйилиши мумкин).

Ҳужжат билан ишлаши керак бўлган ҳар бир ходим, иш жойидаги локал тармоққа уланган компьютер орқали ҳужжат ҳақидаги маълумотни қабул қилиши, керакли “муолажа”ни утказиши ва яна қайта ишлашга жунатиши мумкин. Шу ҳужжат билан боғлик барча амаллар, унинг Академия ичидаги айланиши автоматик тарзда тизим маълумотлар базасида йиғиб борилади.

Тизим Академия иш бошқаруви ва ҳужжат айланишини қоғозсиз иш юритиш технологиясига ўтказиб, қуидаги функцияларни автоматлаштиради:

Академияга келган барча корреспонденцияларни ягона рўйхатдан ўтказиш ҳамда раҳбариятта ёки керакли бўлинмаларга етказиш;

– Академиянинг ички ва ташқарига жунатилган ҳужжатларини ягона рўйхатдан ўтказиш;

– ишлатиб бўлинган ҳужжатларни архивлаштириш;

– ҳужжатларда келтирилган тадбирларни амалга ошириш, раҳбарият резолюция ва топшириқларини ўз пайтида бажарилишини назорат қилиш;

– керакли ҳужжатни калитли сўзлар бўйича излаб топиш, ҳужжат айланиши бўйича ҳар хил статистик ҳисобларни олиш.

Электрон дарс жадвали - факультетлар бўйича дарс жадвали түгрисидаги бир ҳафталик маълумотни Академия Интранет мухитида чиқариб кўрсатишни таъминлайди.



19-чизма. Академия Интранет порталининг умумий кўрининиши.

Интранет ахборот ресурсларини бошқариш тизими.

Интранет электрон асанлар ресурси маълумотлар базасини бошқарувчи дастур. Ҳозирги кунда Академия Интранет маълумотлар базасида 1500 тадан ортиқ электрон асанлар мавжуд.

Туғилган кунлар дастури – туғилган кунлари яқинлашган ҳамкасларнинг рўйхатини аввалдан Интранет табрик формаси саҳифасига чиқариб кўрсатувчи дастур. Дастур таваллуд эгасига табрикномалар жўнатиш имкониятига эга.

“RAHBAR TEST” – раҳбар ходимларнинг шахсий ва професионал хусусиятларини таҳлил қилувчи психолого-тик тест тизими.

Шу пайтгача замонавий бошқарув социологияси ва психологияси қўлга киритган янгиликлар ва ютуқларни тарғиб қилиш учун, Академияда таҳсил олаётган тингловчиларнинг бошқарув (раҳбарлик) маҳорати мониторин-

гини янада мұкаммаллаштириш мақсадида Академия тингловчилари, профессор-ұқитувчилари ва ходимларига Интранет тармоғи воситасида психологияк хизмат құрса-тишни таъминлайды.

Тизимнинг маълумотлар базаси, Академия “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедрасининг бир неча йыллик фаолияти натижасида түппланган тажриба ва билимлар ҳамда имкониятлари, кафедрада ұқитилаётган фанлар доирасида йығылған тест ва тренинг материаллари, кафедрада дарс беруучи профессор ва ұқитувчиларнинг илмий-амалий салоҳияти, кафедра билан ҳамкорлик қилаётган бошқа социолог ва психолог олимлар томонидан яратылған илмий ишланмалар асосида қурилған.

Ахборот материалларини сахифада жойлаштириш, психологик тестларни ұтказиш, савол-жавоб форумлари Интранет платформасида олиб борилади.

“ЕКИТОВ” Электрон асарлар ахборот қидириув тизими.

Тизим ёрдамида анъанавий чоп этилған китобнинг матнини бобларга ёки ундан майдароқ қисмларга ажратиб маълумотлар базасида сақланади. Матн маълумотлар базасига html форматда жойлаштирилған. Кейинчалик, тизимни ишлатиши жараёнида, электрон китоб матнидан керакли маълумотни мундарижа ёрдамида танлаб, базадан ажратиб олинади ва тизим сахифасига чиқарилади. Бундан ташқари, электрон китоб матнидан керакли маълумотни калит сүз ёрдамида “излаш” дастури ёрдамида базадан ажратиб олиш мүмкін. Излаш жараёнида киритилған калит сүз, электрон китоб боби сарлавҳалари ва матнидан қидирилади. Тизим сахифасига электрон китоб матни ва унда жойлашған суратларни маълумотлар базасига киритилған форматда чиқаради.


Халқаро алоқалар мониторинги дастури.

Академия халқаро алоқалари мониторингини автоматлаштирувчи ахборот қидириув ва таҳлил тизими Академия халқаро алоқалари, ұтказилған конференциялар, малака ошириш масалалари, эксперт маъruzачилар мониторингини олиб боришини таъминлайди. Тизим Халқаро алоқалар бўлими фаолиятини автоматлаштиради.

Беллашув натижаси баҳоларини ҳисобловчи тизим - турли хил мусобоқа, КВН беллашувларининг синовлари натижасини ҳисоблайдиган ҳакамлар вазифасини автоматлаширади. Тизим синов учун ажратилган вақтни ҳисоблаб борувчи таймерга эга.

Инtranет порталининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унинг таркибида интерактив технология асосида "Психолог" ва "Юрист маслаҳати" каби блоглар яратилган (11-расм). Блоглар орқали портал фойдаланувчиси Академия юрист консультантни ва психолог билан интерактив мулоқотга ўтиб, аноним равишда савол билан мурожаат этиши ва масофавий тарзда маслаҳат олиши мумкин.

Бундай масофавий интерактив мулоқотлар фойдаланувчига кейингчалик психолог ёки юрист консультант билан очиқ мулоқот ўрнатиши ва мавжуд муаммоларни янада чукурроқ мухокама қилиши учун замин яратади.



11-расм. Академия Инtranет-Порталининг бош саҳифаси

Шу билан бирга, фойдаланувчи Интранет тармоғи оркали рўйхатдан ўтиб ўз маълумотлар базасини яратиши ҳамда интерактив мулокот давомида психологик форумларда қатнашиб, маълум бир натижаларга эришиши, уларнинг ўзгариш динамикасини кузатиб бориши ва олган натижаларининг намунавий курсаткичдан қанча узоқлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади.

Натижалар асосида фойдаланувчига ўз малака ва кўнингмаларини янада мукаммаллаштириш юзасидан тавсиялар берилади.

Интранет портали фойдаланувчилари фойдаланиш ҳақ-хукуқларига кура бир неча категорияга бўлинади:

1. Портал администратори - мутлақ ҳукукка эга бўлиб, бутун тизимни бошқаради. Маълумотлар базасига ихтиёрий фойдаланувчи томонидан киритилган маълумотларни бошқаради.

2. Авторлаштирилган фойдаланувчилар – тизим рўйхатидан утган бўлиб, умумий ва беркитилган маълумотларни кўришлари ҳамда сахифага маълумот киритишлари мумкин.

3. Оддий фойдаланувчилар – фақат умумий маълумотларни кўришлари мумкин. Улар ахборот киритиш ёки уни таҳрир қилиш ҳукуқига эга эмаслар.

5.4. Электрон рақамли имзо. Асосий тушунчалар

Электрон ҳужжатнинг асосий реквизитларидан бири электрон рақамли имзо ҳисобланади.

Қоғозда битилган турли ҳужжатларга оддий имзо ҳар сафар бир ёки бир неча шахс томонидан қўйилади ва унинг бир-бирига ўхшашлиги иложи борича сақланади.

Электрон рақамли имзо эса шахснинг ёпиқ ва очиқ қалитлари асосида шаклланади ва у маҳсус ҳисоблаш амалларининг бажарилиши натижасида яратилади.

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидаси ҳар бир давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Электрон рақамли имзонинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- электрон ҳужжатга юридик мақом бериш;
- электрон ҳужжатни ёки бирор ахборотни қалбаки-лаштиришнинг олдини олиш;
- ахборотнинг бутунлигини таъминлаб бериш;
- ахборот эгасини ёки тизимларга киришда фойдала-нувчиларни аутентификация (кимлигини аниqlаб тизимга киришга рухсат берилади, ё берилмайди) қилиш.

Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текширишни амалга оширувчи воситалар криптографик ҳимоя қилиш воситалари қаторига кирганлиги сабабли, қуида криптографик услублар ёрдамида маълумотларни шифрлаш тұғрисида қисқача маълумот келтирілади.

Криптография – маълум бир мазмунга эга бұлған матн ҳарфларини олдиндан белгиланған алгоритм (калит) асосида башқа ҳарфлар билан алмаштириш деган маънони билдиради.

Ұзартырылған матн шифрланған матн деб юритилади. Демек, криптография “очиқ” типдаги матнни шифрлайди (шифрование) ва у керакли мәнзилге етиб келганидан сұнг биринchi холатига қайтарилади (расшифрование).

Дастреки шифр Император Цезар томонидан қашф этилған. У маълумотлар махфийлігини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳарфни алфавит бүйінша үзидан уч ҳарф кейин турған ҳарфға алмаштиришни таклиф эттән. Ушбу алгоритм у таклиф эттән шифрининг калити ҳисобланады. Масалан,
**А Б В Г Д Е Ё Ж З И Й К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ
Ы Ъ Ы Ъ Э Ю Я**
**Г Д Е Ё Ж З И Й К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Ъ Ы
Э Ю Я А Б В**

КРИПТОГРАФИЯ = НУЛТХСЕУГЧЛВ,

яъни, “криптография” сүзи, Император Цезарь таклиф эттән калит асосида шифрланғанда юқорида келтирілған ҳарфлар кетма-кетлиги ҳосил бўлади.

Сұнг Цезарь шифрининг модификацияси сифатида силжиш қиймати үзгарувчан шифрлар яратилди. Улар-

нинг силжиш қиймати калитли сўзга боғлиқ бўлади. Масалан, калитли сўз қилиб, «ТАЙНА» сизи олинса, очик матн сўзининг биринчи ҳарфини 20 тага (Т - ҳарфининг алфавитдаги тартиб рақами), иккинчисини - 1 тага (А - ҳарфининг алфавитдаги тартиб раками), учинчисини - 11 тага, тўртингисини 15 тага, бешинчисини - 1 тага, олтинчисини - яна 1 тага ва ҳ.к. силжитиш керак бўлади. Шундай қилиб, химояланаётган матн калитли сўз «ТАЙНА» асосида ўзгаририб чиқлади. Масалан,

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 15 20

**А Б В Г Д Е Е Ж З И Й К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ
Ү Ъ Э Ю Я**

ТАЙНА ТАЙ НА ТАЙНА

20 1 11 15 1 20 1 11 15 1 20 1

КРИПТОГРАФИЯ=>ЮСУЮУВДЬОХЪА.

Бугунги кунда ўта мураккаб шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Умуман, крипторафия икки қисмга булиниади:

назарий қисм - ахборот бекитишнинг янги шифрлаш услуглари ишлаб чиқлади, улар асосида яратилган шифрлаш тизимлари таҳлил қилинади ҳамда тизимларнинг ишончлилиги асослаб берилади;

амалий қисм - шифрлаш дастурлари яратилади ва амалиётта жорий этилади.

Шифрлаш алгоритмининг ишончлилиги уни бузиш учун йўналтирилган хатти-ҳаракатларга бардошлилиги билан белгиланади. Агарда шифрланган ахборотнинг қиймати уни бузиш учун кетадиган вақт оралиғида ўзининг қийматини йўқотиб қўйса, бундай шифрлаш алгоритми ишончли ҳисобланади.

Жамиятда ахборотлар билан алмашиш ҳажми унча кўп бўлмаган даврларда ахборот эгалари содда шифрлаш алгоритмларидан фойдаланишлари етарли ҳисобланар эди. Ахборот ҳажми ошиб борган сари мураккаб шифрларга эҳтиёж кўпайиб борди ва оқибатда фан оламида маҳсус маълумотларни шифрлаш йўналиши пайдо бўлди.

Бугунги кунда шифрлаш услубларини фақат ахборотларни узатиш жараёнларида пайдо бўладиган ҳар хил тўсиклардан ҳимоялаш мақсадида қўллаш билан биргаликда электрон хужжат айланиши тизимларига ҳам кенг жорий этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бошқарув ёки бизнес жараёнларида юзага келадиган муаммоларни оператив ҳал қилиш учун электрон почта хизматларидан фойдаланиб, Интернет тармогининг Web-серверларида сакланайтишган ахборотлар билан мунтазам танишиб боришига тўгри келади. Бундай ахборотлар юридик мақомга эга бўлиши талаб этилади. Электрон шаклда битилган ахборотларга юридик мақом бериш криптографик ҳимоя (яъни, шифрлаш тизими) асосида амалга оширилади.

Электрон шаклдаги ахборотларга криптография услубларини қўллаш кўйидаги имкониятларни яратади:

- ахборотни шифрлаш оқибатида унинг конфиденциаллиги (яъни, маҳфийлиги) таъминланади ва унинг сакланиши ёки узатилиши жараёнида санкция қилинмаган (яъни рухсат берилмаган) фойдаланувчи томонидан ўқилиши ҳимояланади;

- ахборот қайси шахсга йўналтирилган бўлса, у фақат уша шахсга мансуб бўлади, яъни ахборотга кириш назорати (контроль доступа) таъминланади;

- ахборот узатган шахснинг кимлиги, унинг электрон рақамли имзоси ва сертификати асосида аниқ қўрсатилади (аутентификация қилиш) ва у ўзи юборган ҳужжат ўзиники эмаслигини инкор эта олмайди;

- ахборотнинг тўлиқлиги таъминланади, яъни ахборот сакланиши ёки узатилиши жараёнида санкция қилинмаган шахс томонидан ўзgartирилиши ҳимояланади.

Икки тараф бир-бири билан шифрланган ахборотлар билан алмашишни йўлга қўйиш учун улар қандай шифрлаш алгоритми ва калити билан фойдаланишлари бўйича ўзаро келишиб оладилар.

Шифрлаш усуллари конфиденциал ва оммавий алгоритмлар асосида яратилиши мумкин. Шифрлашнинг қатъиятлилиги ва барқарорлиги унинг калитига боғлиқ бўла-

165-бетга қўшимча – 20-чизмадан сўнг ўқилади.

Симметрик шифрлаш усулида ахборот узатувчи шахс уни шифрлаб ҳамкорига узатишдан аввал, маҳвий калитини қандайдир маҳвий йўл билан (ёки “қўлдан – қўлга” тамойили асосида) унга бериши керак бўлади. Бу симметрик усульнинг жиддий камчилиги хисобланади. Агарда калит бошқа бир шахснинг қўлига тушиб колса, ахборотларнинг маҳвийлиги йўколади.

Усул катта хажмдаги файлларни шахсий компьютерларда саклаш учун қўлланилиши мумкин.

Асимметрик шифрлаш ёки асимметрик криптография усули очик ва ёпик калитлар идеологиясига асосланган. Ахборотни шифрлаш ва де-шифрлаш жараёнлари алоҳида бошқа-бошқа калитлар асосида амалга оширилади, яъни ахборотни шифрлашда очик (оммавий) калит, де-шифрлашда ёпик калит ишлатилади (чизма). Асимметрик шифрлаш калитларининг эгаси ўзининг очик калитларини оммавий тарзда ҳамма ҳамкорларига тарқатади, ёпик калитини эса факат ва факат ўзида саклайди, уни ҳеч кимга бермайди.


Асимметрик шифрлашнинг афзаллиги шундаки, бунда калитлар билан алмашув жараёни соддалашади, маълумот узатиш каналлари орқали фақат очик калит узатилади. Ёпик калитсиз очик калит билан шифрланган ахборотни деярли очиб бўлмайди, яъни очик калит билан шифрланган ахборот очик калит билан очилмайди, у факат ёпик калит билан очилади.

Электрон хужжат айланиши ва бошқа муҳим транзакциялар билан иш юритадиган ахборот тизимларида ишлатиладиган электрон ракамли имзо факат асимметрик шифрлаш усулига асосланган.


Давлат идораси ходими ўз электрон ракамли имзосининг очик калитини ҳамма ҳамкорларига тарқатади, ёпик калитини эса факат ўзида маҳвий равища саклайди. Улар маълумотларини ходимнинг очик калити билан шифрлаб, жўнатишади. Ходим ўз номига келган хатларни ёпик калити билан очиб мазмуни билан танишади.

Давлат идорасининг ходимлари электрон ракамли имзонинг очик ва ёпик калитлари билан таъминланган ҳолда иш юритишлари, улар маълумотларининг ҳавфсизлигини таъминлайди.

Фараз қилайлик, давлат идорасининг бошқарув фаолияти Интранет тармоғи асосидаги электрон хужжат айланиши тизими асосида йўлга қўйилган ва унинг ҳамма ходимлари электрон рақамли имзо очик ва ёпик калитлари билан таъминланган.




Асимметрик шифрлаш схемаси



ди. Калит қанчалик мураккаб тузилган бўлса, шунчалик уни ҳисоблаб топиш қийин кечади. Иккинчи муҳим муаммо – бу калитнинг ҳимоясини таъминлаш. Агар калит “ўғирланса”, махфий ахборотга чиқиш учун йўл очилади. Шунинг учун калитлар ҳимоясини таъминлаш учун махсус усууллар ишлаб чиқилади.

Улар асосий икки турга бўлинади: симметрик ва асиметрик шифрлаш.

Симметрик шифрлаш усулида бирламчи ахборотни шифрлаш ва уни қайтадан тиклаш (яъни, дешифрлаш) учун битта ягона калит ишлатилади (20-чизма). Усул факат икки шахс ўргасида ахборот алмашинувини таъминлайди. Агар ахборот алмашув жараёнида бир неча шахс иштирок этса, уларнинг ҳар бири ўзининг махсус калитига эга бўлиши керак. Ҳар бир иштирокчи ўзининг калити ёрдамида бошқа бир ахборот алмашуви иштирокчиси билан ахборот алмашади. Агар шахс ўз калитини иккита ҳамкорига берса, олинган ҳужжат қайси биридан келганинги аниqlаш (яъни, ҳужжатни идентификация қилиш) мумкин бўлмай қолади.



20-чизма. Симметрик шифрлаш схемаси

Унда Интранет тармоги сервер компьютерининг махсус маълумотлар базасида барча ходимларнинг очик калитлари сақланади (21-чизма). Давлат идорасининг ходими (1-ходим) бошқа бир ходимга (2-ходимга) электрон ҳужжат айланishi тизими орқали маълумот юбормоқчи бўлса, у маълумотлар базасига мурожаат қилиб, маълумот юбормоқчи бўлган ходимнинг очик калитини олади, ўз


маълумотини унинг очик калити билан шифрлайди ва тармоқ орқали жұнатади. Келган хатни эса ходим факат ўзининг ёпиқ калити билан очади (яъни, дешифрлайди) ва мазмуни билан танишади. Давлат идорасининг бошқа ходимлари ушбу хатни очик калит билан дешифрлайди, чунки очик калит билан шифрланган файл, шу очик калит билан очилмайди, у фактат очик калитга тегишли ёпиқ калит билан очилади.

Ёпиқ калит фактат унинг эгасида сакланғанлыги сабабли, очик калитлар идеологиясими электрон пуллар билан ишлаш, сайловлар үтказиш, электрон ҳужжатларни нотариал тасдиқлаш ва бошқа электрон шаклда иш юритиш жараёнларида күллаш мумкин.

Бунда тегишли ҳужжатлар жавобгар шахснинг ёпиқ калити билан имзоланиб, тегишли манзилга йұналтирилади. Электрон имзо ҳужжатнинг ҳақиқийлігін тасдиқлайди.

Электрон имзо ҳақиқатан ҳам ҳужжат муаллифининг имзоси эканligини тасдиқлаш (күл күйган ходимнинг шахснин аниклаш, яъни аутентификация қилиш) учун муаллиф электрон ҳужжат билан бирга ўзининг очик калитини ҳам жұнатади.

Хужжатни қабул қылыш олган шахс, ундаги очик калит сертификати билан танишади, уни электрон ҳужжатдаги ёпиқ калит асосидаги электрон имзода көлтирилган умумий маълумотлар билан солиширади ва имзо ҳақиқатан ҳам муаллифининг имзоси экан, деган холосага келади.



21-чизма. Двалт органды Интранет тизимида электрон рақамли имзо асосида маълумотларни шифрлаб узатиш схемаси.

Хужжатни жұнатиши жараёнида унға арзимаган ұзгартиришлар кириллігін бұлса ҳам, хужжатнинг муаллифи бошқа шахс экан, деган холосага келинади.

Амалиётда электрон хужжатнинг ҳажми ҳар хил булади – килобайтдан то бир неча мегабайтгача. Криптографик ұзгартиришлар эса одатта олдиндан белгиланган ҳажмдаги маълумотлар устида бажарилади. Шунинг учун электрон шаклдаги маълумотларни шифрлашдан аввал, улар ихчамланади, яғни ҳар хил “узунликдаги” маълумотлар бир хил “узунликка келтирилади, сұнг у электрон имзо билан мухрланади. Бундай ұзгартиришларни Хәш -функциялаш дейилади. Бирламчи маълумотларни Хәш функциялаш маҳсус андозалар ва алгоритмлар асосида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб қуидаги холосаларга келиш мүмкін:

- электрон рақамли имзо – электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ұзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йүқлигини аниклаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

- электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, факт имзо құювчи шахснинг үзиге маълум бүлгандықтан электрон хужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мүлжалланган белгилар кетма-кетлигидан иборат;

- электрон рақамли имzonинг очиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имzonинг ёпиқ калитига мөс келувчи, ахборот тизимиңнинг ҳар қандай фойдаланувчи-си фойдалана оладиган ва электрон хужжатдаги электрон рақамли имzonинг ҳақиқийлігін тасдиқлаш учун мүлжалланган белгилар кетма-кетлигидан иборат.

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш давлат томонидан тартибга солинади ва у маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Маҳсус ваколатли орган электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади, электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очик калитларини яратади, уларнинг муҳофаза қилинишини таъминлайди, электрон рақамли имзолар калити сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вактида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдалана олиш имкониятини таъминлайди, юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзолар калити сертификатларини электрон ҳамда қоғоз ҳужжатлар шаклида беради ва бошқа вазифаларни бажаради.

Электрон рақамли имзо асосида иш юритиш давлат қонун ҳужжатларида ўз аксини топади.

Банднинг якунида электрон рақамли имзони амалиётда қўллаш бўйича қисқа маълумотлар келтирилади.

Демак, жисмоний ёки юридик шахс рўйхатга олиш марказидан электрон шаклда компьютернинг ташки хотираси қурилмасида электрон рақамли имзони, қоғоз шаклида унга тегишли ҳужжатларни олади ва уни ўз компьютерига ўрнатади.

Электрон рақамли имзони компьютерга ўрнатиш күйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1) Windows-2007 опреацион тизим муҳитида иш юритидан компьютернинг “ишчи столи” дарчасида “Пуск – Настройка – Панель управления – Свойства обозревателя” кетма-кетлиги бажарилади;

2) очилган дарчада “Содержание – Сертификаты” кетма-кетлиги бажарилади;

3) “Импорт – Далее” - тутмачаси босилганидан сунг ҳосил бўлган дарчада “Обзор” ёзуви устида сичқон тутма-

си босилиб, электрон рақамли имзо юкланган папкага мурожаат қилинади ва уни белгилаб сичқон тутмаси “Открыть” белгиси устида босилади. Натижада, электрон рақамли имзо сақланган файл “Обзор” ёзуви қаторидаги майдонга юкланади. Сунг “Далее” тутмаси босилади;

4) ҳосил бўлган дарчада “Пометить как экспортируемый....” белгиланиб, “Далее” тутмаси босилади;

5) кейинги дарчаларда “Готово” тутмачалари босилади.

Word - матн редакторида яратилган электрон хужжат компьютер хотирасининг маълум бир жойида сақланганидан сунг, унга электрон рақамли имзо қўйиш қўйидагича амалга оширилади:

1) Word - матн редактори бош менюсидаги “Кнопка офис” босилади, ҳосил бўлган дарчада “Подготовить – Добавить цифровую подпись” кетма-кетлиги бажарилади;

2) ҳосил бўлган дарчада “OK” танланади;

3) “Изменить” очилади ва керакли электрон рақамли имзо танланади;

4) “Подписать” тутмачаси босилади;

5) экраннинг “Командная строка” (энг пастки) қисмида электрон рақамли имзони билдирувчи белти чиқади. Имзоланган хужжатда экрандаги ёзувларни ўзгартириб бўлмайди (улар “Блокировка” қилинади).

Электрон хужжатни шифрлаш ва дешифрлаш жараёнлари маҳсус “Крипто АРМ” дастури ёрдамида амалга оширилади. Унинг батафсил тавсифи Интернет тизимишининг www.djqt.ru сайтида келтирилган.

Савол ва топшириқлар

1. Давлат идораларида хужжат айланиши тизими қандай жорий этилади?
2. Ташибилотингиздаги мавжуд хужжат айланиши тизимини тавсифлаб беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси “Электрон хужжат айланиши тұғрисида” ги Конуининг мазмуни ва можиятини тушунтириб беринг.

4. Электрон ҳужжат айланиши тизимининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
5. Электрон ҳужжат айланишини таъминлайдиган ягона ахборот ҳудуди зиммасига қандай вазифалар юклатилган?
6. “Инtranет” терминининг мазмуни ҳақида нима биласиз?
7. Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари нимадан иборат?
8. Электрон ҳужжат айланиши тизимининг асосий иш жараёнларига нималар киради?
9. Қандай электрон ҳужжат айланиши тизимларини биласиз?
10. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо түғрисида”ги Конунининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беринг.
11. “Криптография” терминининг мазмун-моҳияти нима?
12. Симметрик ва асимметрик шифрлаш усулларини қиёсий таҳлил қилиб беринг.
13. Электрон рақамли имзонинг асосий вазифаси нимадан иборат?
14. Электрон рақамли имзонинг очик ва ёпик калитларининг вазифаси нимадан иборат?
15. Электрон ҳужжатга электрон рақамли имзо қўйиб, уни жўнатиш ва электрон имзоли ҳужжатни қабул қилиб олиш технологиясини тушунтириб беринг.
16. “Очиқ калитлар” маълумот базаси, деганда нимани тушунасиз?

VI боб. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг бошқарувини «Электрон хукумат» тизими орқали ташкил этиш асослари

6.1. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари бошқарувини ахборотлаштириш жараёнларининг тавсифи

Ўзбекистон Республикасида жамиятни ахборотлаштириш соҳасидаги ишлар сўнгти йилларда сезиларли даражада ривожлана бошлади. Хусусан, республика раҳбарияти томонидан 2002 йилдан бошлаб қабул қилинган фармон ва қарорлар ушбу соҳага бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 6 июндаги Қарори ахборот-коммуникация технологияларининг барча соҳаларига кенг миқёсда жорий этилиши мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланишини кўрсатиб берди.

Қарорда Республикада комп’ютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тасдиқланган. Унда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг аҳволи, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, дастурий маҳсулотлар индустриясини барпо этиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш ва бошка масалалар ёритилган.

Умуман олганда, Республикада ахборотлаштириш соҳасини тизимли ривожлантириш мақсадида соҳа такомиллашувига оид ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар ва қатор конун ҳужжатлари қабул қилинди (10-жадвал).

10-жадвал

№	Қонуннинг номи	Қабул килинган сана	Қонуннинг мақсад ва вазифалари
1.	Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида" ги Конуни қайта кўриб чиқилди ва унинг янги таҳрири қабул қилинди	ЎзР Олий Мажлисининг 2003 йил декабрь ойидаги сессиясида	<p>Мақсади:</p> <p>ахборотланитириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларида фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаш; - ахборотлаштириш соҳасидаги ваколатли орган вазифаларини белгилаш; - ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ваколатли орган вазифаларини амалга ошириш тартибларини белгилаш; - "миллӣ ахборот" тизими тушунчасига хукуқий асос яратиш.
2.	Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақами имзо тўғрисида" ги Конуни	ЎзР Олий Мажлисининг 2003 йил декабрь ойидаги сессиясида	<p>Мақсади:</p> <p>электрон рақами имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - электрон рақами имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларният давлат томонидан тартибга солинишини белгилаш; - электрон рақами имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли орган ва рўйхатта олиши марказларининг яратилиши учун уларнинг хукуқий аҳамиятини белгилаш; - электрон рақами имзонинг хукуқий аҳамиятини белгилаш; - электрон рақами имзодан фойдаланиш ийӯлларини белгилаш.
3.	Ўзбекистон Республикасининг "Электрон хужжат алмашинуви тұғрисида" ги Конуни.	ЎзР Олий Мажлисининг 2004 йил апрель ойидаги сессиясида	<p>Мақсади:</p> <p>электрон хужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.</p> <p>Вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - электрон хужжат айланиши соҳасидаги Даълат сиёсатининг асосий тамойилларини белгилаш; - электрон хужжатнинг таърифи ва унинг асосий хусусиятларини белгилаш; - электрон хужжат айланишининг иштирокчилари ва уларнинг узаро муносабатларини хукуқий асослаш.

4.	Ўзбекистон Республикаси-нинг "Электрон тижорат тұғрисида" ги Конуни.	ЎзР Олий Мажлисининг 2004 йыл априль ойидаги сессиясида	<p>Мақсади:</p> <p>электрон соҳадаги муносабатларни тартиба солиш. Вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - электрон тижоратнинг таърифи ва фаолият шақыллари; - электров тижорат иштирокчиларининг ҳукуқтың ҳолатини белгилетиш; - электров тижоратни амалда оширишининг узига хос ҳусусиятлари.
5.	Ўзбекистон Республикаси-нинг "Электрон тұловлар тұғрисида" ги Конуни.	ЎзР Олий Мажлисининг 2005 йыл декабрь ойидаги сессиясида	<p>Мақсади:</p> <p>электрон тұловлар соҳасидаги муносабатларни тартиба солиш. Конунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - электров тулов, тулов тизими ва турлары (банклараро тұлов тизими, банкнинг ички тұлов тизими, чакана тұловлар тизими) қақидаги түшпүнчталар анық белгилендірілген; - тұлов тизимининг тартиби ва қоидаларига талаблар ишлаб чықылған; - тұлов тизими субъекттери (тұлов тизими айналысынан қарастырылғанда) нинш ҳукуқта мажбурияттары қамда үзарған муносабатлардың анық белгилендірілген; - электров тұлов құжыжаттарын жариялаудың тартиби ишлаб чықылған; - электров тұловлар мажбурияттарнинг ижересінің қамда тұлов тизими ахборотларивинң қимоясы ва қарастырылғанда тағындағы бүйірдегі талаблар белгилендірілген;

Ахборотлаштириш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор Қарорлари эълон қилинди ва улар асосида амалий ишлар йүргілгіле күйилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тұғрисида" ги Қарори (02.06.2005 № ПҚ-91).

Мақсади: ахборот ва компьютер технологиялар бүйірдегі мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация қамда инновация технологияларини таълим жараённан тәтбиқ этишни янада көнгайтириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тұғрисида” ги Қарори (28.09.2005 й № ПҚ-191).

Мақсади: Мамлакатдаги мактаб, лицей, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотта бұлған талаб-әхтиёжларини хар томондан маңыздырып, яратып, шунингдек, Интернет тармоғининг миллий сегментидә таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириши.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид құшымча чора-тадбирлар тұғрисида” ги Қарори (08.07.2005 й № ПҚ-117).

Мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тұғрисида» ги 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-соны Фармонини ижро этиш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тұғрисида» ги ва «Электрон рақамлы имзо тұғрисида» ги қонунларини изчил амалда ошириши.

Қарорда:

- 2010 йилгача телекоммуникация тармоқтарини ривожлантириш, маълумотларни узатиши ва ахборот-коммуникация технологияларини құллашнинг мақсадлы йұналишлари белгилаб берилган;

- 2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат җокимиюти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини құллаш ҳамда Миллий ахборот-қидириүү тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастурлари тасдиқланған;

- вазирликлар, идоралар, җокимликларга ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланмасини құллаш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни муттасил янгилаб бориш бүйічә аник тадбирларни ишлаб чыкып вазифаси юклатылған.

- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида маҳсус ваколатли орган этиб тайинланган.

Унга: а) бир ой муддатда маҳсус ўкув курсларини ишлаб чиқишни ҳамда тасдиқланган мақсадли йуналишлар ва дастурлар амалга оширилиши учун масъул бўлган маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг мутахассис кадрларини ахборот технологияларини қўллаш ҳамда электрон хужжат айланмасини татбиқ этиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича амалий қўнималарга ҳар йили ўқитиб бориш;

б) вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Интернет тармоғида миллий ахборот-қидирув тизимини яратиш ва унда умум фойдалана оладиган ахборот ресурсларини жойлаштириш, ушбу тизимни янада кенгайтириш ва унинг жаҳон ахборот майдони билан интеграциялашувчи чораларини кўриш;

в) электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан утказиш марказларини давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (26.09.2005 й. № 215).

Мақсади: «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид күшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон Қарорини ижро этиши юзасидан ҳамда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатта олиш марказлари фаолиятини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий базани та-комиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (22.11.2005 й. № 256).

Мақсади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агент-

лиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» ги 2004 йил 7 майдагы 215-сон Қарорини бажариш юзасидан ва «Ахборотлаштириш тұғрисида» ги Үзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш.

Қарорда:

- “Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тұғрисида” ги ва “Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тұғрисида” ги Низомлар тасдиқланган.

- Үзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлігіта базавий давлат ахборот ресурсларини үз ичига оладиган давлат ахборот ресурсларининг рүйхати ҳамда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни құллаб-кувватлаш учун масъул бұлған давлат органлари рүйхатини аниклаш ҳамда ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рүйхатдан үтказиш тартибини тасдиқлаш зағифаси юклатылған.

6. Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни құллаб-кувватлаш учун масъул бұлған давлат органлари рүйхатини тасдиқлаш тұғрисида” ги Қарори (20.02.2006 й. № 27).

Мақсади: «Ахборотлаштириш тұғрисида» ги Үзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тұғрисида» ги 2005 йил 22 науябрдаги 256-сон Қарорини бажариш.

7. Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тијоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги Қарори (30.01.2007 й. №21).

Мақсади: «Электрон тијорат тұғрисида» ги Үзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланған ҳолда савдони ривожлантиришни рағбатлантириш.

8. Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳоки-

мияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тұғрисида" ги Қарори (23.08.2007 й № 181).

Мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид құшымча чора-тадбирлар тұғрисида» ги 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон Қарорини бажарыш юза-сидан, давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шуннингдек, давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан күрсатыладиган хизматлардан кеңг фойдаланилишини таъминлаш.

Қарорда:

а) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тұғрисидаги Низом, базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган;

- интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига юқлатылған;

- вазирликлар, идоралар, ҳокимликтарга: а) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари күрсатылишини таъминлаш тадбирлари режаларини ишлаб чиқып;

б) интерактив давлат хизматлари күрсатиши ва күрсатылаётган ана шундай хизматларни кенгайтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интерактив давлат хизматларидан сифатли фойдаланишини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кеңг күллаш йўли билан давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

в) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига күрсатылаётган интерактив давлат хизматла-

ри бўйича ахборот, шунингдек, мўлжалланаётган интерактив давлат хизматлари ҳақидаги тақлифларни уларни кейинчалик Интерактив давлат хизматлари реестрига киритиш учун тақдим этиш вазифалари топширилган.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 марта даги 140-сонли Қарори.

Максади: вазирликлар ва идоралар, давлат ҳокимиёти маҳаллий органлари аппаратларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш юритишини тақомиллаштириш, бошқарувнинг барча даражаларида раҳбарлар ва мутахассислар жавобгарлигини ошириш.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, ўюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий мусассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича Йўриқнома тасдиқланган.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2006 йил 20 февралдаги 27-сонли Қарори.

Максади: «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хукуқий базани тақомиллаштириш тўғрисида» ги 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли Қарорини бажариш.

Қарорда Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати тасдиқланган. Вазирлик ва идораларга тегишли ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ўз вақтида янгилашиб туришини таъминлаш ҳамда янги ахборот ресурсларини рўйхатта киритиш вазифалари юклатилган.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимиёти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан

ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» ги 2007 йил 23 августдаги 181-сонли Қарори

Мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид құшымча чора-тадбирлар тұғрисида» 2005 йил 8 июляның ПҚ-117-сон Қарорини бажарып юзасидан, давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан күрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишини таъминлаш.

Қарорда:

а) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тұғрисидаги Низом, Базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган, Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги” зымасига юкланды;

б) вазирлик, идора ва ҳокимликлар зымасига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари күрсатилишини таъминлаш тадбирлари режаларини ишлаб чиқиши, интерактив давлат хизматларини күрсатып ва күрсатылаётган ана шундай хизматларни көнтәтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг интерактив давлат хизматларидан сифатли фойдаланишини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг күллаш үйли билан давлат ва хұжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши юкланды.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармогида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталинини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги 2007 йил 17 декабрдаги 259-сонли Қарори.

Мақсади: «Ахборотлаштириш тұғрисида»ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президенттің «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид құшымча чора-тадбирлар тұғрисида» ги 2005 йил 8 июлдеги ПҚ-117-сон Қарорини бажариш ҳамда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат Порталини янада ривожлантириш.

Қарорда:

а) Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталы тұғрисидаги Низом тасдиқланған;

б) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигінинг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази таркибида ходимларининг умумий сони 12 нафар бұлған Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат Порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гурухини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси «Электрон Хукумати» яратилиши ва янада ривожлантирилишини ҳисобға олган ҳолда Гурухни замонавий моддий-техника базаси билан таъминлаш тұғрисида күрсатмалар берилған.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг хукумат порталы ахбороттарни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тұғрисида» 2009 йил 21 агрелдеги 116-сон Қарори.

Максади: Ўзбекистон Республикаси Президенттің «Ишлаб чықарылыш ва іштимои инфраструктуралық мөндеуде қаржының өнімділігін арттыру үшін» 2009 йил 20 ғарыштан кейінгі ПҚ-1041-сон Қарорини бажариш юзасидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг хукумат порталын янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида» 2007 йил 17 декабрдеги 259-сон Қарорига мувофиқ Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталын жойлаштириладиган ахбороттарнинг қаққонийлиги, яхлитлигі ва үз вактида тақдим этилишини таъминлаш.

Қарорда: 1) Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталын жойлаштириш учун тақ-

дим этиладиган ахборотлар рўйхати, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига жойлаштириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг хукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби бўйича низомлар тасдиқланган;

2) давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу Қарор 2-иловасида назарда тутилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этиш тартиби тұгрисидағи Низомни икки ҳафта муддатда тасдиқлаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази хузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталини ахборотлар билан таъминлаш ва ривожлантириш гурухи томонидан белгиланган муддат ва шаклларда ахборотларнинг тақдим этилишини таъминлашлари кераклиги белгиланган.

Шу билан бирга, ахборотлаштириш соҳасини тизимли ривожлантириш мақсадида “Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш” томонидан “Ўзбекистон Республикасида идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимини яратиш Концепцияси”, “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув ва ҳокимият органларида электрон ҳужжат айланиши коидалари” ва бошқа Қарорлар қабул қилинган.

Қайд этилган Конун ҳужжатлари ва умуман Республика раҳбарияти томонидан қабул қилинган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар маълумотларининг электрон шаклдаги миллий базаси яратилди.

Кент доирадаги фойдаланувчилар (оддий фуқаро ҳамда юридик мақомдаги шахслар) узларининг меъёрий-хукуқий

билимларини (ҳамда маънавий савияларини) мунтазам ошириб боришлари мақсадида Конун ҳужжатлари маълумотлари базаси Миллий Интернет сегментига ўрнатилди (Интернет манзили: www.lex.uz). Унинг маълумотлар омборида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси кодекс ва қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Конституциявий суд қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумхукуқий классификатори, қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси, Алфавит-предметли кўрсаткичи, Тушунча ва терминлар маълумотномаси каби ҳужжатлар сакланади. Маълумотлар базасида кент қамровли ахборот-излаш тизими мавжуд.

АКТни давлат секторида ривожлантириш, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг фаолияти самара-дорлигини оширишда «2005-2010 йилларда миллий телекоммуникация тармоғи ва маълумот узатишни ривожлантириш Дастири» ва «2005-2010 йилларда давлат бошқарувига АКТни татбиқ этиш Дастири» муваффақиятли қўлланиб келинмоқда, шу билан бирга, «Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Давлат органларининг интеграллашган ахборот тизимини яратиш концепцияси» ишлаб чиқилган.

Қабул қилинган меёрий-хукуқий ҳужжатлар ва дастурлар ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг турли соҳаларига кент миқёсда ва жадал суръатлар билан жорий этилиши ҳамда ахборот жамияти сари ҳаракатларни фаоллаштиришга йўналтирилган.

Республикада ахборот-коммуникация соҳасидаги ишларни тизимли равишда ривожлантириш мақсадида “Ўзинфоком” компьютер ва ахборот технологияларини жорий этиш Маркази ташкил этилди. Унинг зиммасига

республиканинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, дунё ахборот жамиятига кириш ҳамда иқтисодиёт, бошқарув ва ижтимоий соҳалар фаолиятини замонавий услугуда ташкил этиш учун жамиятнинг барча йўналишларига ахборот коммуникацион технологиялар жорий этилишининг миллий стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқиши ва татбиқ килишга кўмаклашиш каби вазифалар юкланди. Шулардан келиб чиқиб, Марказнинг асосий вазифалари қўйидагича белгиланган:

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буюртмасига асосан АҚТни ривожлантириш соҳасида дастур лойиҳалари ва бошқа меъёрий-хуқукий ҳужжатлар ишлаб чиқиши;

- бошқарув, ижтимоий, иқтисодий соҳалар учун дастурий маҳсулотлар, Web-саҳифалар, ахборот-маълумотлар омборлари, мослашувчи ва қўшимча дастурий воситалар ишлаб чиқиши, шунингдек, электрон тижорат дастурини йўлга қўйишда иштирок этиши;

- компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш масалаларида кенг қўламда ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

- дунёда ва мамлакатимизда АҚТ ривожланиши, замонавий ҳалқаро стандартлар тўғрисида маълумотлар йиғиб бориш ва маърузалар тайёрлаш;

- ҳалқаро ташкилотлар, хорижий жамғармалар билан АҚТни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиши, ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва тадқиқот ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида умумтаълим тармоғини яратиш тўғрисида”ги Қарорига асосан (ПҚ 191-сонли, 28.09.2005) “Ўзинфоком” Маркази томонидан “ZIYONET” ахборот тармоғи яратилди ва Интернет тармоғига үрнатилди. “ZIYONET” тармоғининг ахборот ресурсларини яратиш ва ривожлантириш дастури, мактаб, академик лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий, маданий-маърифий му-

ассасаларнинг ушбу тармоққа уланиш жадвал-режалари, яратилган ахборот ресурсларни "ZIYONET" тармогининг технологик майдонига жойлаштириш жараёнлари Вазирлар Маҳкамасининг «ЗиёНЕТ» ахборот тармогини ривожлантириш тұғрисида" ги (№ 282, 28.12.2005) Қарорида белгиланған тартиблар асосида амалга оширилди.

Олий таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида www.edu.uz манзилида олий үкув юртларининг Интернет-Портали ишга туширилди. Унинг ёрдамида вазирлик ва олий үкув юртлари үртасида электрон шаклдаги ахборот алмашиш жараёнлари йүлга күйилди.

Охирги пайтларда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тизимининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида савдо жараёнларининг ахборот технологиялари асосида ташкил этиш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Бунга "Ўзбекистон Республикаси савдо - хом ашё биржаси", "UzReport (Бизнес-Еженедельник)", "Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг www.chamber.uz" каби Интернет-порталларининг яратилиши ва улар асосида Ўзбекистондаги тадбиркорларнинг ӯзаро ва чет эллик ҳамкорлар билан савдо жараёнларининг амалга оширилиши яққол мисол бўла олади. Порталларда Ўзбекистон шароитида этиштирилган маҳсулотлар, уларни харид қилиш тартиблари тұғрисидаги маълумотлар маҳсус танланган дизайнлар асосида келтирилади. Порталларнинг бош саҳифасида Гиперматнларда келтирилган сұзлар устида сичқон тұтмачаси босилса, Порталнинг тармоқдаги бошқа компьютерларида сақланыттан саҳифаларида жамланган маҳсулот турлари ва харид қилиш, олинган маҳсулотни манзилита етказиб бериш шарт-шароитлари, сотувчининг манзиллари ва бошқа маълумотлар фойдаланувчининг компьютерида жуда осон очилади. Иккала томон электрон почта орқали фикр алмашиб, бир қарорга келгандан сұнг маҳсус шаклдаги электрон шартнома тузилади ва шу битим асосида савдо-сотиқ амаллари бажарилади. Порталларнинг дизайн ва дастурлари жаңон андоざларига мөс қилиб яратылғанлитини ҳам қайд этиб үтиш жоиз.

Бугунги кунда тўловларни электрон шаклда амалга ошириш жараёнлари жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда унинг мутасадди ташкилотлари томонидан Республикада қабул қилинган меъёрий хужжатларда келтирилган тартиб ва қоидаларга асосланиб, Е-Хужжат, Е-Хат тизимлари ишлаб чиқилди ва улар буғунги кунда давлат идораларига татбиқ этилмоқда.

Е-Хат муҳофазаланган электрон почта тизими ҳисобланиб, у корпоратив жараённи мижозлар ўртасида муҳофазаланган электрон хабарлар билан алмашишни таъминлайди¹.

Умуман олганда, ҳозирги кунда Республикада электрон хужжат айланиши тизимларининг 10 га яқин тури мавжуд. Энг кенг қўлланаётган тизимлар миллий корхоналар ва чет эл компаниялари томонидан ишлаб чиқилган «Гермес», «Евфрат», «Лотус Домино» ва бошқалар. Қўлланилаётган тизимларининг асосий камчилиги электрон хужжатга юридик мақом бериш имконининг йўқлиги ва фойдаланувчилар томонидан ишлатилиш жараёнининг мураккаблиги ҳисобланади.

Ундан ташқари, тизимларининг асосий қисми Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 29 мартағи 140-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йуриқнома»си асосида ишлаб чиқилмаган. Тизимларининг ўзаро ишлай олиш масаласи ҳозирги кунда ҳал қилинмаганлиги ачинарлидир.

Айни пайтда, фақат «Е-Хужжат» тизимидағина юридик мақом бериш имкони мавжуд.

Электрон шаклдаги хужжатларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мақомини “қофоз”да битил-

¹ Е-ХАТ муҳофазаланган электрон почта тизими. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ахборот-таҳлилий бюллетени. ICTNEWS № 8 16-2010 йил 30 апрель.

ган хужжатлар билан тенглаштириш ва уларга юридик мақом бериш масалалари электрон хужжатни электрон рақамли имзо билан мұхрланиши орқали ечилади. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги” нинг мутасадди ташкилотлари томонидан электрон рақамли имзонинг миллий андозалари ишлаб чықылды ва тасдиқланди:

- О‘zDST 1092:2009. “Ахборот технологияси. Ахборотни криптографик тарзда мұхофаза қилиш. Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари”.
- О‘zDST 1105:2009. “Ахборот технологиялари. Ахборотни криптографик тарзда мұхофаза қилиш. Маълумотларни шифрлаш алгоритми”.
- О‘zDST 1106:2009. “Ахборот технологияси Ахборотни криптографик тарзда мұхофаза қилиш. “Хеширлаш” функцияси”.

Келтирилган миллий стандартлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан иасдиқланиб, “Ўздавстандарт” да рўйхатга олинган.

Албатта, меъерий-хуқуқий хужжатларни шакллантириш босқичида амалга ошириладиган ишларнинг күлами гоятда кенг бўлиб, уларни бажариш учун, биринчи навбатда, идора фаолиятида ахборот технологиялари имкониятларини қўллаб иш юритишга йўналтирилган янги психологик мухитни шакллантириш ва ходимларнинг янги услубда ишлашлари учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш тақозо этилади.

АҚТни давлат бошқарувига жорий этиш ва ривожлантиришда АҚТни нафақат марказларда, балки республиканинг худудий бошқармаларида ҳам ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2008 йил 3 сентябрдаги 08-1-72-сонли топшириғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида хўжалик ҳисобидаги (вилоят) компьютерлаштириш марказлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 12 апрелдаги 24-соңли мажлис баёнига асосан UZINFOCOM Маркази таркибида «Вилоят компьютерлаштириш марказларига амалий ёрдам бериш гурухи» ташкил этилди.

Вилоят компьютерлаштириш марказлари шаҳар ва туман ҳокимликлари ўзларининг худудий бўлинмалари (туман компьютерлаштириш марказлари)га эга.

Ҳозирги кунда республиканинг деярли барча давлат органлари ўз веб-сайтларини яратиб, Интернет тармоғига жойлаштирганлар, улар ишончли равишда фаолият кўрсатмоқда, веб-сайтларни ахборот билан таъминлаш ҳамда ташкил куриниши (дизайни) талаб даражасида бўлмоқда. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан давлат органларининг расмий веб-сайтларига давлат органларининг ахборот ресурслари маҳоми берилган.

Давлат органлари веб-сайтларига кириш мумкинлиги даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Агар 2006 йилда ҳокимликлар веб-сайтларига кириш мумкинлиги ўртача даражаси 52,5%ни ташкил этган бўлса, 2010 йил натижаси бўйича бу кўрсаткич 92,6% ни ташкил этди¹.

Давлат органлари веб-сайтларини шакллантириш ва ривожлантириш маҳсадида UZINFOCOM Маркази томонидан муентазам равишда давлат органларининг веб-сайтларига кириш мумкинлигининг мониторинги олиб борилади.

АКТни ривожлантириш бўйича қабул килинган хукумат қарорлари, дастурлар ва вазифаларни бажариш натижасида АКТни давлат бошқарувида ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қўйидағи натижаларга эришилди²:

– давлат ходимларини компьютер техникаси билан таъминлаш 90 %, марказий аппаратларда локал тармоқларни яратиш 98,3%, ходимларнинг компьютерда ишлаш кўнинмаларини эгаллаш даражаси 68,3%, идора ичida қоғозсиз хужжат алмашиш улуши 53% га етди;

¹ X.A.Мухитдинов. (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, иктиносод фанлари номзоди) Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим, бошқарув ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда кенг фойдаланиш. Маъруза. -Т, 2011.

² Ўша манба.

– «.uz» домени зонасида рўйхатга олиш нархи 15 АКШ долларидан милллий валутага – сўмга ўтказилиб киймати 6 минг сўмга (яъни 35% га) туширилди:

– 2010 йилда кўшимча 1,5 минг веб-сайт рўйхатдан ўтди ва жами домен номлари сони 11 мингтани ташкил этди (усиш 16%) ва ҳ.к.

Кисқаси, бугунги кунда республикада ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланмасдан иш юритадиган ташкилотнинг ўзи қолмади, десак му болага бўлмайди.

Буларнинг барчаси аҳолида ЎзР Ҳукумати ва унинг кундалик фаолияти ҳакида тулиқ ва объектив тасаввурнинг шаклланишида мухим урин тутади.

6.2. Давлат органлари бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари

Юқорида республикада ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, эришилган ютуқлар, истиқболдаги режалар ҳакида маълумотлар ёритилган эди. Ушбу бандда ахборотлаштириш жараёнларини айнан давлат органларининг бошқарув фаолиятига жорий этилаётганлигининг ҳолати, бу йўналишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича фикр ва мулоҳазалар келтирилади.

Биринчи навбатда, таъкидлаш жоизки, республика давлат органларининг ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланганлиги кундан-кунга қўпайиб бормоқда. Буни “Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш” ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлитининг ҳисобот ҳужжатларида келтирилган материаллар ҳам тасдиқлайди¹.

¹ ЎзРАААда 2010 йил биринчи чорагида АҚТни ривожлантириш якунлари яълон қилинди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ахборот – таҳлилий бюллетени. ICTNEWS № 8. 2010 йил 16–30 апрель.

Жумладан, давлат органлари марказий аппаратлари-да локал-компьютер тармоқларини жорий этилганлик да-ражаси қарийб 90 % ни ташкил этганлиги, давлат бош-қарув ва ҳукумат органлари ҳамда уларнинг жойлардаги тузилмаларининг жаҳон Интернет тармоғига уланганлиги 1023 тадан ошиб кетганлиги, ҳокимиятларда “электрон ҳужжат айланиши” тизимини яратиш бўйича ишлар бош-лаб юборилганлиги, электрон рақамли имзони жорий этиш бўйича ишлар ниҳоясига етиб қолганлиги, ахборот хавф-сизлигини таъминлаш бўйича тегишли норматив ҳужжат-лар қабул қилинганлиги ва бошқа ишларни амалга оши-рилганлитини эътироф этиш мумкин.

2010 йилнинг биринчи чорагига келиб Республикада Интернет фойдаланувчиларининг тахминий сони икки миллион саккиз юз мингдан ошиб кетганлиги қайд этилган¹ бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 7, 3 миллионни ташкил етди². Бу кўрсаткич аҳолининг қарийб ўн фоизини ташкил этади, яъни ҳар 1000 кишига 100 та Интернет фойдаланувчиси тўғри келади. Агарда ривожланган давлатларда аҳолининг 65-70 фоизи Интернет тармоғида ишлашини назарда тутадиган бўлсак, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ҳали амалга оширилиши керак була-диган ишларнинг кўламини тасаввур қилиш қийин эмас.

Давлат бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларини жорий этишдан асосий мақсад, яқин келажакда курсатилаётган хизматларнинг сифат кўрсаткичларини бир неча гонага кўтариш, илмий асосда чукур фикр юритиб, республикада демократлаштириш жараёнларини янада жадаллаштиришдан иборат.

Бундай натижаларга давлат бошқарувини янги сифат даражасида ташкил этиш, яъни “Электрон ҳукумат” ти-

¹ ЎзРААА да 2010 йил биринчи чорагида АҚТ ни ривожлантириш якунлари яълон қилинди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ахборот – таҳтилий бюллетени. ICTNEWS № 8. 2010 йил 16-30 апрель.

² Х.А.Мухитдинов. (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, иктисол фанлари номзоди) «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим, бошқарув ва иктисолиёт тармоқларини ривожлантиришда кент фойдаланиши». Маъруза. -Т, 2011.

зими асосидаги фаолият технологиясини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан эришиш мумкин. Тизимли ёндашиб, давлат хизматларини биринкетин электрон шаклда амалга ошириш кўзланган мақсадга олиб келиши шубҳасиздир.

Ушбу кўлланманинг 4-бобида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг бошқарувига жорий этилган электрон хукумат тизимларининг фаолият тажрибасига асосланиб, утиш даврини бошидан кечираётган давлатларнинг бошқарувига электрон хукумат тизимини жорий этишда, биринчи навбатда, қандай йўналишларга аҳамият бериш кераклиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган эди.

Уларга асосланиб шуни қайд этиш жоизки, мустакилликка эришган мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига утишининг дастлабки давридан бошлаб демократик таомилларга асосланган давлат бошқарув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи бошқариш тизимининг самарали механизмларини яратиш ва тартибга солиш буйича ишлар амалга оширила бошланди ва сезиларли даражадаги натижаларга эришилди - давлат бошқаруви органларининг тузилмалари такомилластирилди, айрим бошқарув жараёнлари номарказлаширилди ва жойларга ўтказилди, давлат хизматларининг янги шакллари юзага келди ва ҳоказо.

Натижада давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ортиқча кенгайиб кетиши, уларнинг бизнес жараёнларита асосиз аралашув ҳолатлари (бир-неча идора бир хужалик субъектини қайта-қайта текшириши, бизнес юритишининг хужжат юритиши (транзакция) харажатлари кўпайиб кетиши ва бошка салбий оқубатлар) юзага келишининг олди олинди. Улар маъмурий ислоҳот доирасида тўлақонли функционал таҳлил ўтказиш асосида амалга оширилди.

Юқорида қайд этилганидек, республикада ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш азалдан устувор йўналишлардан бири ҳисобланади, лекин айнан электрон хукумат тизимини яратишга йўналтирилган ишлар 2004 йилдан бошлаб амалга оширила бошланди, десак

муболага бўлмайди. Шу йили Республикада “Давлат бошқарувида Электрон ҳукумат” мавзууда халқаро анжуман ўтказилди, унда жаҳондаги ривожланган давлатларнинг вакиллари ўз маъruzalari билан иштирок этдилар, республика раҳбарияти ва мутасадди ташкилотлари ушбу йўналишни ривожлантириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида маълумот бердилар.

Сўнг Сирдарё вилояти “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш бўйича “Пилот ташкилот” этиб тайинланди ва вилоят ҳокимиятининг бошқарув фаолияти доирасида “Электрон ҳукумат” тизимининг дастлабки вариантини яратиш бўйича “Пилот лойиҳа” тайёрланди ва режалаштирилган ишлар амалга оширила бошланди: вилоят ҳокимияти аппарати ва туман ҳокимиятлари компютерлаштирилди, ҳужжат айланиши тизими ўрганиб чиқилди ва унинг асосида маҳсус дастурий таъминот тайёрланди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида вилоят ва туман ҳокимликларининг раҳбар ходимлари учун “Давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизими” мавзууда маҳсус семинар машғулотлари ўтказилди ва ҳ.к.

Пилот лойиҳасида режалаштирилган ишлар ҳар хил объектив ва субъектив сабабларга кўра юз фоиз амалга ошираган бўлса-да, у республикада электрон ҳукумат тизими услубларини жорий этиш бўйича дастлабки қадам ҳисобланади. Лойиҳа бошқа вилоят ҳокимликларида бошқарув тизимини янги услубда ташкил этиш бўйича ишларнинг “жонланиб” кетишига сабабчи бўлди.

АКТни давлат бошқарувида қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши ва истиқболли эканлиги ҳамда жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда Ҳукумат порталини яратиш ва ривожлантириш масаласи республикада электрон ҳукуматни шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор вазифаси қилиб белгиланди.

Қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва чора-тадбирлар режасини амалга ошириш натижасида электрон ҳукуматнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган

Хукумат порталиниң динамик веб-сайти 2003 йилнинг сентябрь ойида илк бор ишлаб чиқилди ва www.gov.uz манзили билан Интернет тармоғида жойлаширилди.

Бугунги кунда ЎзР Вазирлар Мажхамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон Қарорига асосан Хукумат порталиниң янги варианти ишлаб чиқылыб, Интренет тармогига үрнатылған. Портал Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг расмий давлат ахборот ресурсы хисобланади. Қарорда Хукумат порталида чөп этилган ахборот оммавий ахборот воситала-рида чөп этилган ахборот билан тенг күчта эга эканлыги белгилаб қойылған.

Хукумат порталиниң (12,13,14-расмлар) асосий мак-сади қуидагилардан иборат:

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ри-вожлантириш, ташкилотлар томонидан юридик ва жис-моний шахсларга интерактив давлат хизматлари құрса-тиш учун мұлжалланған ижтисослаштирилған ахборот тизимларини яратиш;

- тегишли ахборот ресурсларини ташкил этиш ва жой-лаштириш үйли билан республика ақолиси ҳамда халқаро жамоатчылыкни Ўзбекистон Республикаси Хукумати фаоли-яты, республиканиң ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-икти-садий ҳаётида амалта оширилаёттан ислоҳотлар тұғрисидаги маълумотлар билан мунтазам хабардор қилиб борип;


- ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан үзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш;

- ақолини тегишли ташкилотлар билан үзаро ҳамкор-лик қилиш имкониятлари ва тартиботлари тұғрисида ха-бардор қилиш;


- ахборотларни идоралараро электрон айирбошлашни бирхиллаштириш каби вазифаларни бажарып хисобла-нади.

Порталда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимо-ий-иктисадий ҳаёти, республиканиң давлат тузилиши тар-


киби, республикани бошқаришнинг давлат, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий институтлари, мамлакатдаги муҳим воқеалар, ташкилотларнинг фаолияти, шунингдек тузилмаси, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва алоқалари, интерактив давлат хизматлари, юридик ва жисмоний шахслар учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш ёки олиш шартлари, шакллари, бланкалари, тартиби ва тартиботлари, ташкилотларнинг турли тузилмалари ва давлат ҳокимияти органларидан олинган тадбирлар тұғрисидаги маълумотлар ва бошқа умумий фойдаланыладиган маълумотлар мунтазам равишда ёритиб борилади.



12-расм. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат Портали бош сахифасининг кўриниши.



13-расм. Ўзбекистон Республикаси Хукумат Портали бош саҳифасининг давоми.



14-расм. Ўзбекистон Республикаси Хукумат Портали бош саҳифасининг давоми

Портал ҳамма категориядаги Интернет фойдаланувчиларининг давлат ахборотлари ва хизматларига чиқишилари учун марказий “нукта” ҳисобланади.

Порталда Ўзбекистон Республикасининг расмий ахборот ресурслари уч тилда (узбек, рус, инглиз) ташкил этилган (манзили: www.gov.uz) .

Порталнинг бош саҳифасидан бир нечта давлат органларининг асосий саҳифаларига кириш, республика раҳбарияти, вазирлик ва бошқа идораларнинг Web-саҳифаларига тўғридан-тугри ўтиш мумкин.

Шунингдек, Порталда республика тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, кундалик янгиликлар мунтазам рәвишда ёритиб борилади. Хукумат Порталига янги платформадаги G2B ва G2C модулларининг элементлари жорий этилган¹.

Хозирги кунда Хукумат портали республиканинг энг күп мурожаат этиладиган Интернет ресурсларидан бирига айланган. Порталга бир ойда 30 мингдан ортиқ Интернет фойдаланувчилари ташриф буюрадилар, Портал орқали 130 мингдан ортиқ бошқа веб-сайтларга ўтишлар қайд этилган, Портал республикадаги энг машҳур 15та веб-сайтлар сарасига киради².

Шу билан бирга, Интернет тармоғида барча вилоят ҳокимиятларининг Web-сайтлари яратилган, ахборотлари вақти-вақти билан янгиланиб туради, улар Республика Web-Порталига боғланган, яъни www.gov.uz манзилининг бош саҳифасидан исталган вилоятнинг Интернет саҳифаларига чиқиши мумкин.

Хукумат портали фойдаланувчиларини Хукумат ва давлат органларининг фаолияти ҳақида атрофлича хабардор

¹ Интернет хизматлари – ривожланиш йўлида. Алока ва ахборотлаштириш соҳаси ахборот – таҳлилий бюллетени. ICTNEWS № 6 16-31 март 2010 й.

² X.A.Мухитдинов (Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириши агентлиги Бош директори, иктисад фанлари номзоди) «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим, бошқарув ва иқтисодиёт тармоқларини ривожстантиришида кенг фойдаланиш». Маъруза -Т, 2011 йил.

қилиш мақсадида UZINFOCOM Маркази томонидан Хукумат порталининг мобиль версияси ишлаб чиқилган ва Интернет тармоғида – www.mgov.uz манзил буйича жойлаштирилган.

Портал доирасида интерактив давлат хизматлари (22-чизма) йўлга қўйилган.

Интерактив давлат хизматлари (ИДХ) доирасига идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар киради. Улар қўйидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) – тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш буйича хизматларни амалга ошириш;

- электрон хужжатларнинг хар хил шаклларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш (бир томонлама ўзаро ҳамкорлик);

- икки томонлама ахборот айирбошлиш - сўров буйича қабул қилиш, таҳлил ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буортманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш, натижаларини тақдим этиш);


- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошлишини амалга ошириш, шу жумладан, пуллик хизматлар кўрсатиш.

Интернетнинг умумий фойдаланиладиган тармоғи воситасида кўрсатиладиган ИДХ факат идораларнинг расмий веб-сайтлари орқали, шунингдек, Хукумат портали орқали кўрсатилиши йўлга қўйилган.

ИДХни ривожлантириш ва жорий этиш, уларнинг сони ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида миллий фойдаланувчилар давлат органларининг веб-сайти орқали кўрсатиладиган кўплаб онлайн хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Натижада, бугунги кунда давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг веб-

сайтлари орқали ИДХ асосида 384 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатилади¹.

Интерактив давлат хизматларининг жорий этилиши давлат функцияларининг бажарилиш самарадорлиги ва тезкорлигининг ошишига, идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасининг кенгайишига, ўзаро ҳамкорлик учун сарфланадиган чиқимларнинг қисқаришига, давлат органлари фаолиятининг очик-ошкоралик даражасининг ошиши ҳамда ахборот айирбошлишнинг янги механизмлари жорий этилишига олиб келади.



22-чизма. Интерактив давлат хизматларининг схемаси

2010 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ўзбекистон Хўкуматига Мамлакат ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмак» (ICTP) ло-

¹ Х.А.Мухитдинов (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, иктиносод фанлари номзоди) «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим, бошқарув ва иктиносидёт тармокларини ривожлантиришида кенг фойдаланиш». Маъруза -Т., 2011 йил.

Йиҳасининг ташаббуси билан давлат хизматларини кўрсатиш бўйича «Ягона ойна Маркази» очилди. Ягона ойна Маркази (ЯОМ) давлат хизматларини курсатиш шаклини ўзgartирган ҳолда хизматдан фойдаланиш учун керак бўладиган жараёнлар сонини қискартиришга қаратилган давлат хизматларини курсатишга янгича ёндашини ҳисобланади.

Янгиликнинг мазмuni шундан иборатки, фуқаролар учун тақдим этиладиган давлат ва жамоат хизматлари битта жойда мужассамлаштирилади, фуқаролар эса, вакъларини сарфламасдан, Ягона ойна Марказида турли маълумотномалар, кўчирмаларни олишлари, рўйхатдан ўтишлари, бундан ташқари бошқа хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Ушбу ташаббусни амалга ошириш натижасида, ЯОМ фуқаролардан турли талабномаларни олади, уларни қайта ишлайди, сунгра фуқароларга тайёр ҳужжатларни тақдим этади. Давлат божлари, турли пуллик давлат хизматлари ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун ЯОМ биносида банкнинг бўлими жойлашган. ЯОМ туфайли туманнинг исталган фуқароси ижтимоий таъминот, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик билан боғлиқ масалалар, уй-жой-коммунал ҳўжалиги, иш билан таъминлаш, ер-мулк билан боғлиқ масалаларни ўз вақтини кетказиб, турли идора ва ташкилотларга бормасдан бевосита ЯОМда ҳал этиши мумкин.

Ҳозирги кунда ЯОМ туман аҳолисига 14 та давлат хизмати томонидан 50 га яқин хизматларни тақдим этмоқда, у қиска муддат ичидаги бир қатор ижобий натижаларга эришди: ЯОМга туманнинг 12 мингдан ортиқ фуқароси ташриф буюрди, уларнинг 90%и кўрсатилаётган хизматлар сифатидан мамнун бўлиши.

ЯОМнинг автоматлаштирилган ахборот тизими туман ҳокимлигининг функцияларидан келиб чиқсан ҳолда фуқаролар ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар жараёнини автоматлаштириш ва ахборот қўллаб-куватлаши учун мўлжалланган. Тизим умумлаштирилган ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган. Ҳозирги кунда жо-

рий этилган ахборот тизими қоғоз шаклидаги хужжат айланышидан қисман воз кечиш имконини берди, бундан ташқари асосий хизматлар билан файллар алмашишини таъминлаш максадида электрон алоқани ўрнатиш ва ўз навбатида фуқаролар аризалари бўйича қарор қабул қилишни тезлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. ЯОМда ўрнатилган электрон навбат тизими ташриф буюрувчilar оқимини самарали бошқариш имконини беради.

Ушбу тажрибани келажакда Тошкент шаҳрининг бошқа туманлари ҳамда республиканинг бошқа худудларида ҳам ташкил этиладиган ЯОМларни яратишида қўллаш кўзда тутилмоқда.

Марказ томонидан тақдим этилаётган хизматлар таҳлил қилинганда, биринчи навбатда, аҳоли ижтимоий масалалар билан Марказга мурожаат этганлиги аникланди.

Жумладан, Марказга ташриф буюрган 12 мингдан ортиқ фуқароларнинг 59%и Марказ томонидан тақдим этилаётган 4 та хизматга мурожаат этган:

халқ таълими туман бошқармаси, бюджетдан ташқари нафака жамғармаси, маҳалла қўмитаси ва бандликка кўмаклашиш маркази.

Шу билан бирга, 11% аҳоли тадбиркорлик субъектлари бўлиб, улар Марказга тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича маслаҳатлар учун мурожаат этганлар.

Ташриф буюрувчilar сонининг ортишига ушбу тумандаги 33 та маҳалла қўмитаси вакиллари томонидан олиб борилган ишлар, жумладан, аҳолини хабардор қилиш, эълонлар бериш, тарғибот-ташвиқот ишлари сабаб бўлди.

«Ягона ойна» маркази ишини таомиллаштириш, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, аҳолига интерактив хизматларни тақдим этиш максадида «Ягона ойна» марказининг веб-сайти ишлаб чиқилган ва Интернет тармоғида жойлаштирилган - www.biroyn.aуз

Ушбу сайт орқали Марказ ҳақида ва кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.

“Ягона ойна” маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва уларни оммавийлаштириш, аҳолига кўрсатила-

диган интерактив хизматлар сони ва сифатини ошириш мақсадида якин йилларда республиканинг ҳар бир туманида шундай марказлар очиш кўзда тутилган. Шу мақсадда, ҳозирги кунда қуйидаги ишлар амалга оширилган:

1. УзР Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматларини тақдим этиш учун Маҳаллий давлат ҳокимлиги органдари кошида Ягона ойна марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

2. Ягона ойна марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

4. Ягона ойна марказининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган.

5. Ягона ойна марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари белгиланган.

6. Республикаиз ҳудудлари бўйича 2015 йилга қадар Ягона ойна марказлари сонини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган.

«Ягона ойна» маркази фаолиятини такомиллаштириш мақсадида унинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиб, таълим, бандликка кўмаклашиш, нафака, соглиқни сақлаш, ер, совуқ ва ичимлик сув билан таъминлаш, тадбиркорларни рўйхатдан утказиш ва маслаҳатлар бериси, иссиқлик қуввати, газ таъминоти, электр таъминоти масалалари бўйича мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган.

Республика аҳолисига кенг миқёсда интерактив хизматларни кўрсатиш, уларга қулайликлар яратиш, уларнинг вақтини тежаш ва давлат органлари билан ўзаро алоқадорлиги самарадорлитини ошириш мақсадида ҳудудларда 2015 йилга қадар Ягона ойна марказлари сонини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Жами 2015 йилнинг охирига қадар республиканинг барча туманларида жами 196 та шундай марказларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Мухтасар этиб шуни таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш соҳасида республикамизда охирги йилларда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳар бир йўналиши бўйича алоҳида маълумот тайёрлаш мумкин.

Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидағи “Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаши” ҳамда “Алокা ва ахборотлаштириши” Агентлигининг ҳисоботларида уз аксини топганлиги сабабли, қўйида фақат олиб борилаётган ишларниң мақсадли йўналишларини келтиришни лозим деб топдик.

Республикада компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни:

- телекоммуникациялар инфратузилмаси ва Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;
- компьютер техникаси ва замонавий тармоқ ресурслари билан жиҳозланиш қўлами бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига нисбатан тобора камайиб бораётган маълум даражадаги мавжуд қолоқликни бартараф этиш;
- мамлакатнинг ягона ахборот мақонини ташкил этиш учун зарур бўлган миллий ахборот ресурслари фондини мунтазам бойитиб бориш;
- ахборотлаштириш соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- ахборотлаштириш соҳасидаги техник воситаларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш жараёнларини ривожлантириш;
- ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда ташкил этиш ва уларни ривожлантириш кўзланган мақсадга олиб келади, деган хулоса қилиш мумкин.

Банднинг якунида республикада «Электрон ҳукумат» тизимини тизимли равишда ривожлантириш борасида амалга оширилаёттан ишларни янада жадаллаштириш мақсадида муаллифнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилади.

«Электрон ҳукумат» тизимини республика миқёсида жорий этиш жараёнларини норматив ҳужжатларга асосланган ҳолда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорларида соҳани ривожлантириш бўйича аниқ

курсатмалар берилган, белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун хужжатлари ва бошқа құшим-ча норматив хужжатлар қабул қылинган.

Лекин уларда белгиланган масалаларнинг бажарилиши айрим ҳолларда түлиқ амалга ошмай қолаётганилиги ачинарлы ҳолдир. Бунга, фикримизча, асосан:

- давлат органлари ходимларининг бир тарафдан ва фуқароларнинг иккинчи тарафдан, давлат хизматларини янги, такомиллаштирилган услубда олиб боришлиши ва янги сифат даражасида назорат қилинишига психологияк жиҳатдан тайёр әмасликлари;

- жойлардаги давлат органларининг раҳбарлари томонидан «Е-хұкумат» тизимини ривожлантириш масалалари устувор йұналиш хисобланмаслиги;

- жорий этиладиган янги технологияларнинг хусусиятларини қабул қила оладиган, улардан самарали фойдалана биладиган юқори “электрон маданият” га эга бүлган мутахассисларнинг етишмаслиги;

- «Е-хұкумат» имкониятларидан күпчилик фуқароларнинг хабар топмаганларлари ва улар билан таништириш етарли даражада йүлга қўйилмаганлиги ва бошқа сабаблар тўскинлик қўлмокда.

Хозирги кунда республикамиз давлат органлари имкониятларидан келиб чиқиб, ўз идораларига ҳар хил андозалар асосида ишлайдиган электрон хужжат айланиси тизимини жорий этажтилар. Уларнинг тури ўндан ортиқ. Энг кенг қўлланилаёттан тизимлар миллий корхоналар томонидан ишлаб чиқилган «Гермес», «Е-Хужжат», «FIDODOCFLOW» тизимлари ва чет эл компаниялари томонидан ишлаб чиқилган «Евфрат», «Лотус/Домино» ва бошқалар.

Қўлланаётган тизимларнинг асосий камчилиги, қўлланманинг тегишли бандларида қайд этилганидек, электрон хужжатта юридик мақом бериш имконининг йўклиги ва кўпгина тизимларнинг фойдаланувчилар томонидан ишлатиш жараёнининг мураккаблиги ҳисобланади.

Тизимларнинг асосий қисми Вазирлар Мажкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон Қарори билан тасдиқланган

«Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, ўюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиши ва ижро назоратини ташкил этиши бўйича йўриқнома»си асосида ишлаб чиқилмаган. Тизимларниң ўзаро ишлай олиш масаласи ҳам ҳал қилинмаган.

Вақт ўтиши билан бундай ҳолатларниң ортиб бориш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бунинг олдини олиш учун, албатта, раҳбарият томонидан тасдиқланган юқорида қайд этилган дастур ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилса ва бундай расмий ҳужжатларда қайси даражадаги давлат органида қандай тизим ишлатилиши кераклиги аниқ кўрсатилса, давлат органининг ҳар бир бўғини учун электрон иш юритиши ҳужжатларининг турлари ва шакллари ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки маълум бир даражадаги давлат органи ўзига тегишли ҳужжат турлари ва шакллари бир хил даражадаги ҳамма давлат идоралари учун “ноёб” ҳисобланиши лозим.

Хозирги кунда факат «Е-Ҳужжат» тизимида юридик мақом бериш имкони мавжуд.

Амалдаги қонун ҳужжатларида веб-сайтларга жойлаштирилаётган ахборотларниң санаси кўрсатилиши ва уларниң мунтазам янгилаб борилиши белгилаб қўйилган. Веб-сайтлардаги ахборотни янгилаш даврийлиги уларниң эгалари томонидан кўрсатилган. Кўптина сайтларда янгилик ва ахборотлар тез-тез (бир ҳафтада камида бир марта) янгилаш борилиши кузатилади, лекин, айрим сайтларда янгилик ва ахборотларниң янгилашини даврийлиги бир мунча “чузилиб” кетиш ҳоллари йўқ эмас. Бундай ҳолатлар, биринчи навбатда, Интернет фойдаланувчиларининг веб-сайт эгаларига бўлган эътиборниң камайлишига сабаб бўлади.

Билдирилган фикрларни якунлаб, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда:

1) давлат органларининг фаолиятини электрон ҳукумат услублари асосида олиб борилишининг меъёрий-ҳукукий асослари яратилган;

2) Республика “Алоқа ва ахборотлаштириш Агентлигі” ва унинг мутасадди ташкилотлари томонидан давлат органлари фаолиятини электрон шаклда ташкил этилишининг асосий дастурлари ишлаб чықылган;

3) Республика миқёсида давлат органларининг компьютерлаштирилганлик даражасини “паст” деб бұлмайды.

Этік катта муаммо – бу давлат органлари ходимларининг ўз фаолиятларини бир неча йиллар давомида шаклланиб қолган усуулдардан воз кечиб, яңгыра оғанда – «Электрон ҳукумат» услуглары асосида ташкил этиб иш юритишига үтишлари ҳисобланмоқда. Ағасуски, бундай катта “психологияк түсік”ни босиб үтиш жараёны гоятда қойылған кечаяпты.

Албатта, юқорида қайд этилган муаммоларни бирданың қалыптасылышы мүшкүл иш. Бу масалага тизимли ёндашиб, яъни «Электрон ҳукумат» услугларини жорий этиши буйиича жойларда амалга оширилаётган ишларни мувоффиклаштирган қолда ташкил этиш яқын келажақда күзланған мақсадға олиб келиши шубхасизdir.

Савол ва топшириқлар

1. ЎзР Президентининг 2002 йил 30 майдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндеги Қарори-нинг мазмун ва мөхиятини түшүнтириб беринг.
2. ЎзРда миллий ахборот тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қайси қонун ҳужжатларыда ёритилған?
3. ЎзР да ахборотлаштириш соҳасида қабул қилинган асосий қонун ҳужжатларини тавсифлаб беринг.
4. Республикада ахборотлаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун яна қандай мөъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши зарур деб үйлайсиз?
5. Республикада “Электрон ҳукумат” тизими услубларини яратиш ва жорий этиши ишлари қайси йиллардан бошлаб ривожлана бошлади?

6. Республика Ҳукумат Портали қандай имкониятларга эга?
7. Интерактив давлат хизматлари қандай хизмат турла-
рини амалга оширади?
8. “Ягона ойна маркази” хизматларини изоҳлаб беринг.
9. Республикада “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш
бўйича қилинаётган ишларни жадаллаштириш йуна-
лишида қандай муаммолар мавжуд ва уларнинг ечи-
мини топиш ишларини қай тарзда амалга ошириш ке-
рак деб ҳисоблайсиз?

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов-нинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” да (2010 й. декабрь) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида республикамиз олдига кўйилган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсшини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларга бутунги кун нуқтаи назаридан баҳо берилган.

Жумладан, унда бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-хукукий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юритмизда кўп partiya вийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги ва уларни янада такомиллаштириш кераклиги тўғрисида аниқ фикрлар келтирилади.

Шу билан бирга, Концепцияда амалга оширилган ва режалаштирилган ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар суръатига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва хукукий маданиятининг юксаклиги ва, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуклиқ даражаси, уларнинг Ўзбекистон тақдири ва келажагига дахлдор масъулиятли вако-

латларини ўз зиммаларига олишга қай даражада тайёр экан-лигига бевосита боғлиқтаги алоҳида таъкидланади.

Бундай улкан вазифаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ни кўлламасдан туриб ҳал қилинишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Зеро бутунги кунда АКТ деярли барча соҳаларга - таълим, маданият ва, умуман кундалик ҳаётта чукур кириб бормоқда. Давлат бошқарувидаги АКТни қуллаш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш даражаси Узбекистоннинг кейинги ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланмоқда.

Миллий ахборот тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникиси ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш ва жорий этиш масалаларини кенг миёсда йўлга қўйиш, ахолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириб бориш ва жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш АКТ соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мазкур ўкув-услубий қўлланма давлат органларининг бугунги кундаги кўп киррали фаолиятларини, иш юритиши жараёнларини, ахолига курсатадиган хизматларини, бизнес субъектлари билан олиб борадиган муносабатларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш йўналиши бўйича муаллифнинг Академияда бир неча йил давомида олиб борган изланишлари ва маъруза материаллари асосида яратилган.

Унда ахборот, ахборот технологиялари, ахборот тизимлари, Интернет технологиялари ва уларнинг имкониятлари ҳакида асосий тушунчалар келтирилади. Давлат органи бошқарув жараёнларини “Менежмент” фанида кенг қабул қилинган пирамида шаклида тасвирилаш, унинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишларни, айланадиган ва қайта ишланадиган ахборотларни аниклаш асосида ҳар бир босқич фаолиятини акс эттирадиган маҳсус ахборот тизимини яратиш тавсия этилади.

Бундай ёндашув стратегик тактик ва оператив бошқарув жараёнидаги бажариладиган функцияларнинг мос рашидда ахборот тизимлар пирамидаси шаклида яратилишига ва кейинчалик улар бир-бирлари билан боғланиб, ягона тил ва андозалар асосида фаолият кўрсатадиган бошқарув ахборот тизимининг шаклланишига асос бўлади.

Бошқарув ва ахборот пирамидаларини үзаро уйғунашуви натижасида модуллилик, очиқлилик, масштабланиши, тарқатилганилик, конфиденциаллик, химояланганлик каби тамойилларга жавоб бера оладиган замонавий бошқарув ахборот тизими яратилиши мумкин.

Услубий қўлланмада барча маъмурий талабларга жавоб бера оладиган ҳудудий ижро ҳокимияти бошқарув ахборот тизимининг замонавий дастурий-техник воситалар асосида яратилиши ва бу борада қўйидаги омилларга алоҳида эътибор берилиши тавсия этилади:

- бошқарув ахборот тизими қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак: ахборот фонди, стратегик (юқори босқич), тактик (ўрта босқич) ва оператив (куйи босқич) бошқарув ахборот тизимлари ҳамда алоқа-коммуникация воситалари;

- бошқарув ахборот тизими олдиндан тузилган аниқ режа бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши ва ҳар бир босқичда тегишли дастурий, техник ва коммуникацион ташкил этувчилар ўрнатилиши ва ишга туширилишидан ташқари мазкур функционал бўлак билан ишловчи фойдаланувчиларни компьютер техникиси ва тегишли дастурий таъминот билан ишлашга ўқитиш масалалари ҳам ҳал этилиши лозим.

Қўлланманинг кейинги бобларида давлат органлари ва ҳокимиятларнинг умумий бошқарув фаолиятлари ҳамда иш юритиш жараёнларини «Электрон ҳукумат» услубларини кенг жорий этиш асосида такомилаштириш бўйича маълумотлар келтирилади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимиётлар бошқарув фаолиятларига ривожланган хориж мамлакатларда кенг қўлланилаётган «Электрон ҳукумат» тизи-

мининг услубларининг босқичма-босқич жорий этилиши қисқа муддат ичида худудий давлат идоралари фаолиятидаги ахборотларни шакллантириш, уларни қайта ишлаш, саклаш ва узатиш борасидаги жараёнларни компьютер ва Интернет технологиялари ёрдамида бошқаришга асос бўлади, бу эса, ўз навбатида, хужжатларни сифатли (хатоларсиз) ва оператив тайёрлаш эҳтимолининг ошишига, давлат идораларининг ўзаро, аҳоли ва бизнес ташкилотлари билан олиб борадиган муносабатларини кенг қамровли тахлил асосида ташкил этишга, қабул килинадиган қарорларнинг сифати, тезкорлиги ҳамда кўрсатилаёттан хизматлар маданиятининг такомиллашишига, пировард натижада, давлат бошқарув тизимини фаолиятини демократик тамоилийларга асосланиб юритишга сабаб бўлади.

Услубий қўлланмада давлат органлари ва ҳокимиятларнинг бошқарув фаолияtlари ва иш юритиш жараёнларини электрон ҳукумат тизимининг усул ва шакллари асосида ташкил этилиши натижасида давлат идоралари, жамоатчилик ва бизнес тузилмаларига яратиладиган кулайликларнинг тавсифи келтирилади.

Электрон ҳукумат тизимини бир неча босқичда яратиш кўзланган натижага олиб келиши щубҳасизdir. Дастлаб давлат бошқарув идораларида Инtranet тармогини жорий этиш, уларни ўзаро муносабатларини таъминлайдиган давлат бошқарув тизимининг Интернет-Портали ва унинг асосида ягона ахборот ҳудудини шакллантириш, идоралардаги иш юритиш жараёнлари, мувофиқлаштириш масалалари ҳамда аҳоли ва бизнес ташкилотлари билан олиб бориладиган муносабатларни ушбу ахборот ҳудуди асосида амалга ошириш мақсадга мувофик бўлади. Интернет-Порталнинг мазмуни ва дизайнига қўйиладиган талаблар Интернет-Портал яратиш бўйича тайёрланадиган лойиха хужжатларида батафсил ёритилиши зарур бўлади.

Давлат органларининг бошқарув жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш борасидаги ишларни бошқариш ва мувофиқлаштириш билан биргаликда, жойлардаги давлат идораларида фаоли-

ят кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш масаласи ҳам назардан четда қолмаслигига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаш жоиз. Интернет-технологияларида ишлаш тажрибасига эга бўлмаган ходимларни ушбу технологиялар асосида иш юритишга ўргатиш алоҳида масъулиятни талаб этади. Давлат бошқарувидаги ходимларни ўқитиш жараёнлари қуидаги уч босқичда амалга оширилса, мақсадга мувофик бўлади:

- биринчи босқич – давлат идоралари ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш;
- иккинчи босқич – Интернет-технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш;
- учинчи босқич – “Электрон ҳукумат” ва унинг шакллари, Интернет технологияси асосидаги “Электрон ҳукумат” тизимини ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси, Интернет технологиялари асосида “қофозсиз” иш юритиш, электрон шаклдаги хизматларни ташкил этиш, бизнес тузилмалари билан муносабатларни олиб бориш услубларига ўргатиш бўйича ўкув курсларини ташкил этиш.

Юқорида таъкидланганларнинг барчаси ходимларда “Электрон ҳукумат” услублари асосида иш юритиш кўнималарининг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I. Фармонлар, қарорлар, қонунлар ва бошқа хукуқий хужжатлар
- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: «Ўзбекистон», 1992.
 - 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” тўғрисидаги 3080-сонли Фармони, 2002 йил, 30 май.
 - 1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли Қарори, 2002 йил 6 июнъ.
 - 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Конуни, 2003 йил декабрь.
 - 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги Конуни, 2004 йил апрель.
 - 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Конуни, 2004 йил апрель.

II. Китоблар, илмий мақола ва рисолалар

- 2.1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисида ўқилган маъруза, 2010 й. декабрь.
- 2.3. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш тажрибаси. UNDP. Digital Development Initiative Programme, 2005. 204 б.
- 2.4. Ю.А.Кулаков Ю.А., Луцкий Г.М. Компьютерные сети. «Москва», 1999г.
- 2.5. В.Г. Олифер. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы. -М.: “Питер”, 2003. -С. 863.
- 2.6. Э. Таненбаум. Компьютерные сети. 4-издание.
- 2.7. Труды Международного Форума в Президиуме РАН «Россия в электронном мире». День Министерства экономического развития и торговли «Электронная Россия 2002 - 2010 годы».
- 2.8. Т.Н.Нишанбаев. Оптимизационно-имитационные модели и алгоритмы построения и исследования распределенных вы-

- числительных сетей. Авт. диссертации на соискание докт. техн. Наук - Т.: 1994.
- 2.9. Нишонбоев Т.Н. Windows, Word, ва Internet тизимларида ишлаш. "Akademiya", -Т.: 2002. 137 б.
- 2.10. Т.Н.Нишанбаев, А.А.Муксинов. Эффективность применения информационной системы "Электронное правительство", информационно-аналитический журнал "infocom.uz", Ташкент. 2006, март.
- 2.11. Егоров В.К. Эффективное государство: проблемы, дискуссии и решения. Актовая лекция Президент-ректора 11 ноября 2002 г. в РАГСе при Президенте РФ.
- 2.12. Корунов С.М. Программа курса «Система государственного и муниципального управления» Уральский государственный университет им. А.М.Горького Институт управления и предпринимательства, 2003.
- 2.13. Изотов Б. С. Проблема защиты информации в деятельности государственных учреждений в рамках Федеральной целевой программы «Электронная Россия».
- 2.14. Т.Н.Нишонбоев . Давлат бошқаруви таомилида “Электрон хукумат” тизими // “ Жамият ва бошқарув ”, № 1, 2006
- 2.15. T.N.Nishanbayev, N. B. Usmanova. E – Government Implementation Strategy: Approach for Developing Countries. The 4th international conference on “Application of information and communication technologies”. 2010, Tashkent, Uzbekistan.
- 2.16. Т.Н.Нишонбоев. “Электрон хукумат” тизими ва унинг ахборот ресурслари “ Электрон кутубхона тармокларида фан-таълим ахборотлари яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари ” мавзуидаги халқаро илмий-амалий семинар. -Т., 2010.
- 2.17. Т.Н. Нишонбоев, Д.Ф. Қорабоев, У.В. Содиков. Интранет муҳитидаги электрон ресурслардан масофавий тарзда фойдаланиши ташкил этиш асослари. “Кутубхона – ахборот ресурсларида фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш” мавзуидаги б-халқаро конференция, Тошкент 2010.
- 2.18. Т. Н. Нишонбоев. Давлат органининг бошқарув пирамидаси ва ахборот тизимларининг уйгунлашуви. // “Жамият ва бошқарув”, 2-сон, 2010 йил.

III. Интернет материалари

- 3.1. Понятие электронного правительства (E-Government)
<http://www.bb2.ru/articles/urasov/123.html>
- 3.2. Совершенствование деятельности органов государственной власти и местного самоуправления на основе использования

- информационных технологий Часть 2. <http://www.iefb.agtu.ru/dist/biblio/eGovernment/newsletter/issue13.htm>
- 3.3. Современные политические режимы: структура, типология, динамика (учебное пособие) http://www.i-ru/biblio/archive/tsigankov_modern_political_modes/24.aspx
- 3.4. Голубецкий А.П., Шевчук О.Б. Электронное правительство. — Киев: УМС – Атлант. 2002 www.auditorium.ru/books/6178/
- 3.5. "Электрон җукумат масалалари" Марказининг мақола ва нашрлари.
www.e-govcompetence.ru
- 3.6. Республика Мордовия: ставка на совместное решение компании «Электронные офисные системы» и корпорации Microsoft http://www.iefb.agtu.ru/dist/biblio/eGovernment/newsletter/issue13/issue13_10.htm
- 3.7. Внедрение Республиканской информационно-аналитической системы — основа формирования «электронного правительства» в Чувашской Республике. <http://www.microsoft.com/rus/business/casestudies/chuvashia/>
- 3.8. Шлюз государственных служб Великобритании открывает путь в «электронное будущее»
http://www.microsoft.com/rus/business/casestudies/uk_govgateway/
- 3.9. А.Н. Райков. Менеджмент и корпоративная информационная система — две стороны одной медали. <http://emag.iis.ru/arcinfosoc/emag.nsf/BPA/45f44ce078b88111c325690400283aff>
- 3.10. Классификация информационных систем. Функциональные возможности, цели и задачи систем определенного класса.
<http://www.sov-tech.ru/synergy/eam/eamarticles/?ID=34>
- 3.11. Менеджмент ИТ. Решения для «электронного правительства». <http://www.osp.ru/os/2005/04/185524/>
- 3.12. А. Голобуцкий , О. Шевчук. «Электронное правительство» Часть первая. Электронное правительство как концепция государственного управления в информационном обществе <http://golobnarod.ru/egovperru.html>
- 3.13. Игорь Агамирзян, Microsoft Research, сотрудник Европейского исследовательского центра «Майкрософт». Мировой опыт реализации концепции электронного правительства.
http://www.microsoft.com/Rus/Government/analytics/egov_evolution.mspx
- 3.14. Федеральная целевая программа»Электронная Россия на 2002-2010 годы <http://www.nbuv.gov.ua/law/01ru-er.html>

Мундарижа

Кириш	3
I боб. Ахборот технологиялари ва тизимлари. Давлат органларининг ахборот тизимлари	
1.1. Ахборот, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари...	6
1.2. Интернет тизими ва унинг имкониятлари	21
1.2.1. Интернет тармогининг тавсифи ва унинг ривожланиш тарихи	21
1.2.2. Жаҳон ўргимчак түри: World Wide Web	25
1.2.3. Интернет тармогининг имкониятлари ва улардан давлат бошқарувида фойдаланиш	27
Савол ва топшириклар	29
II боб. Давлат органининг бошқарув ахборот тизими	
2.1 Ташкилотнинг бошқарув пирамидаси ва унда айланадиган ахборот турлари	31
2.2 Давлат бошқарув органлари тизимининг инфратузилмаси (вилоят ҳокимияти мисолида)	38
2.3 Давлат органининг бошқарув цикли жараёнида ахборот алмашинувини ташкил қилиш асослари.	
Давлат ахборот ресурслари	55
2.4 Давлат органининг бошқарув пирамидаси ва ундаги ахборот тизимларининг уйғуналашуви (вилоят ҳокимияти мисолида)	64
Савол ва топшириклар	67
III боб. Ўтиш давридаги давлатлар бошқарувида АҚТ. “Электрон хукумат” тизими	
3.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги давлатлар бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологиялари	68
3.2. “Электрон хукумат” ахборот тизими ва унинг таркибий модуллари	75
3.3. «Электрон хукумат» тизимининг давлатта, аҳоли ва бизнес тузилмаларига яратадиган кулагиликлари	79
3.4. Давлат органи бошқарувида “Электрон хукумат” тизими (хориж тажрибаси)	85
Савол ва топшириклар	111

IV боб. Ўтиш давридаги давлат бошқарувига “Электрон хукумат” тизими услубларини жорий этиш асослари	
4.1. Давлат бошқарувига “Электрон хукумат” услубларини босқичма-босқич жорий этиш асослари	112
4.2. “Электрон хукумат” тизимининг асосий хизмат турлари ва уларни тақдим этиш йўллари	130
Савол ва топшириқлар	137
V боб. Давлат муассасаларида Интранет тармоги асосидаги электрон хужжат айланиши тизими	
5.1. Давлат муассасаларида хужжат айланиши тизими.	
Мавжуд муаммолар	138
5.2. Электрон хужжат айланиши тизими	144
5.3. Давлат муассасасининг электрон хужжат айланиши тизими асосидаги иш юритиш технологияси	150
5.4. Электрон рақамли имзо. Асосий тушунчалар	161
Савол ва топшириқлар	169
VI боб. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг бошқарувини «Электрон хукумат» тизими орқали ташкил этиш асослари	
6.1. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари бошқарувини ахборотлаштириш жараёнларининг тавсифи ..	171
6.2. Давлат органлари бошқарувида «Электрон хукумат» тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари	188
Савол ва топшириқлар	204
Хулоса	206
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	211

4320c.

Т.Н. НИШОНБОЕВ

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАКОМИЛИДА
“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИ**



«Akademiya»
Тошкент 2011

Муҳаррир ва мусаххих Г. Абдуллаева

Дизайнер Д. Дўстмуҳаммедов

Техник муҳаррир Н. Қурбонова

Нашр учун масъуллар Б. Умаров, Д. Қобулова

Нашр лицензия №117, 06.10.08. Босишига 29.03.11 йилда ружсат этилди

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Шартли босма табори 13.5.

Нашр табори 13.0. Адади 120. Баҳоси шартнома асосида.

МЧЖ «YOSH KUCH PRESS MATBUOTI»
Манзил: Тошкент шаҳар. Сўгалли ота 5-уй.